

# **НУРЛАР ТИМСОЛИНИ ИЗЛАБ**

## НУРЛАР ТИМСОЛИНИ ИЗЛАБ

**Муҳаммад Али. Оқ нур. Шеърлар ва поэмалар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1970.**

Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг янги китобини вараклар эканман, машҳур шоир Михайл Светловнинг: “Ҳамма нарсани кўриш, сезиш учун умумий назардан яшириниш керак. Лекин яхши шоирларда шундай бўлади – улар кўзга ташланмасликка ҳаракат қилсалар ҳам, барибир одамлар билиб олади”, - деган сўzlари хаёлимга келди.

Муҳаммад Алининг бу китоби ўз номи билан ҳам дикқатни тортади. Шубҳасиз, дунёнинг нурлари – ёруғлик унсурлари турли шеърларга ўтиши учун кўпроқ лирик пардалар, лирик лавҳа ва образлар тақозо қилади.

...Туйғулар тин олар, хаёллар қота,  
Кўнгил бола мисол тийиқсиз, фақат  
Ўзин ерга урап, осмонга отар  
Икки юракдаги битта муҳаббат...

Шоирнинг олам ҳақидаги ўйлари бу гал муҳаббат туйғуларига айланади. Муҳаммад Али руҳий кечинмаларни тиниқлиги, уйғунлиги, табиий зиддиятлари билан ифодалашга ҳаракат қилади. У янги оҳанглар излайди, гуё элементлар сезгилар билан оламнинг моҳиятига етиш қийинлигини англағандай бўлади, оддий кўздан яширинган руҳий дунёни мумкин қадар аник, равshan ҳис этишга интилади. Зоро, шоир “сукунатни тинглай олиши” (Блок) лозим. Муҳаммад Али бундай нозик туйғуни ўзича кечиради, бошқача образларда ифодалашга ҳаракат қилади.

Баргларга бош қўйиб ухлайди шамол...  
Табиат зарриндир, борлиқ сим-симдир.  
Кўзингни юмганда кўринур чаман:  
У чаман – ёп-ёруғ орзуларимдир.  
Қулоғинг беркитсанг эшитилар сас:  
У сас – дил тепиши, дилим сурони...

Чиндан ҳам ҳаётда баъзан “кўзни юмиб”, кўнгил нигоҳи билан ҳис қилинадиган, “қулоқни беркитиб”, руҳий уқув билан тингланадиган, “қалб

шивирлари” орқали изҳор этиладиган сирли нуқталар, яширин маънолар, маҳрам туйғулар бўлади.

“Беркинмачоқ” шеърида маъсум болалик хотиралари ҳаётнинг зиддиятли таассуротлари билан қўшилади. Ўйин чоғида беркинган бир қизчани қидириб топишнинг ажаб завқи, нашъаси, ширин хаёллари тақдирнинг жиддий “ўйини” билан, ҳаётнинг азалий муаммолари билан қиёс қилинади.

“Оқ нур”га салмоқ бағишлигар шеърлар ичида республикамизнинг шонли 50 йиллигига бағишлиланган “Фахрия”қасидаси алоҳида ажралиб туради. Мұхаммад Алининг поэтик оламини мумкин қадар ёрқин очиб берувчи бу манзума “Оталар юрти” – Ўзбекистон, Ватан шаънига муносиб жўшқин кайфиятда янграйди. Шоир самимий мисралар – меҳнат мўъжизалари тасвири орқали бир йўла жонажон юртимиз гўзалликларини, халқимизнинг баҳтли қисматини, шуҳратини, азалий ҳимматини ва фидойилигини, ҳалоллик билан яшашнинг маъносини, “яхши”лар номининг барҳаётлигини, ленинча ғоялар тантанасини – замондошимизнинг ифтихор туйғуларини таъсирли ифодалай олган.

Шунингдек, китобга кирган “Хайр! Кўнгил иши нозик...”, “Болалигим хотираси”, “уйғониш” каби шеърлар ва “Бешгул”, “Ошиқлар эртаги” достонлари ҳам шоирнинг камолот сари интилаётганидан гувоҳлик беради. аввало, шуни айтиш керакки, Мұхаммад Алининг шеърий иқтидорида кечинмаларни, руҳий ҳолатларни сувратлаб беришга нисбатан ҳаётнинг предметли, воқеий тафсил-деталларини эпик элементлар тарзида, нарсалар, ҳодисалар тили билан тасвирлашга мойиллик сезилади. Бу ҳол “Чоллар”, “Номаълум ўзбек солдатига”, “250 000 000” ва бошқа шеърларда ёрқинроқ намоён бўлган.

“Ошиқлар эртаги” достони “адабий мавзу”га бағишлилангани учунми, унда лиризм элементлари йўқ эмас. Чунончи, “икки ғунча – икки ибтидо”да зуҳур этган муҳаббатнинг илк бор шаклланиш, уйғониш дамлари, ўсмирилик чоғларининг дилбар хаёл, гўзл фантазияси қатор саҳифаларда анча таъсирли чизилган. Хусусан илк бўсадан “ранжиб қолган”қизнинг болаларча ибоси, араз қилиб уйидан чиқмай қўйиши, зиддиятли хаёлларга бориши:

“Йўқ, йўқ!” – дерди идроки, бироқ

Эшик тараф тортарди оёқ...

Ёки:

Юлдузларга ташланганди кўз,

Барин уйқу элитар эди... –

каби мисралар руҳий ҳолатларни аниқ сувратлаши билан ажралиб туради. Лекин ёшлиқ романтикасининг илк бобига, унинг наврӯзий жилолари ва садоларига бағишланган бу достонда ҳали ўша қайтарилемас сирли оламга хос кенглик, юксаклик, ранггинлик етишмай туради, маълум даражада бир оҳанглик бор. “Бешгул” достони ҳақида ҳам шунга яқин фикрни айтиш мумкин. Киндик қони тўкилган, она алласи таралган, унтилмас болалик дунёсига бешик бўлган “кичик ватан” – Бешгул қишлоғи ҳақида, унинг катта, бепоён Ватан билан туташ йўллари, туташ тақдири, истиқболи ҳақида ҳозиргидан кўра кенгроқ масштабда, – янада юксакроқдан туриб куйлашга шоирнинг қурби етар эди.

“Оқ нур” китобида содда, жўн, ҳали ўзининг образли меъенини топмаган, истеъодли шоирнинг аввалги китобларига нисбатан баъзи “хом ва нотамом” (Навоий) шеърлар, мисралар зиёдроққа ўхшайди. Гарчи нохуш бўлса-да, бу жиддий даъвонинг конкрет далилларини кўздан кечирамиз. Китобдаги “Даъват” шеърини ўқиб, ундаги қатор мисралар устоз шоир Миртемирнинг “Тағин тупроқ тўғрисида” шеърининг таъсирида ёзилмадимикан, деган тасаввур туғилади. Миртемир: “Ҳали мен кечмаган денгиз лиммо-лим, ҳали мен ёнмаган ўчоқлари бор” деса, Муҳаммад Али иккинчи шахс тилидан: “наҳот бўлса сен кечмаган ҳали дарё, сен ёнмаган ўт?..” дейди; Миртемир: “Ҳали не тоғлар бор – кезолганим йўқ?..”, Муҳаммад Али: “Наҳот ҳали тоғларда бор сен солмаган йўл?..”; Миртемир: “Ҳали мен чалмаган чолғу анча?..”, Муҳаммад Али: “Бордир ҳали овозингга тушмаган суруд?” Бошқа мисралар айнан бўлмаса ҳам қисман ё руҳан ўхшайди. Эҳтимол, бу беихтиёр, ижодий автоматизм оқибатида содир бўлгандир (шоир қаердадир ўқиганини унтиб ёзгандир). Бироқ нима бўлгада ҳам, у “ўз-ўзини текшириш туйфуси” (Бехер) билан яшashi, ёзиши, бундай талабни адабий алоқалар жаҳоний кўлам касб этган бизнинг давримизда айниқса кучайтиromoғи лозим.

“Овчилар”, “Умр” каби шеърлар шоир кўнглига туғиб қўйган фикр ҳали ўзининг бадиий меъенини, оригинал шакл-шамойилини топмасдан қоғозга туширилгани сезилиб туради. Чунончи, биринчи шеърда овнинг “бароридан келмагани”га кўлнинг бир томонидан – “нарироқдан сал ийманиб қараган битта қиз” сабабчи бўлади. Қизик, кимсасиз кўл атрофида, йигит “пўстинда мизғиган” саҳарги аёзда, бунинг устига икки томондан (отабола овчилар танланган жойлардан) “қушоғизлар кетма-кет сайраб қолишган” кезда ногиҳонда бир гўзал қиз пайдо бўлсинда, овчи йигитга хотиржам, “ийманиб қараб” турсин. Шундай бўлиши ҳам мумкинdir, ундаи ҳолда буни етарли даражада далиллаш зарур эди.

“Оқ нур”да “нозик адо уд”, “сентуймаган меҳри мўътабар”, “шуълаи поки”, “маликаи ёр”, “оқилаи саодат”, “моҳипораи назокат” каби сўзга ортиқ оро бериш (айниқса автор тилидан) натижаси бўлган беихтиёр илҳом ола келган қўйма, равон ифодавийлик ўрнига сунъий ихтирочиликка асосланган, умрини ўтаган, бугунги дидли китобхонга ботмайдиган серҳашам таъриф-тавсиф усули ўзининг маълум асоратини қолдирган.

Мухаммад Али юқорида кўрсатилган турли нуқсон ва “нотамомлик”лардан қанчалик тез халос бўлса, ўзига хос шеърий “чамани”ни “тикан”лардан қанчалик тез тозаласа (шоирда бундай иқтидор бор), поэзия муҳлисларини ҳам, ўзини ҳам шунчалик қувонтирган бўлади.

**Ботирхон АКРАМОВ**

## **ҒАЗАЛ ЗАРУРАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ**

Ўзбек шеърияти тараққиётида бармоқ, сарбаст каби етакчи шеърий шакллар қаторида анъанавий ғазалнинг ҳам ўз ўрни, зарурати бор. Бинобарин, социалистик реализм адабиёти ўзининг ғоявий-маънавий сифатлари билан қанчалик юксак бўлса, бадиий шакли эътибори билан ҳам шунчалик бой, ранг-баранг.

Кейинги йилларда адабиёт олдига қўйилган янги талаблар, шубҳасиз, ғазал учун ҳам тааллуқлидир. Бунда шарқ классик шеъриятидан таълим олган, қадимий анъанани бевосита давом эттираётган ғазалнавислар ижодини мамнуният билан қайд этиш керак. Хуршид, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий сингари шоирлар ижод қилган ғазаллар халқ севиб тинглайдиган қўшиқларга айланди. Бу сирага Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Гайратий, Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Саида Зунунова, Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб яхши ғазалларни ҳам киритиш мумкин.

Хозирги ғазалчилигимиз ҳақида баҳс юритганда адабий жамоатчилик фикрини қўзгата олган янги тўплам сифатида Эркин Воҳидовнинг “Ёшлиқдевони”ни кўрсатиш лозим бўлади.

Бу китобда шоир қадимий мавзуларни янгича, ижодий талқин қилиб, анъанавий образларга ўзгача жило бера олди. Сарлавҳасиданоқ анъанавийлиги кўриниб турган “Ғунча”, “Банди зулф”, “Сарв”, “Хижрон юки”, “Узум”, “Хаёл” каби ишқий-мажозий ва фалсафий ғазалларда нозик хаёл, таъби равонлик сезилиб туради, уларда ўзгача лутф ва дил тортар мусиқийлик бор.

Кейинги йилларда қатор истеъдодли ёшлар ғазалда кучларини синааб кўрмоқдалар. Албатта, бунинг учун шоирда биринчи навбатда ғазал туйғуси, маҳсус назарий билим бўлиши керак. Бу жиҳатдан Жамол Камолнинг машқлари диққатни ўзига тортади. Шоирнинг изланишлари унинг чинакам ғазалнависга хос иқтидоридан, назарий тайёргарлик қўрганидан далолат беради. Теран мушоҳада, майин ва ўйноқи оҳанглар, тиниқ ранглар Жамол Камолнинг кўпчилик ғазалларига хос.

Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий каби устоз шоирлар девонидан ўрин олган энг яхши манзумаларга, Саида Зунунова ва Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов ва Жамол Камолнинг кўпчилик ғазалларига қараб, бу анъанавий жанрнинг ўзига муносиб ўрни событ бўлиб қолади, унинг келгуси ривожи ҳақида шубҳаланмаса бўлади, деб bemalol ҳукм чиқариш мумкин.

## ҒАЗАЛГА – ҒАЗАЛ ТҮЙГУСИ КЕРАК

Ҳозирги ғазалиётимиз ҳақида зиддиятли фикрлар мавжуд. Шеърий табъи ғазалга мойил кишилар уни камоли ихлос ва эҳтирос билан меъёридан ошириб баҳолайдилар. Чамаси, улар ғазал имкониятларини бармоқ вазнидан кам эмас, деб биладилар. Шунинг учун истаган мавзуда, истаган мазмунда ғазал ёзиш мумкин, деб ўйлайдилар, бунга классиклар ғазалиётини мисол қилиб кўрсатадилар. Улар ғазалнинг жанр хусусиятларини, поэзиямизнинг янги омиллари, янги тенденцияларни етарли ҳисобга олмайдилар...

Ҳеч кимга сир эмаски, ғазалга нисбатан салбий фикрда бўлган ўртоқлар ҳам бор. Ғазалга бегонаситиб қаровчи ўртоқлар асли ҳаётда, инсон руҳий оламида ғазалдагина ёрқин ифодалаш мумкин бўлган нафис нуқталар мавжудлигини, бу халқимиз учун азалдан маънавий зарурат бўлиб келганини унугтадилар ёки ҳис этмайдилар... Ғазалга бу хилдаги салбий муносабат бошқа ранг ва оҳанглар билан, бошқа усул ва воситалар билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган образлардан, уларнинг беназир завқидан баҳрасиз қолишга олиб келган бўлар эди. Ғазалга хос образлилик намунасини отахон шоирларнинг ҳам, истеъдодли ёшларнинг ҳам яхши шеърлари мисолида кўришимиз мумкин. Улардаги маъно қирраларини, нозик тасвирларни ғазалдан бошқа шеърда бериш қийин. Бунга амин бўлиш учун Ҳамид Олимжоннинг “На бўлгай...” деб бошланадиган ғазалига разм солиш кифоя.

На бўлгай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,

Лабинг япроғидин томганки гўё қарта бол бўлсам.

Бутогингга қўйиб булбул каби хониш қилиб тунлар,

Ўпид ғунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам...

Бу шеърнинг бутун жозибаси, образларининг фавқулодда ёрқинлиги, ўзига хос сехри, таровати унинг ғазал сифатида яратилгани билан белгиланади. Поэтик туйгулар ғазалдагина шундай ўзгача ғамзали бўлиши, мусиқа касб этиши, кутилмаган уйғунлик ҳосил қилиши мумкин. Фақат ғазал мусиқийлиги, ягона қофия-радиф системаси шундай рангин, силсилали образларнинг ўзаро мутаносиблигини яратади. Тўғри, бу мавзуни бармоқда ҳам ифодалаш мумкин. Лекин бу вазндаги шеър бошқа рух ва оҳангда, ташбиҳ ва образларда туғилар, таассурот ҳам ўзгача бўлур эди.

Юқоридаги ўзига хос шаклга монанд нозик маъно уйғунлиги, унга мос келган қофиялар тизмаси, ҳар бир байтдаги рангин мажозий образлар факат

шу шеър учунгина тааллуқли бўлиб, унинг мантиқий ва ифодавий бутунлиги учун хизмат қилади. Ғазални ўқиб олган таассуротимиз бетакор бўлиб қолади.

Ҳамид Олимжоннинг “Ғунча янглиф...”, “Сўзингнинг шарпаси...”, (“Куйгай”) ғазаллари ўзбек совет ғазалчилигида такрорланмас бадиий қимматга эга бўлиб қолади. Ғазал ёзиш ҳассос шоирга бармоқ вазнидаги машҳур шеърларининг яратилишига ҳеч бир монелик қилмаган. Яхши ғазал – ғазал бўлиб дунёга келади. Бугунги ғазалнависларнинг яхши ғазаллари ҳам поэтик зарурат, ғазал зарурати самараларидир. Бармоқ мезони билан битилган шеърдан ғазал яратиб бўлмаганидай, чинакам ғазал мусиқаси қанотида ҳаволанганд, тартиб берилган байтларни ўзгартириш мумкин эмас.

Бугунги диidi баланд китобхон янги шакллардаги шеъриятимиз дурдоналари қаторида анъанавий ғазалнинг замонавий намуналарини севиб ўқииди. Шоир ғазал ёзганда ҳам, танқидчи уни баҳолаб, таҳлил қилганда ҳам талабчан китобхонни назарда тутиши лозим.

Хуллас, ғазал ёзишга ҳам, уни тушуниш ва баҳолашга ҳам ғазал туйғуси керак.

## **ҒАЗАЛНИНГ ЎРНИ, ХАЛҚЧИЛ ЗАМИНИ**

Ғазалиётимизнинг, ўзбек арузининг чуқур асослари – ўзига хос шаклланиш, ривожланиш тарихи, такомил йўли бор.

Ғазалнинг такомили, аввало, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Фурқат каби классиклар тажрибаси, қолаверса, адабий тилнинг халқ тилига яқинлашиб бориши, демократлашуви жараёни билан белгиланади. Демак, узоқ давом этган ижодий изланишлар, маълум ўзгаришлар заминида, халқнинг бадиий тафаккурига, дидига, ўзбек тилининг имкониятларига мос ҳолда, миллий ўзига хос ғазалиёт яратилди. Бу жараён Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этди. Албатта, янги давр тақозоси билан ғазал руҳида, луғат бойлигига, образларида қатор ислоҳотлар қилинди. У ҳар қачонгидан кўра кенг оммага тушунарлироқ бўлиб қолди. Бироқ ғазал ўзининг азалий мусиқийлигини, анъанавий қатъий шаклини – жанр меъёрини сақлади.

Халқимиз шашмақомнинг нафис, мураккаб, сокин ва авж пардаларини қандай ардоқлаб, юрақдан ҳис этиб тинглагани каби ғазалга ҳам алоҳида меҳру муҳаббат кўрсатиб келади. Умуман, ғазал баҳрлари билан шашмақом усуллари ўртасида азалдан уйғунлик бор. Ғазал мисраларининг мақом йўлларига осонгина тушиши бежиз эмас. Классик ғазал усталари ўз шеърларини машҳур қуйларга монанд баҳрларда ёзганлар. Хуштаъб созанда, хонанда ва маълум даражада бастакор бўлганлар. Маълумки, мусиқа санъатнинг энг оммабоп тури сифатида халққа тез ва осон этиб борар, уни

тушуниш учун алоҳида савод, маҳсус тайёргарлик бўлиши унчалик шарт эмас эди. Бу ҳалқчил хусусият музика орқали ғазалларга ҳам маълум таъсир кўрсатди. Ҳалқ куйлари, мақом усуллари ёрдамида ғазал омманинг турли қатламлари орасига кириб борди. Ғазалнинг одамларга манзур бўлишининг асосий омили инсонни, ҳаёт гўзалликларини, хур фикрликни, меҳру вафони улуғлашида эди. Ғазалга сингдирилган ҳазин рух, ҳижрон нолалари ҳалқа айниқса ёқарди, негаки, бу кўпчиликнинг аччик, баҳтсиз қисмати, армонлари билан ҳамоҳанг, уларнинг кўнглини, дардини ифодалар эди. Ғазалдаги лирик равонлик, ўйноқилик одамларнинг дидига мос, табиатига хуш келарди.

Албатта, ғазалнинг бугунги шеъриятдаги ўрни, мавқеи ҳақидаги масала анча мураккаб, мунозарали. Адабий жамоатчилик ўртасида, аruz вазнининг, ғазал баҳрларининг имкониятлари чегараланган, деган фикр юради. Гарчи классикларнинг тажрибаси бунга зид бўлса ҳам, ҳозирги замон шеъриятининг миқёси ва кўлламларига, имкониятларига қиёслаганимизда бундай фикрнинг туғилиши бежиз эмас. Гап шундаки, Октябрь инқилоби туфайли янги шеърият вужудга келди. Дастлаб аruz шаклларидан ҳам ижодий фойдаланишга тўғри келган эди. Бироқ инқилобий кураш ва меҳнат мавзуи анъанавий шакл доирасида қололмас, бинобарин, совет шеъриятининг новаторлик хусусияти янги шакл, янги жанрларни тақозо қиласди. Янгиликнинг ғалабаси учун олиб борилган шакл сифатида бармоқ вазни етакчи мавқени эгаллади. Шундай бир шароитда ғазал лирик шеъриятининг етакчи жанри бўлиб қололмасди. У энди анъанавий шакл сифатидагина яшаши мумкин эди. Бироқ, афсуски, ғазал ўзининг ана шу маълум ворислик ўрнини ҳам лозим даражада эгаллай олмади. Ғазалга кўпинча классик адабиёт анъаналарига бўлган муносабат асосида ёндошилди. Фақатгина кейинги йиллар давомида ғазалга бўлган муносабат ўзгарди. Ғазал жанри маълум даражада жонланиб кетди, отахон ғазалнавислар сафига истеъдодли ёшлар келиб қўшилди. Бу тасодифий ҳол эмас эди.

Классиклар аruz имкониятларидан кенг фойдаланганлар. Арузнинг маснавий баҳрларида яратилган “Шоҳнома” ва “Хамса”лар забт этиб бўлмас юксакликка кўтарилилди. Лирик баҳрларда Ҳофиз, Навоий, Фузулий каби даҳолар ижоди неча асрлардан буён кўнгилларни сехрлаб келади. Шеърий девонлар, асосан, ғазаллардан тузилган.

Лекин бугунги кунда ғазалга аввалгидай ёндашиб бўлмайди. Маълумки, Октябрь инқилобидан сўнг ҳаётнинг ўзи арузга ҳам маълум ўзгаришлар киритди, ғазал лексикасида, стилистикасида ислоҳотлар қилинди. Бунга амин бўлиш учун Ҳамза ва Сўфизоданинг инқилобдан аввал

ёзган ғазаллари билан совет даврида арузда яратган шеърларини муқояса қилиб кўриш кифоя.

Асрлар давомида ишланган анъанавий принциплар билан хисоблашмаслик ўзбек арузида, унинг ритмикасида муайян сунъийлик мавжуд деган янгилиш қарашларга олиб келади (Айрим тадқиқотчилар ғазалларни классик усулда, анъанавий оҳангда унлиларни маҳсус чўзиб, баъзан янги товуш ё бўғин орттириб ўқишни ҳам сунъийликка йўядилар).

Ахир адабий тил ёки талаффуз тили билан анъанавий ғазал тили ўртасидагина эмас, ҳатто бармоқ вазnidаги шеър тили, уни ўқиш ўртасида ҳам ритм-оҳанг тафовути бўлади-ку. Бу санъатнинг, шеъриятнинг шартлилиги, ўзига хослиги белгиларидан бири, ундаги бадиий элементларнинг характерли хусусияти эмасми? Гап шундаки, ғазалда сўзлар одатдаги қоидалардан кўра маҳсус оҳанг – мусиқийлик касб этади, натижада тўлқинли, давомли садо ва акс-садо, куйга монанд ўзгача шартлилик, ифодавийлик касб этса ажабланадиган жойи йўқ. Сўзга бадиий-мусиқий оро бериш халқ қўшиқларига ҳам хосдир. Алишер Навоий “Мезонул авзон” рисоласида ажойиб фактларни келтиради: доҳий шоир аruz баҳрларига тушадиган бир неча халқ қўшиқлари вазнини аниклайди, масалан, “чанги” (ё “чинга”) деб аталган ўлан – ёр-ёр вазнига қуйидаги мисол берилади:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр.

Навоий келтирган байтга ўхшаш қўшиқ-ўланлар ҳозир ҳам айтилади. Айниқса Фаргона водийсида тўйларда ижро этиладиган ўланлардан анчагинаси арузнинг халқ қўшиқларига яқин баҳрларидандир. Машхур “Галдир” ашуласи ҳам арузга тушади:

Бекасам тўнлар қийиб, мунча мани қуидирасан,

Ҳар замонда бир қараб, воҳ, беажал ўлдирасан.

Бу хилдаги қўшиқлар классик ғазаллардан таъсирланиб, унинг шўх, равон намуналаридан андоза олиб тўқилганига шубҳа йўқ.

Ғазалнинг деярли барча назариётчилари унинг мундарижасини ишқ-муҳаббат тасвири билан боғлаб изоҳлайдилар. Алишер Навоий ҳам ғазал бобида “ошиқнинг ишқи ва ниёзи, маъшуканинг ҳусни ва нози”ни асос қилиб олади. Лекин мутафаккир шоир ғазалнинг мавзу доирасини кенгайтириш, унга янги мотивларни киритиш устида жиддий бош қотирган эди. Навоий биринчи девони “Бадоевул-бидоя” дебочасида ғазал ёзиш фақат ишқ мавзуи билан чекланиб қолганини, хусн таърифидан нарига ўтолмаганини, инсоннинг ижтимоий фаолияти ҳақида кенгроқ маърифат берувчи ғазални

девонлардан топиб бўлмаслигини нуқсон сифатида кўрсатган эди. Улуғ шоир анъанага содик қолиб, ишқ мавзуига катта ўрин берди. Шу билан бирга, ижтимоий-фалсафий, панд-насбарча мазмунидаги ғазалларида ҳам замоннинг тузатиб бўлмас иллатлари ҳақида руҳий түгён билан ёзди. Навоийдаги ижтимоий оҳанглар унинг издошлари ижодида янги мазмун касб этди.

Бугунги ғазал ҳақида гапирганда эса унинг мавзу доираси, ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабати масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Ўзбек поэзиясида барча ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақидаги шеърлар асосан янги вазн, янги шаклларда яратилган. Масалан, Faфур Ғуломнинг “Ганжинаи ҳикмат”, “Ўзгинам”, “Кўринур”, “Айлаб келинг”, “Жон ўғлим”, “Бу кунлар...”, “Ассалом...” каби ижтимоий мазмундаги кўпгина ғазалларини шоирнинг бармоқ ва сарбастда ёзилган наърадор шеърияти билан бир сафга қўйиб бўлмайди, албатта. Лекин бу фактлардан ғазалда ижтимоий мазмунни бугунги талаблар даражасида ифодалаб бўлмайди, деган хulosа келиб чиқмайди. Ғазалнинг ўз меъёри, ички имкониятлари доирасида, унинг ўзига хос нозик образлари воситасида бугунги куннинг мазмунини, руҳини ифодалаб бериш мумкин. Эркин Воҳидовнинг “Самарқанд” “Ўзбегим”, “Даврон юки”, “Хаёл”, “Қалам”, “Замон”, “Замин ва фазогир”, “Хазина” каби ижтимоий-фалсафий мазмундаги ғазаллари бор, улар қолипга айланган таъриф-тавсифдан, мадхиябозликдан холи. Аммо бу ғазаллар ҳали кутилган натижалар эмас. Дадил изланаётган Жамол Камолнинг “Баҳор”, “Умид”, “Кун”, “Кеча”, “Кўнглим ичра”, “Сен бугун узган япроқ”, “Баҳор”, “Умид”, “Кун”, “Кеча”, “Кўнглим ичра”, “Сен бугун узган япроқ”, “Нағмаси”, “Қолди умрим кўклами” каби ғазалларида интим кечинмаларга ижтимоий ранг, оҳанг беришга интилиш кучли. Ҳозир Жамол Камол ҳам ижтимоий-фалсафий мавзуни теран ғазаллар яратиш йўлида изламоқда. Умуман, ҳозирги ғазалнависларимизнинг изланишлари унинг истиқболи, мавзу кўлами, мазмун салмоғи ҳақида умид, ишонч туғдирди. Демак, фалсафий мавзуларда анъанавий ғазал шаклида ҳам чуқур шеърлар яратиш истеъдодга, маҳоратга, ҳақиқий ижодий изланишга боғлиқ бўлиб қолади...

Алишер Навоий “Хазойинул маоний” дебочасида, “Мажолису уннафоис” тазкирасида, ғазалларида “табъи мавзун” вазнига мос деган фикрни таъкидлаб ўтади. Аксинча, устоз шеърият, нафосат туйғусидан маҳрум бўлган машқни “Номавзун” деб атайди, яъни шеърий вазндан, мусиқийлик меъридан холи деб ҳисоблайди. Бу тоифа шоирлар ҳақида Захириддин Бобир “Бобурнома”да уларнинг “ёзганидан ёзмагани яхшироқ” деган эди. Бугунги ёш ғазал ёзувчи шоир учун хуштаъblick, маҳсус мусиқий укув, алоҳида ғазал туйғуси билан бирга назарий билим – аruz илмидан чуқур хабардор бўлиш ҳам зарурдир.

Классик ғазалчиликдаги оддий санъатларни ҳамдағаъзи мұраккаб үсулларни отахон ғазалнависларда ҳам, истеъодли ёшлар ижодида ҳам кузатиши мүмкін. Масалан, Эркин Вохидов бир вақтда иккі санъатни мұваффақиятли ишлата олади:

Нұқтадек бир холи бормиш ғунча лабнинг устида,

Ул бири ошкор әмишдір, ул бири пинхон әмиш.

Бунда “нұқта”, “ғунча” ташбихлари “хол”, “лаб” образлари билан үзаро мұвоғиқликни – таносибни ташкил қылса, “ощор” ва “пинхон” мажозлари нозик үсулда зиддиятга киради, бундан тазод келиб чиқади. Байтнинг жазб этувчи жойи шундаки, бир вақтнинг ичидә “ощор” сүзи ҳам, “пинхон” сүзи ҳам “лаб” ва “хол” образларини бир йўла нисбатлаб кела олади, тўғрироғи, уларнинг қай бири ошкор, қай бири пинхонлиги гўё сир бўлиб қолади...

Эркиннинг кўпчилик ғазалларига хос мажозийлик майин мусиқий оҳанглар билан бирикиб, маълум бир поэтик меъёрга айлангандир. Кичик бир мисол: “бошини минг кесдилар, бош эгмади асло қалам”, “даст кўтар даврон юкини, этма қаддинг ё, қалам”, “лаҳзанинг минг бир китоб айлар хаёл”, “ёшлигим достонига мен шуъладин йўндим қалам, эй сахар уфқи, унинг сен зарварақ қофози бўл” каби тиниқ сержило, жарангдор лирик лавҳаларни истаганча келтириш мүмкін.

Жамол Камолга ҳам ўзига хос мушоҳадакорлик, образлилик хос: “кўнглим ичра не умидларнинг ажаб парвози бор, ҳам умидлар ичра кўнглимнинг ширин эъзози бор”, “майсазор бағрида тинмайди тиниқ сув нағмаси, хушни элтар гоҳи гирён, гоҳи қулгу нағмаси”, “хукми олам ичра – идрок, хукми идрок ичра – мен, мен яна бир ўтли туйғу, ўтли маъно хукмида” каби нозик ишора, нозик мажозлар ғазалнинг ички имкониятлари кенглигидан далолат беради. бундай ғазалга хос мавзун тафсиллар, образлилик қаршисида бу жанрда қалам тебратмоқ учун алоҳида мусиқий уқув, алоҳида идрок ва масъулият туйғуси нақадар зарурлиги янада равшанроқ бўлади.

Бугунги ғазалнинг ривожи ҳақида баҳс юритганда, унинг энг заиф жойи сифатида классик анъанага пассив, бир ёқлама муносабатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Матбуотда эълон қилинаётган, куйга солиниб радиода, телевидиние орқали эшиттирилаётган баъзи ғазалнамо шеърлар юксак туйғулар парвозидан, фикрий теранликдан маҳрум, янги образлардан холи, аксари жўн, бир қолипдаги, Навоий таъбири билан айтганда “таркиби суст, адo нодуруст”, “хом ва нотамом” дир. Асосан музика соясида яшайдиган бундай ғазалларнинг кўпайиб кетиши ғазал мухлисларини ранжитади, айниқса

ёшлар ўртасида бу классик жанрнинг қимматини, эътиборини туширади, демак, унинг келгуси ривожига зиён етказади. Бундай кўнгилсиз ҳол қандай юз беради? Аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, ғазалга билиб-билимасдан қўл уриш ана шундай салбий оқибатга олиб келади. Қолаверса, арузни озми-кўпми ҳис қиласидиган баъзи маърифатли ғазалнавислар, баъзи дидли, укувли қўшиқчи шоирлар ҳам ғазалга хос мураккабликлардан негадир қочадилар, уларни мумкин қадар четлаб ўтмоқчи бўладилар, яъни том маънодаги образлиликка, оригиналликка эришиш, чинакамига изланиш ўрнига бир қолипдаги таъриф-тавсиф усулидан фойдаланадилар.

Айтилганлардан умумий хулосамиз шуки, том маънодаги ғазаллар, ғазал номига муносиб, унинг классик дурдоналарига ҳақиқий ворис бўла оладиган замонавий ғазаллар қанчалик зарур бўлса, бугунги талабчан ғазалхонга манзур бўладиган ғазаллар яратиш ҳам шу қадар масъулиятлидир.

## **ШЕЪРИЯТГА ЎТГАН ҲАЁТ**

**МИРТЕМИР, Асарлар. Уч томлик. Биринчи том.ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1970.**

Ҳаёт ва даврнинг катта-кичик муаммолари билан турли даражада тўлқинланиб яшаган, қувонган ё изтироб чеккан шоир, беихтиёр равишда, лирик нафосат доирасини ёриб чиқади, ижод, изланишлар майдонини кенг олиб, “қулочини ёйиб”, катта уфқларни чоғлаб ёзади. Шоир Миртемир ҳам илк машқларидаёқ “умидлар экардим ғамлар ўрнида” “нозли нигоҳларинг керакмас сенинг” каби тетик, қатъий фикрлар айтишга интилади ўз тенгдошларига қарата: “Қўрқоқларга баҳт қаёқда?.. Олиш, қувиш, тўлқиндан ўз!” дея ҳайқиради. 1930-1932 йилларда ёзилган “Ленинизм дарсидан”, “Холниёзга бағишилаганим”, “Саломанома”, “Сафарбар”, “Бонг” каби шеърларда ўша даврнинг поэтик муҳри қабариб туради, табиий, ҳаёт ҳақиқатлари ҳали шеърий ҳақиқатлар, бадиий умумлашмалар даражасига кўтарилимагани сезилади; айни замонда бу шеърларда биринчи беш йиллик даврнинг зарбор, курашchan руҳи, янги ғоя, янги амалларнинг ҳаётбахш қудрати, романтикаси эҳтирос билан тараннум этилганини кўрамиз.

Шоирнинг ўттизинчи йилларда яратилган шеърларида шундай бир юксак руҳ ҳокимки, уларни ўқиб, ўзининг шоирлик тақдири учун катта синов деб билган кишининг пок нияти, комил эътиқоди самимият билан ифодалаганига амин бўламиз. Тошкент – Москва йўлида, Дмитров ё Пушкинода – иккинчи беш йиллик иншоотларида майдонга келган шеърларда даврнинг оташ нафаси уфуриб туради. Миртемир, хусусан, Москва таассуротларини зўр ҳаяжон билан ифодалайди, социализмнинг улуғвор қурилишларидаги иштироки билан ғурурланади. “Кремль ёнида”, “Яхши қиз”, “Бу кеча”, “Қадаҳ” каби шеърларнинг мазмуни, фавқулодда мажозий образлар китобхонда шундай таассурот қолдиради.

Давр ёшларининг ғояси – Ватанга бирон бир наф етказиш ўйи ва амали Миртемирнинг ҳам ҳаёт матлаби эди: у кундузлари қурилиш шиддати билан куйиб-пишиб яшади, меҳнат, мардлик руҳи кечалари унга ижод оташи бўлиб туюлди, бу оташни шеър мисраларига кўчиришга интилди. Шу тарзда пойтахт ва Волгострой ҳаёти – ўша даврнинг даъватлари, шоирларигина эмас, иш-амаллари, самара ва ғалабалари ҳам шеъриятга ўтабошлади. Албатта, бу жараён ҳозиржавоб, анчайин бепардоз сатрлар тарзида воқе бўлди, лекин шу шеърият ўша суронли йилларнинг талабларига,

манфаатларига муносиб хизмат қилди. Шу маънода “Шаҳар бўсағасида”, “Қуёш ҳақида”, “Аскарда”, “Яхши қиз”, “Пойтахт” каби шеърлар, шубҳасиз, ўзбек шеъриятининг бошқа намуналари қаторида илк беш йилликлар мавзуида битилган унутилмас саҳифалар бўлиб қолади.

Янги-янги чақириқ ва шиорлар, меҳнат, суръат пойгалари, оммавий сафарбарлик юришлари... йиллар ўтиб, суронлар тинади, тошқинлар қайтади, ҳаёт ўзининг доимий тўлқини билан оқади. Кечаги кун қўшиқлари бугун эскириши мумкин. Лекин, бундай, ўзгаришлардан қатъи назар, ҳар бир даврнинг энг кучли, энг ёрқин, ҳаётбахш томонлари – мардлиги, курашчанлик, ғоявий юксаклик рухи, гўзал, нафис образлари кейинги йилларга мерос бўлиб ўтади. Миртемирнинг дастлабки беш йилликлар даври ҳақиқатларини маълум даражада поэтиклиштирган қатор асарлари борки, уларнинг давр ўтиши билан эскирмаганини кўрамиз, такрор ўқиб, таъсиранамиз. Бу “Бир гўзал”, “Яли-Яли”, “Ой юзли” каби ғамзали қўшиқларида, “Аччисой”, “Шодиёна”, “Ўйлар”, “Онажонлар”, “Боғимнинг чечаклари”, “Қизғалдок”, “Сени болалигим”, “Лолазордан ўтганда” каби лирик шеърлар ва эпик сюжетли манзумаларда кўзга ярқ этиб ташланади. Уларда давр муҳри аксланиб турган айрим мисраларни, шоирона дард, ёник эҳтирос билан яратилган поэтик лавҳаларни ҳаяжонсиз ўқиш қийин.

Шонли Ватан, фармон ёз,  
Бўлур кимнинг шубҳаси,  
Ки, биз ағдаролмаган  
Қоя бормикин?  
Ки, биз боғлай олмаган  
Дарё бормикин?

Ёшлик кучи, ҳарорати мавжланиб турган бу сатрлар ўттизинчи йиллар поэзияси ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Миртемирнинг 30-йиллар шеъриятига хос фазилатлар – мажозий рангдорлик ҳам ўзининг аниқлиги, тиниқлиги билан ажralиб туради.

Арчазор қирғоқларнинг  
Титрак кўланкалари  
Акс этур сувларнинг  
Кўзгуларида.  
Прожектор чироқларнинг

Алангалари  
Рақс этур кўзгуларнинг  
Кулгуларида.

Титрак кўланкалар- сувларнинг кўзгулари – чироқларнинг алангалари – кўзгуларнинг кулгулари – алангалар рақси... Бунда, шубҳасиз, жимжимага, мажозий рангларга олиб текширганда образлилик ўз меъёридан ошиб кетгандай туюлса ҳам, шоирнинг тийран мушоҳадалари маълум мантиқий силсилада, бадиий уйғунликда берилган, шунинг учун хийла мураккаб бўлган тасвирий лавҳа, ҳар қалай, конкрет тасаввур уйғота олади, бизни завқлантиради.

Поэтик конкретлик шеърдан шеърга томон қучайиб боради. Миртемир “Ҳам посевной, ҳам васл”, “Яшил япроқлар” шеърларида ўзбек дехқонларининг оби-тобида ерга чигит экиб олиш дардида “ойдин апрель тунлари” оромини тарқ қилиб, очиқ далада қолиш, сўнг қуёшга талпиниб чиққан ғўзанинг “яшил барра” япроқларини боладай асрраб-авайлаб парвариш қилишларини, ўша баҳор табиатининг тиник рангларида ифодалайди. Шоирнинг ўша пайтларда чизган шеърий манзараларини жонли образ яратишига интилишнинг яхши самараси, деса бўлади.

Совуқ салтанат қуриб қирқ даражада,  
Олмос резалар отур  
Замҳарир.  
Кўзга кўринмас найзалар ўйнатур  
Замҳарир.

Миртемир лирикада образлилик, мажозийлик меъёрини тобора чуқур ҳис эта бошлайди, ўз таассуротларига янги, тутилмаган шеърий андозалар қидиради, изланади, янги мазмун билан шаклларнинг ўзаро мутаносиб келишига интилади. Чунончи, у анъанавий шафақ образига қутилмагандага янги рух, курашчан мазмун, замонавий ранг, жило беришга муваффақ бўлади:

Кўк юзини тутар олов ловва-лов.  
Гўё қанотини ёяр жаҳонга  
Жаҳонни тутгулик қирмизи ялов.  
Нималарнинг рамзи бу ол ранг хил-хил...  
Узок уфқларда не ҳодиса бор –

Дунёдан хабар, ол оловли кўнгил!

Бунда Миртемирнинг аввалги шеърларига хос мажозийликка тамойил излари сезилиб турса ҳам, шоир ўз мақсадини поэтик ифодалашга муваффақ бўлади, образлилик меъёрини тўғри белгилайди, бинобарин, лирик образ “лов-лов олов”, “қирмизи ялов” нисбатлари – ташқи белгилардангина иборат бўлиб қолмаган, балки дунё ҳақидаги ўйлар заминида қурилган, тўғрироғи, мажозий тасвир шеърининг ички мазмунига, фоясига хизмат қиласди.

Шеърият гўзалликни рангин бўёқларда, ҳаётӣ, ҳалқчил мотивларда ифодалашга даъват қилинган экан, унинг ибтидоий беғуборлиги, бокиралиги ниҳоятда зарур. Албатта, гўзалликни тараннум этиш кифоя қилмайди. Шеърият Ҳақиқат, Кураш тимсоли ҳамдир. Буни бошқачароқ шарҳласак, ижодкорнинг маслаги, эътиқоди тақозоси билан поэзиядаврнинг муҳим ижтимоий фоялари, лозим бўлганда сиёсий интилишлари йўлида хизмат қиласди. Лекин даврнинг катта шеъриятини ҳам табиий гўзалликка беихтиёр шайдоликдан туғилган лирикасиз тасаввур этиш қийин... Шу маънода шоир шеърларининг бир қисми табиат, ҳаёт поэзиясига бениҳоя зўр меҳр – оташдан туғилган қалб қўшиқлари – ошиқона, мастона лирикадир. Бошка бир қисми гоҳ лириқ, гоҳ эпик сюжетли, гоҳ қизғин сұхбат, гурунг усулидаги гражданлик шеърларини, даврнинг катта шеъриятини ташкил қиласди.

Шоирнинг “Аччисой”, “Байрам қўшиқлари”, “Эртаги кун”, “Владимир Ильич Ленин” сингари манзумаларида катта таассуротлар йирик шаклни тақозо қилганидек, шу шакл – шамойилга монанд салмоқдор, кўламдор мазмун яратилганини, шоирнинг оний кечинмалари эмас, давомли ўйлари, муҳокамалари, неча-неча бор кузатишлари, ботиний синовлари, тажрибалари шеърий меъёрга солинганини, умумлаштирилганини кўрамиз. Масалан “Аччисой” манзумасини ўқир эканмиз, дарё ва чўл тимсолида ҳалқимизнинг кечмиш тақдири, кураши, бугунги азму иродаси, ҳиммати, даврнинг қудрати, улуғворлиги, ўларнинг янги қиёфаси, нурли истиқболи-хуллас ўтмиш, бугунги кун ва келажакнинг қиёсий образлари яратилганини, бунда романтик буёқлар билан реалистик тафсиллар бирлиги келиб чиққанини кўрамиз. Шоир оддий тасвирда такрорланмас аниқликка эришади, у мағзи бутун, ширали ҳалқ тилида сўзлайди:

Кўк юзини тутар олов ловва-лов.

Гўё қанотини ёяр жаҳонга

Жаҳонни тутгулик қирмизи ялов.

Нималарнинг рамзи бу ол ранг хил-хил...

Узок уфқларда не ҳодиса бор –

Дунёдан хабар, ол оловли күнгил!

Бунда Миртемирнинг аввалги шеърларига хос мажозийликка тамойил излари сезилиб турса ҳам, шоир ўз мақсадини поэтик ифодалашга муваффақ бўлади, образлилик меъёрини тўғри белгилайди, бинобарин, лирик образ “лов-лов олов”, “қирмизи ялов” нисбатлари – ташқи белгилардангина иборат бўлиб қолмаган, балки дунё ҳақидаги ўйлар заминига қурилган, тўғрироғи, мажозий тасвир шеърнинг ички мазмунига, ғоясига хизмат қиласди.

Шеърият гўзалликни рангин бўёқларда, ҳаётӣ, ҳалқчил мотивларда ифодалашга даъват қилинган экан, унинг ибтидоий беғуборлиги, бокиралиги ниҳоятда зарур. Албатта, гўзалликни тараннум этиш кифоя қилмайди. Шеърият Ҳақиқат, Кураш тимсоли ҳамдир. Буни бошқачароқ шарҳласак, ижодкорнинг маслаги, эътиқоди тақозоси билан поэзия даврнинг муҳим ижтимоий ғоялари, лозим бўлганда сиёсий интилишлари йўлида хизмат қиласди. Лекин даврнинг катта шеъриягини ҳам табиий гўзалликка беихтиёр шайдоликдан туғилган лирикасиз тасаввур этиш қийин... шу маънода шоир шеърларининг бир қисми табиат, ҳаёт поэзиясига бениҳоя зўр меҳр – оташдан туғилган қалб қўшиқлари – ошиқона, мастона лирикадир. Бошка бир қисми гоҳ лириқ, гоҳ эпик сюжетли, гоҳ баланд руҳли поэтик публицистикани, гоҳ қизғин сухбат, гурунг усулидаги гражданлик шеърларини, даврнинг катта шеъриягини ташкил қиласди.

Шоирнинг “Аччисой”, “Байрам қўшиқлари”, “Эртаги кун”, “Владимир Ильич Ленин” сингари манзумаларида катта таассуротлар йирик шаклни тақозо қилганидек, шу шакл – шамойилга монанд салмоқдор, қўламдор мазмун яратилганини, шоирнинг оний кечинмалари эмас, давомли ўйлари, муҳокамалари, неча-неча бор кузатишлари, ботиний синовллари, тажрибалари шеърий меъёрга солингганини, умумлаштирилганини кўрамиз. Масалан “Аччисой” манзумасини ўқир эканмиз, дарё ва чўл тимсолида ҳалқимизнинг кечмиш тақдири, кураши, бугунги азму иродаси, ҳиммати, даврнинг қудрати, улуғворлиги, ўлканинг қиёсий образлари яратилганини, бунда романтик буёқлар билан реалистик тафсиллар бирлиги келиб чиққанини кўрамиз. Шоир оддий тасвирда такрорланмас аниқликка эришади, у мағзи бутун, ширали ҳалқ тилида сўзлайди:

Тошганингда асло бўлмас ёношиб,

Ночор от чопишар мироббошилар...

Денгиздай мавж ураг тизза бўйи ўт,

Маст бўлишиб чопишар қулунлар, толар,

Бу мисраларда фавқулодда ҳол – поэтик кашфиёт йўқ, лекин тафсилдаги табиий тиниқлик шоирнинг ўзига хос кўнгил нигоҳи билан тадқиқ қилингани учун янги жозибадор бир лавҳа яратилади. Шеърдаги ватан тасвири шоир кўз очиб илк бора кўрган, таниган дунё – она қишлоқ таассуротларидан бошланади. Шоир табиий гўзалликни шундай жонли чизадики, гўё бизга ҳам бир қадар таниш қирлар, тепалар, тоғ ён бағирлари, анхорсой қирғоқлари, кичик ойна кўллар намоён бўлади...

Чўпон қўшиғини тинглаган тоғим,  
Кўклам тошқинидан бадмаст, тентак сой,  
Яйловим, қишлоғим, навниҳол боғим,  
Куличингни кенг ёй, қуличингни ёй!

Бу уйғоқ сатрлар шоир кўнглида ажиб бир эзгулик бўлиб туғилган, авайлаб юрилган ўй-ниятларнинг поэтик маҳсулидир. Шу оташни меҳр, юксак бир орзу-умид бора-бора Миртемирга катта ижодий уфқлар очди: у фақат Ўзбекистоннинг эмас, балки қардошлар, дўстлар диёрининг ҳам севимли, ардоқли куйчиси, уларнинг меҳрини, кўнглини забт этолган ошиқ-шоир бўлиб қолди. Бу ҳаммаси “боболар юрти бужур Қаратоғ” ва унинг этаклари тасвиридан бошланган эди.

Шоир “Аччисой” шеърида, “бадмаст, тентак сой” тасвирига чуқур ижтимоий маъно беради, унинг инсон азми-иродасига бўйсунишини, табиат стихиясидан мўъжизалар яратадиган давр ва ҳалқ қудрати қаршисида лол қолишини ҳалқчил оддий ва расо, бемалол ва ўйноқи бир тилда ифодалайди. Шоирнинг лирик қахрамони –инсон табиат билан юзма-юз туриб, сидқидилдан сухбат қуради, бу шеър сатрларига табиий бир жозиба бағишлийди:

Ҳали бир қатинг ҳам бекор кетмайди,  
Ҳали тўлқинингга зор қишлоқлар бор.  
Тўлғанарсан одам ихтиёридан,  
Ҳали зор армонлик бўз тупроқлар бор.  
Оқарсан одамзод истаган ёққа,  
Йигит қўл солгуси ёри бўйнига.  
Ўйнаб-кулиб киарсан ўзинг  
Ошиқ ва ташна лаб тупроқ кўйнига.

Урушдан аввал яратилган бу сатрлар шоирнинг давр руҳини, унинг яратиш, ўзгартиш шиддати, суръатини маҳорат билан шеъриятга олиб кирганини, ҳозиржавоб, замоннавоз кўйчи даражасига кўтарилигини кўрсатади.

Шоирона эҳтирос кучи, ёшлик туйғуларининг туғёни, чунончи, “Қизғалдоқ” шеърида ёрқин акс этади. Шеърнинг лирик қаҳрамони боболар тупроғи – она қишлоғини зиёфат қилгани борганида ясси тепадаги қизғалдоқ уни беихтиёр ўзига тортади. У жуда кўп нарсаларни эсга солади, эсга соладигина эмас, қайта жонлантиради, шоир теграсида севинч ва алам, ўкинч ва ифтихор туйғулари, турли зиддиятли ўйлар чарх ура бошлайди. Дастваб болалик чоғи хотиралари, тез қизиқувчи, тез ўзгарувчи табиати билан, ўзининг табиий таровати билан чизилади.

Кўнглимни тутолмас на ов, на ўйин,  
Нимадир излардим, билмайман ўзим.  
Хаёлимни олар чўлларда қуюн,  
Тепаларга ҳайрон боқарди кўзим.

Боланинг безовта кўнгли, ҳайратли кўзлари, қўнимсиз хаёллари қаршисида кутилмагандага ҳали ўзи нима эканлигини англаб етмаган, ўйлаб топмаган нарсаси ясси тепалардаги оддий қизғалдоқлар бўлиб чиқади! Лекин, аслида, бунинг ажабланадиган жойи йўқ эди – табиатнинг гулгун очилиб келаётган сўлим боласи, қишлоқнинг шўх, эрка бир қизи шу қизғалдоқларни жуда-жуда севар, қувона-қувона чаккаларига тақарди. Мана шу қизга “даста-даста қизғалдоқ келтириб бериш”дек баҳт бормиди дунёда? Қизғалдоқ келтириш баҳонасида “оқ парда остидан қадалган кўзлар”ни кўриш, қизнинг бениҳоя тиник, жарангдор овозини эшитиш – бундаги сеҳр билан тўла болаларча мастона қайфият, ўзи моҳиятига етмаган маъсум туйғулар кейинчалик унутилмас доғ-армонли муҳаббат бўлиб кўнгилда ўчмас из – хотирот бўлиб қолишини ким хаёлига келтиради!

Лола юзлигимни кўролмас бўлдим,  
Далани тарк этди лола таққан ой.

У қиз бир ўзи кетмади – бутун болалик, маъсум йигитчалик дунёсини бирга олиб кетди. Қоратоғ этакларидаги сўлим воҳа, жонажон қишлоқ ўзининг саҳий, оромижон бағри, илиқ меҳри, барча яхшиликлари, гўзалликлари билан навқирон бир йигитнинг дарду аламларига малҳам бўлолмади. У бошини олиб чиқиб кетди. Фақат йиллар ўтиб, шоир бўлиб кайтди... Лекин йигитчилик хотиралари, армонлари ҳамон эзгу, ҳамон ўтли-оташли:

Мен йигит умрига топмайман баҳо,  
Ёдимга тушганда йиғлаб кетганлар...

Йиллар ёшлиқ эҳтиросларига маъно, салмоқ бағишилади. Қирларнинг ёввойи чечаги – қизғалдоқ фақат илк муҳаббат рамзигина эмас, табиий мусаффолик, табиий гўзаллак тимсоли ҳамдир. Бу табиий мусаффолик заминида шоирнинг она тупроқ-туғилган қишлоқ ҳакидаги эзгу ўйлари, фарзандлик армонлари бор. Миртемир талқинида қизғалдоқ ҳаёт, тақдир йўлининг турли нуқталарини, кечмиши ва ҳозирини бир қадар боғлаб турувчи мажозий образ даражасига кўтарилади. Шунинг учун уни ҳамма гуллардан ортиқ кўришга ҳақли, ҳолбуки, бугун инсон қўли билан қишлоқда ҳам анвойи гуллар, чаманзорлар бунёд этилган:

Қирларим хусни, эй сулув қизғалдоқ,  
Гулзор ўртасида турсанг ҳақлисан...

Оддий, ёввойи бир чечак – қизғалдоқ ҳакида ёзиб, қизғалдоқ таърифи орқали шунчалик сермавж ўйларни ифодалаш, мажозий образ доирасида теран, ҳаётбахш маънолар – қалб хотиротини, руҳий олам сирларини очиб бериш чинакам санъат, катта санъаткорлик намунаси эмасми?

Миртемирда китобхон учун анчайин сирли бўлган алоҳида бир хусусият – мусиқий укув ажralиб туради. Мен унинг энг яхши шеърларида турли оҳанг пардаларига санъаткорона жойланган (мусиқадаги бутун, ярим, чорак, нимчорак пардалар, паузалар, оҳанг турланишлари, тўлғонишлари, қочиримлар каби) ички, давомли маъноларни ўзимча тинглагандай бўламан. Бу бежиз эмас. Шоирнинг маҳсус мусиқий укуви бўлмаса, шунчаки оҳангдош сўзларни саралаш, улардан маълум силсила тузиш, ритмик такрорлар яратиш йўли билангина маъно равонлигига, маънодор мусиқийликка эришиб бўлмайди. Биринчи жилдан ўрин олган “Онажонлар”, “Яли-яли” “Боғ кўча”, “Сени, болалигим” каби шеърлардаги ўйноқи куй, товушларнинг майнин тўлқини фақат Миртемирга хос мусиқийлик самарасидир.

Тенг эга давлатга, ерга, хирмонга,  
Тенг эга, тенг соҳиб баҳтга, давронга,  
Тенг инсонлардир, тенг инсонлар...

Бу сатрлардан кўринадики, шоир қўллаган поэтик такрор усули шеърдан кузатилган гоя-ниятни алоҳида таъкидлашга, кучайтиришга хизмат қиласиди, оҳанг такрори маъно меъёрига айланади.

Шеърий мусиқийлик Миртемир қўшиқларнинг ҳужайрасини, ўзак-ўзагини ташкил қилади. Маълумки, қўшиқ мураккабликни хушламайди, соддалиқ, равонлик эса қўйма характерда бўлиши бир сўзнинг ўзида маъно теранлиги ҳам, образлилик жилоси ҳам мужассам берилиши лозим. Шоирнинг қўшиқларида сўзнинг мантиқий, тасвирий, мусиқий имкониятлари зўр маҳорат билан тадқиқ қилинганини кўрамиз. Бу халқ қўшиқларининг бадиийлик сирларини яхши билиб, ўзлаштириб олиш самарасидир.

Сув усти қора баҳмал,  
Шуълалар нақши зарҳал.  
Ой туққандан яхшироқ  
Оқшом сен келган маҳал.  
Бир йўл кўрдим –тўймадим,  
Юз йил кўрдим – тўймадим.  
Бир бало бўлса керак,  
Минг термулдим, тўймадим.

Бу ташқи рангдорлик, юзадаги ўйноқилик сўзларни атайин саралаб териш санъати эмас, аксинча, эрка ва шўх туйгуларнинг, мастона, ошиқона, ишвали, ғамзали кайфиятларнинг қизғин бир таассурот доми билан илиб, илғаб олинган, моҳирона тартиб берилган лирик образлардир: бундаги такрорларда озгина бўлсин зўракилик, қийин-қистов излари сезилмайди. “Боғ кўча”, “Яли-яли”, “Бир гўзал” каби шеърларнинг ҳар бири алоҳида мусиқий олами билан яратилган ва шундай яшаб қолади...

Китобдан шеърлар, табиий, турли йиллар маҳсулидир. Шу жиҳатдан ундаги баъзи бир бадиий ожизликларни ҳам (меъёридан ошган мажозийлик, оддий тавсифийлик, лиризм билан ички сайқал берилмаган айrim эпик парчалар в. ҳ.) бирон жиддий нуқсонга йўйишга эҳтиёж сезилмайди. Бинобарин, шоир бу китобни чоп эттиришдан аввал ҳар бир шеърни, ҳар бир мисрани ўзига хос синчковлик, талабчанлик билан қайта назардан ўтказганлиги сезилиб турибди.

**Ботир АКРАМОВ.**

## ШЕЪРИЯТДА РОСТ СҮЗ ЗАРУРАТИ

Ҳаёт азалий зиддиятлари билан, давр кутилган ва кутилмаган муаммолари билан шоир қалбидა ўзгача таассурот қолдиради. Айниқса ёш ижодкорнинг изланишлар даражаси, поэтик мушоҳада доираси қўп жиҳатдан унинг маърифатига боғлиқ. Маълумки, ҳозирги адабий жараёнда бадиий таъсирлар комплекс характерга эга. Лекин, масалан, Абдулла Орипов кўтарилиган бадиий юксаклиқда, биринчи навбатда, классиканинг муҳим босқич сифатида хизмат қилгани, шубҳасизdir. Бошқача характердаги истеъдод соҳиби Рауф Парфи “Она тилим” шеърида: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат улуғ Алишернинг кутлуғ тилида”, дер экан, бунда чуқур маъно бор; бу сатрларда, аввало, классиканинг буюк санъат намунаси, ҳакамлик роли, она тилида яратилган бадиият дурдоналарини эъзозлаш, қолаверса, талант эгасининг эътиқоди, инсофи, масъулияти каби маънолар тажассум топганки, бу айниқса бошловчи қаламкашлар (принципда нафақат улар!) учун ибратлидир.

Шоирнинг оламга ўзича назар солиши, шеъриятда янги сўз айтиши, маънавий-ахлоқий концепцияси билан чиқиши – ҳақиқий истеъдодга хос бу синфлар айни ёшлиқда шаклланади, камолат касб этади (умуман, ёшлиқ фаслинин янгиликсиз, дадил фикрлар, исёнкор туйғуларсиз тасаввур қилиб бўлмаса керак). Улуг Навоий йигитлик йилларида жўш урган илҳомини табиатдаги стихияли бунёдкорлик ва фидойиликка нисбат бериб ёзган эди: “Тухм ерга кириб чечак бўлди. Қурт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму, Пилла куртича ҳимматинг йўқму?” Биздаги ҳақиқий истеъдодли ёшлар Навоий хаёл қилганча ижодий ғайрат ва ҳиммат кўрсатиш учун ҳозиргидай имкониятлар ҳеч қачон бўлмаганини чуқур ҳис этиб, ўз талантларига муносиб чинакам талабчанлик билан ижод қилишга интилоқдалар.

Бугун ҳаётнинг ўзи маънавият муаммоларини янгидан олға сураётган экан, бунга, биринчи навбатда, истеъдодли ёшлар фаол даҳлдор муносабатда бўлмоқдаларки, бу ҳол ҳозирги шеъриятивиз давр руҳи билан, замондошнинг қалб эҳтиёжлари билан ҳамоҳанглигидан далолат беради. Кейинги икки-уч йил давомида вақтли матбуотда (“Гулистан”, “Шарқ Юлдузи”, “Ёшлиқ” журналлари, қатор газеталар) чиқсан энг яхши шеърларга разм солиб кўрсак, уларда, хусусан, инсоннинг имон-эътиқоди, виждони, ахлоқи билан боғлиқ рўй-рост сўзни тортиниб-ийманмасдан айтиш тамойили, буни мумкин қадар оригинал, бадиий жозибадор, образли тилда ифодалашга интилиш қучли.

Абдулла Ориповнинг “Кўриқхона” шеъри табиатнинг камёб жонзодларини муҳофаза қилишдек “инсон қалбида болқан жамият”га муносабат билдиришдан бошланади. Лекин маънавий дунё – бундан зиёдроқ муҳофазага муҳтож. Шоир инсофни, эзгуликни, оқибатни, ҳаёни, имонни, виждонни асрashга даъват этар экан, ҳар гал табиатдан ёрқин бир нисбат келтиради. Унинг сўзга чинакам поэтик муносабати туфайли табиат – инсон параллелидан маънавий дунёнинг ўзига хос тимсол-образлари шаклланади (“Ҳаёни асраниз, куймасин ҳаё Оташга дуч келган полапон мисол... Виждонни асраниз ҳар недан ортиқ Ягона заминни асраран мисол...” в.х.). Албатта, Абдулланинг истеъоди бундай муқояса-образлар билан чекланиб қолмай, чуқур умумлашмалар қилишини кутамиз ва чиндан ҳам шундай бўлиб чиқади:

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,  
Адолат борлиқقا ёлғиз онадир.  
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун  
Ёвузлиқдан зада Кўриқхонадир.

Шоирнинг “ёвузлиқдан зада” маънавий дунё, башарият, унинг бугинги ҳолати, эрталик қисмати ҳақидаги таҳликанли ўйлари ўз маъно қўламига нисбатан қанчалик муҳтасар образда мужассамланган!..

Демак, катта поэтик умумлашмалар шоирнинг истеъодод даражасига, оламга ижодий муносабатнинг қанчалик фаоллиги ва етилганига боғлик; қолаверса, бу унинг таассуротлари характеристи, қайфияти, баъзи шеърнинг жанр хусусияти билан белгиланиши мумкин. Масалан, А. Ориповнинг “Тулки фалсафаси” ўз характеристига кўра масалсатира жанрига мансуб, қаллоблик, риёкорлик, иккюзламачилик каби иллатларни халқчил киноявий образларда очиб бериш мақсадини кўзда тутади, лекин унга аввалги шеърга кўйилган талаблар билан ёндашишга асос йўқ. Зоро, маснавий йўлида қофияланган бу миниатюра мажозий маъноси – мана бу оддий хулосаси билан ҳам жозибалидир: “Касбини эплолмай қолса аксари Тулкилик қиласи ҳайвонлар бари”.

Замондошнинг маънавий оламига Омон Матжон, табиий, ўзгача нигоҳ ташлайди. Шоир сарлавҳасиз бир шеърида “ёлғизлик қаърида қолдириб кетилган” аёлнинг руҳий ҳолатини шундай чизади:

Хуш дамлар ҳамдами – кўзгу бу кеча,  
Тикка турган қўлдек ютишга тайёр...

“Кўрдим Шукур Бурҳон “Ҳамза”дан чиқиб...” деб бошланадиган шеърида навбатдаги репетициядан сўнг ўз хаёлларига ғарқ ҳолда Навоий кўчасидан бораётган улкан санъаткор билан ярмарка оломони ўртасидаги контраст ўткирлаштириб берилади. Шоир расталар олдида ғимирлаган, тор манфаатпарастликдан бўлак ташвиши бўлмаган мешchan бир тоифа устидан шундай хукм юритади:

Ҳалқми шу нуроний сиймолар қолиб,  
Сохта сумбатлари сийлаб турганлар!..

Бу икки сатр замирида майда манфаатлар, худбин майллар ва нуқтаи назарлар кураши ётади; шоир бир вақтнинг ичида турли мавқедаги, турли ниқобдаги қаллоб, маънавий қашшоқ шахсларнинг кирдикорини очиб ташлайди. Омон Матжон фақат раста оломони билан кифояланмайди, моҳияттан улардан кам фарқ қиласидаган мансабпарамт, шубҳапарасть типларни ҳам аяб-нетиб ўтирумайди:

Ҳалқми шу ҳалқнинг номидан сўзлаб  
Мингдан бир ваъдасин оқламаганлар!..

Токи сўз инсоннинг маънавий софлиги, ҳалоллигига бориб тақалар экан, шоир овози мана шундай виждон ҳайқириги бўлиб янграши керак. “Ёлғончи дунё ҳақида Жуманиёз Қўзиев монологи” шеърида мавзуга ўзгача – марғуб тамойиллар нуқтаи назаридан ёндошилади: “Монолог”нинг қаҳрамони “Дунёга баланд маснаддан назар ташлаган”, ҳақиқат ва адолат учун курашни эътиқод деб билган кучли замондош тимсоли сифатида “илк саробни кўрибоқ курашдан четга чиққанлар” қаршисида улуғвор қиёфа касб этади:

Ёлғончи дунёни рост этмак учун  
Ананг қарагайлар келган дунёга...

Ҳаёт, одамлар қанчалар мураккаблигини билатуриб, Жуманиёзнинг ҳалқчил журъаткор, ўқтамона сўзларига ишонгимиз келади. Зотан, бундай имон-эътиқоди бутун кишиларнинг “рост” сўзи, шижаотли овози бугун ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир. Бу заруратни шоирона ҳис қилиш О. Матжон истеъдодининг кучидан далолат беради.

Усмон Азимов янги шеърларида қаҳрамоннинг маънавий дунёси кўпинча оригинал символика орқали акс этади. Масалан, “Севги ҳақида уч шеър”да таҳқирланган севги хаёли гоҳ “қорли кеча – оппоқ фаришта” қуршовида, гоҳ фожеъ манзара орқали берилади: “Занжирбанд қиласман телба

қайғуни. Ана, қорли кеча – тўзғиндан шайтон – олиб кетмоқдадир қучоқлаб уни...”

Шоирнинг ҳозирги ёш ижодкорларга хос изланувчанлик даражасини кўрсатувчи шеърларидан бири – “Чумоли ҳақида нутқ”. Истеъдоднинг теранлиги ҳар бир даврда ҳам, даставал, унинг гражданлик жасорати билан белгиланиши бежиз эмас. Усмоннинг маънавий қашшоқлик қўринишларига қарши муросасиз қаҳрамон моддий фаровонлик турмуш тарзига айланиб бораётган бир шароитда нафс дардида ўзидан бошқани ўйламай қўйган беномус ва ношукур кимсаларни... чумолиларга ўхшатади (“Уйга!.. Жовдирап қўзинг... Хаёлингда ўзинг, бир ўзинг!..”). ва шоир уларни халқ азалдан суюниб келган инсоф, ҳақиқат ҳақами номидан аёвсиз фош қиласи:

Мен эсимни йигиб бўлгунча  
Чумолилар ҳовлиқиб кетди.  
Чорсуни-ку қўйинг (у – бозор,  
Ўйлар савдо ашуласига)  
Чумолилар бормоқда қатор  
Ана, шахсий машинасида...

Усмоннинг “чумолилари” О. Матжоннинг “Кўрдим Шукур Бурҳон...” шеъридаги раста “оломони”ни эслатади. Асли руҳан ўхшашлик, ғоявий яқинлик шундай бўлиши керак. Халқ достонлари учун характерли драматик эпизодлар, диалог ва айтишувлар шаклида – поэтик даҳосини ижодий ўзлаштириш намунасидир. Мана сўнгти шеърий новелла – айтишувда тўғри сўзниңг мўъжизакор кучи, ёлғон сўзниңг касри қандай таърифланади:

Ҳақ сўз учун ҳар бир ишга кўнади эл,  
Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл,  
Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл...

Албатта, шоир “ёлғон айтиш”ни касб қилганларга ўзининг “тўғри сўз”ини қарши қўйиши ижодкорлик ва гражданлик жасоратини тақозо қиласи, бу асли имон-эътиқод даъвати бўлиб, истеъдоднинг муҳим қирраларидан биридир. У. Азимовнинг матбуотда чиқиб турган қўпчилик шеърларидаги образлар ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳозирги шеъриятимизда қаҳрамоннинг маънавий оламини тарихий материал орқали кўрсатишга интилиш ҳар қачонгидан ҳам кучли. Маълумки, ўтмишнинг буюк ақл ва қалб соҳиблари – бадиий сўз даҳолари ўзлари кўтарилигандек ғоявий-маънавий юксаклиқдан туриб, хоҳ лафзан – аниқ

мисраларда, хоҳ юксакликдан туриб, хоҳ лафзан – наиқ мисраларда, хоҳ руҳан – рамзий-пинҳоний образларда бўлсин, эзгу умид-армонларини яқин ва узоқ халафларига табаррук мерос сифатида қолдирганлар. Айниқса кейинги ўн беш-йигирма йил давомида бу хайрли мавзуга қизиқиш ортиб бориши чинакам ғоявий-бадиий баркамолликка интилишнинг белгиларидан биридир. Негаки, ўз тарихини яхши билиш ҳеч қачон маънавий биқиқликка олиб бормайди. Бинобарин. Бинобарин, марксистик таълимот бўйича, шахснинг маънавий ривожи жамиятнинг такомил даражаси билан боғлиқ бўлганидек, ҳар бир маданий ҳалқнинг тарихи умуминсоний, умуммаънавий тарихнинг узвий қисмидир. Чунончи, ўзбек ҳалқи ўтмишда, айниқса, шарқ Ренессансининг биринчи (IX–XI асрлар) ва иккинчи (XIV–XVI асрлар) даврларида жаҳон фани ва маданияти ривожига ўнларча жабҳаларида жаҳон фани ва маданияти ривожига ўнларча даҳолари билан таъсир кўрсатгани каби, ўз навбатида, у Шарқ ва Ғарб ҳалқлари яратган маънавий бойликлардан ҳамиша баҳраманд бўлиб келди... мана шу қутлуғ ва масъулиятли мавзуга ҳозирги истеъододли ёшлар билимдонлик ва нозик дид билан муносабатда бўлиши қувонарли ҳол.

Бугунги навқирон шеъриятнинг умидли вакилларидан Шавқат Раҳмон ана шу муаммо – маданий-манавий мерос ва ворислик масалаларига муносабат билдиради. Мен “Бобур ва унинг ҳамроҳларига” ҳамда “Ҳолат”ни (бу шеър “Чумоли ҳакида нутқ” билан ҳамоҳанг), хусусан, аввалгисини ажратиб кўрсатишини истаб эдим. Маълумки, аксарият ёш ижодкорларда ўтмиш мавзуини қаламга олиш – бунга чоғлари келадими ё йўқми – кенг таомилга кирган (масалан, 1982-1983 йилларда Бобурга бағишлиланган йигирмага яқин шеър босилиб чиқди). Ш. Раҳмоннинг мазкур шеъри, шубҳасиз, ижодий зарурат ҳисси билан ёзилган; унинг мазмуни мавзу доирасидан кенг: шоир турли замонларда, турли қисмат буйруғи билан она юртдан кетган не-не фозил, комил зотлар, уларнинг армонлари ҳақида ўйга толади:

Мана бугун мозий қаъридан  
Ўша азиз, саргардон, сағир  
Буюк зотлар сирли ҳақида  
Келаётгандай бўлар бирма-бир...

Мен бу шакли-шамойилга нисбатан қўламли, маънодор мисралар замирида ётган ғояни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: Захириддин Бобур каби буюк сиймолар шахсий ва ижодий тақдиридан, қайси давр, қайси юрт фарзанди эканлигидан, қандай тоифа ва мансаб, эътиқод ва дунёқарашга мансуб бўлишидан қатъий назар, илғор гуманистик ғоялари, бой маънавияти,

санъаткорлик даҳоси билан ҳар қандай сарҳадларни енгид ўтади (барча замонларнинг бадиий ижод генийлари башариятга, унинг келажагига мансуб, деган ленинча таълимотнинг маъноси ҳам шунда).

Улуг боболар хотирасини, бу орқали маънавий ворислик мулкига айланган она юртимиз шаънини улуғловчи мисраларга шоир яна чуқурроқ маъно беришга интилади. Зеро, ҳақиқий шеър ўзининг ички мазмуни билан китобхонни фикрлашга, баҳсга торта олиши керак. Шавкат кейинги мисраларда бугун этадики, бунда нозик бир нуқта бор:

Улар келар... Тағин мозийга

Яrim йўлдан қайтиб кетмасин.

Маълумки, партия XX съездидан кейин ижтимоий муносабатларда маданий меросга муносабат масаласида ҳам бурилиш ясади. Лекин ҳаёт ўзи кўрсатиб турибдики, тарихий ўтмиш билан боғлиқ муаммоларни объектив ҳал қилиш учун, шубҳасиз, муайян вақт тақозо этилади. Бунда, эҳтимол, оламнинг чуқур асосланган одил, идроки қўшилиши жоиздир. “Бобур ва унинг ҳамроҳларига” шеърини ана шундай мунозара предметининг ҳали кичик бўлса-да, яхши мисоли дегим келади.

Эркин Самандарнинг янги шеърларида шоирнинг лирик қаҳрамони ўз тақдирини элу юртнинг ризқ-рўз манбаи – ер-сув ташвишлари билан боғлаган, тириклик маъносини, инсон маънавиятини меҳнатсиз тасаввур қилолмайдиган халқнинг заҳматкаш фарзандлари тимсолида намоён бўлади. Шу маънода, масалан, “Дарё ташлаб кетган ерлар”даги мана бу мисралар беихтиёр эътиборни тортади: “Ернинг ич-ичидан отилган оҳлар Акси садосидан титрайди атроф... Беҳол тана каби сувнинг излари Узалиб ётибди паришон, караҳт”. Бундай жонли кечинма, индивидуал мушоҳада маҳсули бўлган манзара-образлар ғоявий-бадиий жиҳатдан янада бутун мисраларга замин ҳозирлайди:

Мен эски ўзанда турибман гирён,

Ер билан сув айри – тенги йўқ фироқ.

Сен ўзинг закийсан, эй мовий осмон,

Армонли заминга дарё бўлиб оқ.

“Дарё ташлаб кетган ерлар” Эркин Самандар истеъодининг янги қирраси очилаётгани – олам умумий тавсифларда эмас, балки бевосита кечирилган, ҳис этилган конкрет образ, образ-кечинмаларда тажассум қилаётганига яхши мисолдир. Афсуски, асосан, ахлоқий мавзуда ёзилган 80 мисралик тўрт мураббада бирорта охорли, лоақал қайта ишланиб, озми-

кўпми янги қирраси очилган сўз-образни учратмаймиз. Мана иккита характерли мисол: “Пок кўнгилни ҳақиқат – ҳақдан, диёнатдан айириб бўлмас”, “Ақл қочган жойда фойда зиёнга, гина – ўчга, ғавғо жангга айланур”. Журналхонлардан кимдир: “Хўш, бу мисраларнинг нимаси ёмон?” – деб менга эътиroz билдириши мумкинлигини сезиб турибман. Афсуски, турли тоифа китобхонлар орасида тўғри, оқилона фикр чиройли қилиб таърифлаб-тавсифлаб берилган, лекин поэзия нуқтаи назаридан олиб қараганда, ўртамиёна бир шеърни то ҳануз ҳақиқий шеър ўрнида қабул қилувчилар йўқ эмас. Менинг уларга айтадиган жавобим аниқ: бундай ҳикматомуз фикрлардан ахлоқ-одоб мавзуидаги мақола ё рисолада фойдаланиш мумкин. Ҳатто прозаик ҳам уни шунчаки тавсифлаши кифоя қилмайди – афористик фикрга бадиий-образли сайқал берилиши керак. Айниқса, шеърият “образли тафаккур” (Белинский) соҳасида, сўзга муносабатда мислсиз юксак, ниҳоятда нозик, сирли-сехрли санъат бўлиб, том маънодаги шеърий мисраларнинг бирор сўзига қалам уриб, маънодаги шеърий мисраларнинг бирор сўзига қалам уриб, ўзгартириб бўлмайди. Э. Самандарнинг мураббаълари эса шоирга хос, индивидуал кечинмалари тарзида шаклланадиган бетакрор образлиликдан узоқ бўлгани учун ҳам уларни осонгина ва бешикаст насрый баён этиб бериш мумкин. Биз истеъдодли шоирдан фақат “Дарё ташлаб кетган ерлар” руҳи ва қабиладаги ҳақиқий эҳтиросли шеърлар яратишини умид қилар эдик.

Ҳалима Худойбердиеванинг “Учинчи дўст” туркумida шоирона маънавий-эстетик позициясининг активлиги кўзга ташланадиган қатор шеърлар мавжуд. Чунончи, “Ёлғиз аёл хати”да ҳаётнинг оғир насибаси жонли образ-лавҳаларда очиб берилади:

Мен эшикдан кирсам, муздай қўл билан  
Белларимдан маҳкам қучар ёлғизлик...  
Тошдай ёстиғимнинг ярми меники,  
Ярмида ёлғизлик бош қўйиб ётар.

“Бир хонадонда” шеърида тирик фожианинг бўлакча бир кўриниши – икки қалбни ишқ фариштаси – “учинчи дўст” тарқ этгани, бу яна оғирроқ оқибатга олиб келиши аниқ ҳаётий тафсилларда ифодаланади: “Икки нураб бораётган тоғ Бир гўдакка қилар оғирлик. Гўдак кетар эртами-индин Шу – учинчи дўстнинг кетидан...” (Шоиранинг янги шеърларидан “Хато изтироби” ва “Ёлғизлик”да ҳам ўша ҳасрат, ўқинч оҳанглари анча табиий ифодаланган: “Наҳот инсон ўз айб, ўз хатосининг бир умр ўйнаса ўйинларига, наҳот бир умр ўғлим ўз отасининг ошкор осилолмас бўйинларига!”). “Учинчи дўст” туркумидан айниқса “Хисоб-китоб ҳақида” шеърининг кучли мисралари –

шири қаҳрамоннинг жавоби қийин сўроқлари замирида инсон маънавияти ҳар қачонгидан кўпроқ тақозо этаётган она, “узатилаётган қиз”, “келин туширган қайнона” ўйларига бағишлиланган узундан-узун шеърларда китобхонда дафъатан (сарлавҳани кўриб) туғиладиган маълум қизиқишига арзигулик ҳол – уч аёл дунёси ва эҳтимол, бу интим мавзу билан боғлиқ ахлоқий муаммога шоиранинг ўз муносабатини кўрсатувчи ёрқин, образли сатрлар йўқ. Бошқа шеърларда ҳам ўзини оқламайдиган чўзиқлик кўзга ташланади. Масалан, Пушкиннинг рафиқасига бағишлиланган, менингча, чинакам ижодий зарурат маҳсули бўлмагани учун ҳам узайиб кетган (53 мисра!) “Ўлмас Пушкин ёнида” шеърида бирор янги, салмоқлироқ фикрни, ярқ этиб кўзга ташланадиган, образлилик намунаси сифатида ажратиб кўрсатишга арзигулик бирор мисрани топиш қийин.

Албатта, ҳар бир шоир қандай мавзуга қўл урмасин, ўзининг истеъдод даражасида, поэтик имкониятлари доирасида ҳаракат қиласи. Сулаймон Раҳмоннинг катта туркумида ҳам асосан маънавий-ахлоқий муаммомларга муносабат билдирилади. Масалан, “Ўрталиқ” шеърининг ғоявий мундарижасини шундай шарҳлаш мумкин: ўрталиқ заминсиз аросат – на иссиқ, на совуқ; на оқ, на қора; на дўст, на душман; на севинч, на қайғу хуллас, на яхши, на ёмон бўлмаган бекарор принципсизлик:

Ўрталиқда турмоқ – бекут муаллиқлиkdir,  
Ё ёр сенга она эмас, ё осмон – она!  
Ўтинаман, ўрталиқда тақдир,  
Қилма мени еру қўкка бирдай бегона.

“Буюк орзу”да эрк ва ҳақиқат учун кураш йўлида қўксини қалқон қилган бемаслак тоифага қарама-қарши “буюк орзу – юксаклар билан дўст бўлган” сиймолар шаънини улуғлаш бугунги куннинг ҳаётий эҳтиёжлари билан ҳамоҳанг: “Буюк орзу – эзгуликка раҳнамо қуёш, дўст бўл унга, дилдан мижгов ўйларни ҳайда. Буюк орзу сўнган кун – тупроқлар талаш, қочоқнинг аянч қисматига қайтадан узундан-узун шарҳ беришдан мақсад нима, деган савол туғилади. Ё шеър интиҳосида мана бу сўзларни айтиш холосми: “Ватаним, онажон, ўзи асрасин, бошингга ғам тушса турсунбойлардан”. Албатта, гап мавзу материалида эмас, балки уни бадиий ўзлаштириш ва талқин қилишда. Ҳар қалай, мен “Турсунбой”нинг ёзилишига чинакам ижодий зарурат бўлганига қаноат ҳосил қилолмадим. “Баҳор қўшиғи”да ҳар бандда, жами тўққиз бор зўрма-зўраки такрорланувчи: “Куйма, бевафога йўйма, дилбаржон, бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон” сатрлари ўзининг аниқ ғоявий-бадиий вазнига эга бўлмагани туфайли бирор бандга ҳам жозиба бағишлий олмайди.

Хуршид Даврон янги шеърларида ҳаётнинг турли муаммоларига муносабат билдирад экан, янада оригинал йўлдан боради. Масалан, куз манзараси фонида очкўзлик ва молпарастлик оғатини табиий бўёқлар – жонли лавҳаларда кўрсатади:

Хасис судхўр, бунча очофат  
Ечинтирап ҳар бир дарахтни  
Шамол билан тил бириктириб  
Айлантирап тиллага вактми...

Бошқа бир сарлавҳасиз шеърда муҳаббатнинг сирли риштаси билан боғланган икки ёшнинг зиддиятли, лекин табиий жозибадор ҳолати шоирнинг жонли мушоҳадаси тарзида конкрет кечинма-образларда, ҳаётий контрастлар орқали ифодаланади:

Сенинг хонангда чироқлар кулар,  
Менинг хонамда чироқлар йиғлар.  
Сенинг дарчангдан бошланар осмон,  
Менинг дарчамдан бошланар замин.  
Сен ўз севгингни қилмайсан ошкор,  
Менинг севгимни қушлар ҳам билар...

Истеъдодли шоир тинимсиз изланаётгани унинг матбуотда ҳар галги чиқишида кўзга ташланиб туради. Бироқ изланишлар турли даражада бўлиши мумкин. Масалан, Хуршид лавҳасиз бир шеърида гўё янги муаммони кўтармоқчи бўлади шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовут тез камайиб бораётганини назарда тутибми, қишлоқ қизларини фавқулодда эркин ҳолатда тавсифлайди: “икки кетмончи” қиз қирғоқлари пахтазор бўлган “Қадим дарёда ҳар тонг”! чўмилишади. Яна қандай денг? – “фақат шунда лўппи кўкракка эрк беради... Одатда лирик шеър ё қизғин бир кечинма-таассурот ё маълум ўй-хаёл, қалб хотироти замирида туғилади. Ажабо, шоир ўзбек пахтакорлари ҳақида қандай таассурот ё хаёл билан юқоридан мисраларни ёздийкин? Эҳтимол, Хуршид “кетмончи қизлар”ни ҳатто маҳсус пляжларда, сув ва қуёш ваннасида баданларини оролантирувчи баъзи шаҳарлик қиз-жуонлар каби “лўппи кўкракка эрк беради”ган бошқача шароитда кўришни орзу қилас, айниқса шоир сифатида ҳозирги қишлоқ қизларининг эрки, бошқа ватандош дугоналари билан ҳар жиҳатдан тенглиги муаммосини кўтариб чиқмоқчидир. Лекин ҳар қандай романтик хаёл, олижаноб ният реал она заминдан узилмагани, яна аникроғи, манитқан

асослангани ҳали тиниб улгурмаган айрим нүқталар ҳам йўқ эмас. Масалан, “Булбулни кўрмок” шеърининг тугалланмаси яхши-ю (“Сен мени кўрмоғинг жуда ҳам осон, фақат атиргулга айланолсанг бас”), ундаги: “Булбуллар сайрайди олис-фарранг япроқлар ичида сени мен қандай илғайин жавоб бер, булбул даралар аро” ёки музafferранг япроқлар ичида сени мен қандай илғайин жавоб бер, булбул” мисраларида мантиқий сакталик бор. Аввало, булбулнинг ватани боғ-бўстон ё ўрмон эшитилади; сўнгра, музafferранг япроқлар” ҳам, менимча, булбулга насиб қилмаса керак – ахир у хазон фаслига қолмай иссиқ юртларга учиб кетмайдими?..

Ёшлар шеъриятининг характерли бир томони шундаки, ҳар бир истеъдодли қаламкаш, умуман, оламга, жумладан, маънавий-рухий дунёга ўз муносабатини билдирап экан, буни мумкин қадар оригинал тарзда ифодалашга интилади. Албатта, натижа – конкрет шеърлар турли даражада бўлса ҳам, асос эътибори билан айниқса шоирнинг бемаҳал вафотидан кейин кишига қаттиқ таъсир қиласди:

Ер ва осмон туташиб кетган,  
Ой ҳам катта кўринган ерда,  
Иккаламиз тутиб бир маскан,  
Узок йиллар яшасак бирга...

Ҳар бир яхши ниятли киши учун бегона бўлмаган оила ўчоғи ҳаловати ҳақидаги ширин хаёллар (буни муҳаббатсиз тасаввур этиш қийин, албатта) заррача бўлсин санъатпардозликдан холи табиий лавҳада ифодаланади. Шоир бу тиник манзара-образ орқали моҳият эътибори билан ҳаётни севишга, унинг муҳаббат ва садоқат заминига қурилган “маскан”и – маънавий эҳсонини қадрлашга даъват қиласди.

Шукур Қурбон “Пахтам, пахтазорим” деб номланган янги китобида эълон қилган миниатюраларида бободехқон дунёсида ўзгача разм солади. Ҳали йирикроқ масштабдаги умумлашма фикр-образларни даъво қилмайдиган бу шеърларда ёш шоир пахтазорнинг ўзига хос ҳавоси ва иқлимини, ўзига хос меҳнат ва ҳордиқ жараёнини, пахтакорнинг фикрлаш, сўзлаш арзини мумкин қадар аниқ ифодалаб беришга интилади. Масалан, дала айланган, хирмонда бўлган одам тасаввур қила оладиган пахтанинг губори ҳақидаги бир шеър шундай тугалланади: “Бу диёрда пахта гардини Бошда баланд тутмаган одам, яшай олмас бекам-кўст, тугал”. Айни тушлик палласи ...сада булоқ бўйи”га тўшалган палосда давра қуриб ҳордиқ чиқараётган теримчи қиз-жувонлар ҳақидаги “Ош ичар” шеърида шундай лирик лавҳа-образ чизилади:

Бир муддат гап-сўз тинар

Бир муддат тинар булок.

Бир муддат ўйга чўмар

Жазирама дала-туз.

Фақат пахтакор эл учун характерли бўлган тушлик “ош ичар” палласидаги бу ғайриодатий “тиним”, “дала-туз ўйга чўмган бир муддат”ли таниш манзара шахсан менда, гарчи мўъжазгина бўлса-да, халқимизнинг беминнат меҳнати шаънига айтилган юрқин ва майин бир қўшиқдай тассурот қолдирди. Юқоридаги минниатюр шеърлар истеъодли шоирга жиддийроқ талаблар қўйишга асос беради: у баравж қўшиқ бўлиб янграйдиган салмоқли, қамрови кенг шеърлар ҳам яратиши, замондош дунёси жумладан, ўзи яқиндан билган пахтакор дунёсининг мумкин қадар чуқурроқ очиб бериши лозим.

Эҳтиросли ёш шоира Баҳор Холбекова янги шеърларидан бирида инсоннинг инсонга ишонч туйғусини авайлашга даъват қилиб, шундай дейди: “Сен ишончга раҳм қил фақат, Менинг фикримдаги соф инсон.” Яна бир сарлавҳасиз шеърда қаҳрамоннинг оламга, одамларга аввалги бепарво муносабати ўзгарган чинакам баҳтиёр дамлар таассуроти чизилади:

Одамлар, дардингиз қилолдимми ҳис,

Демак, яшаяпман бугундан бошлаб.

Шоиранинг “Ёшлик боғларида” туркумидаги кўпчилик шеърлар жўшқин мушоҳада меваси сифатида шакллангани кўриниб туради. “Сен бор жойда ҳақ бордир аён... Виждон! Қилиб тургин ғалаён！”, дейди “Тонгдаги тилакларим” шеърининг азалий бир ҳақиқатига шундай поэтиқ сайқал беради:

Ортимизда қамчикдек қизлар,

Ортимизда қоши камонлар.

Энди олмаймиз бизлар,

Энди уларники чаманлар...

Менингча, ғафлатни, мудроқ кайфияти сескантириб юборувчи бу оддий ва рўй-рост сатрларда аслида инсон умрининг бир-бирига яқин манзиллари, изма-из келаётган авлодларнинг руҳий-маънавий алоқаси, эзгу хаёллари, эҳтимол, пинҳоний армонлари эркинлик, бемалоллик билан ифодаланади. Гарчи шоиранинг қаҳрамони учун келажак олдинда, ёшилкка видо сўзларини айтишга вақт эрта бўлсада, “энди қайта олмаймиз бизлар” сўзларида зуҳур

этган азалнинг шафқатсиз бир қонунига очик ишора борки, бу шубҳасиз, китобхонга таъсир қилади. Туйғулар самимийлиги тафайли, аввало, қаҳрамоннинг беғубор қалби, бой маънавий дунёсидан огоҳ бўламиз; қолаверса, умр фасллари, вақт қадри ҳақида бир муддат ўйга чўмамиз.

## ШЕЪРИЯТДА МАЬНО САЛМОГИ, ИФОДА САНЬЯТИ

Шеъриятимиз ривож топган, салмоғи ортган сайин унга бўлган талаб кучайиб боради. Бу – ҳаёт, давр тақозоси. Инсон даҳоси, табиий равишида янгилик сари интилади, ҳамиша янгиликка ташна. Унинг руҳияти, шуури, табъи оламнинг мазмуни-моҳиятида ҳам, шакли-шамойилида ҳам тинимсиз ўзгаришлар воқе бўлишини, маълум ҳақиқатлар аниқлик ва теранлик касб этишини, улардаги шеърият, яширин гўзалликлар тадқиқ қилинишини истайди. Шеър талаб, хуштабъ қишилар истаги – асли ҳалқ истаги. Бу маънавий – руҳий чанқоқликни, хусусан, ижодкор нозик ҳис қилади, доимо янгиликлар ўзгаришлар туйғуси билан яшайди. Шоир таъбири билан айтганда, “одамлардан олиб, одамларга бермоқ”дек шарафли вазифа – санъаткорлик вазифаси ўзи беҳаловат изланишлар кайфиятини туғдиради. Акс ҳолда, китобхонни тўлқинлаштиришгина эмас, унинг дикқатини бир қадар жалб қилиш ҳам мушқуллашади.

Маълумки, изланишлар турли шоирда турли даражада бўлади, бу истеъдоднинг кучи ва имкониятлари билан боғлик. Шунинг учун бирор шеърнинг қиммати ва салмоғини аниқлаш, уни тўғри баҳолаш баъзан осон бўлади, баъзан бу зоҳирангина осон кўринади. Шеърий диidi ҳали тўлишмаган, том маънода ёш бўлган китобхон фақат сиртдан ўйночи, сувратигина бежирим, рангдор бўлган шеърларни бошқа услуби оғирроқ, лекин мазмунан салмоқдор шеърларидан ортиқ кўриши мумкин. Бу гапнинг ўз негизи бор: шеърни, асосан, унинг мазмунига қараб баҳолаш лозимлигини, шеъриятимизда бундай баҳога, зийраклик билан назар солишга муҳтоҷ, биринчи қарашда жазб этмайдиган яхши шеърлар ҳам мавжудлигини қайд этмоқчимиз. Зоҳирян ярқираб турмаган, лекин синчилаб қаралса, замирида теран маънолар ётган қатор шеърлар Faфур Fулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода сингари катта санъаткорларда ҳам, кейинги турли авлод вакиллари ижодида ҳам анчагина ўрни олганлиги сир эмас.

Умуман, инсон ҳар бир соҳада яхши, асл нарсага интилар экан, унинг чинакам қимматини билиш учун ўткир дид ҳам, маълум тажриба ҳам зарур бўлади. Албатта, мазмуннинг оригиналлиги, теранлиги шаклнинг нафис, очиқ-равонлиги билан тўла мутаносиб бўлиши катта фазилат. Бунда шеър фавқулодда тезлик билан, мумкин қадар кенг доирада тарқалади, унинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш осон бўлади. Ҳатто энг оддий китобхон ҳам яхши шеърдаги теранликни, нозик, пинҳоний маъноларни билишга қизиқади, сирларига етаман деб бош қотиради, сўраб-сuriштиришади. Бунда шаклнинг аҳамияти катта.

Шеър салмоғи, дафъатан, мазмун билан, унинг қиммати ва аҳамияти билан белгиланади. Бу гап антик дунёда ҳам, Навоий замонасида ҳам бирдай эътиборли саналган. Хўш, мазмун учун замин бўлувчи воқеа, ҳодиса, вазият, улар ҳақидаги ҳис-туйғу, ўй-фикр, таассуротнинг зарур ва муҳимлигини қандай аниқлаш мумкин? Албатта, бу мураккаб ижодий жараён билан, шоирнинг гўзаллик яратиш дамлари билан боғлиқ бир муамммо бўлганидан уни бирданига ҳал қилиш қийин. Биз шеърий мазмун яратишнинг умумий меъёрлари, йўллари ҳақида баҳс юритмоқчимиз.

Маълумки, шоир ҳар қадамда учраб турадиган, ўткинчи ҳодисаларни эмас, турмуш ҳақиқатларини шеъриятга олиб киради, улардан шеърий ҳақиқат, шеърий гўзаллик яратади. Лекин турмуш ҳақиқатлари ҳам турлитуман. Катта, фавқулодда ҳақиқатларгина эмас, баъзан оддий, кундалик ҳақиқатлар ҳам шеъриятга яхши мазмун бўлиб хизмат этиши мумкин, бироқ ўша оддий ҳақиқат маълум даражада кечаги кун билан боғланади, асли унинг замини ҳам кечаги кунда яратилади. Айни замонда ҳаётий замини бўлган оддий ҳақиқат бугунгина эмас, эртанги кунда ҳам яшashi, маълум даражада ўз қимматини сақлаши, ҳеч бўлмаганда келгуси бир янгилик учун муайян кўрга, асосга айланиб қолиши мумкин. Демак, ҳаётий илдизи, тарихийлик хусусияти бўлмаган ҳақиқат тасодифийдир. Шунинг учун ҳам шоирнинг бир олам таассуротлари, узоқ мушоҳада ва муҳокамалари тиникиб, илғаниб, сараланиб, саноқли шеърларга кўчади. Айниқса ёш, тажрибасиз шоирлар буни чукур идрок қилиб, туйғун ҳис этишлари лозим. Шунда ўткинчи, бўлар-бўлмас, омонат нарсалар ҳақида ёзиб ўтиришга, ўзини ҳуда-бехудага уринтиришга ўрин қолмайди.

Бошқача айтганда, шоир турмуш ҳақиқатларидан шеърий ҳақиқат яратишда оламни фалсафий мушоҳада қиласди, унинг моҳиятига назар солади, янгилик ва ўзгаришларнинг ички сабабларини тадқиқ ва таҳлил этади. Шу маънода уни файласуф деймиз. Ҳаёт абадияти халқнинг, инсониятнинг ўлмаслиги, муқимлиги тушунчалик турли меъёр, турли шаклларда шоир ўйларига, кечинмаларига ўтади. Чунончи, Асқад Мухторнинг лирик қаҳрамони ўз таассуротлари орқали ҳаётнинг доимий, ҳаракатдаги, такрорланиб турувчи ҳақиқатларини кўради. Бу шоирнинг “Заррама-зарра” шеърида умумлаштирилган. Бир қарашда шоир ўзи ҳақида, шеър меҳнати билан кечган умр ҳақида гапираётгандай бўлади. Аслида бу шеърнинг маъноси янада теранроқ, ифода миқёси каттароқдир. Бу чукур ҳаётий алоқалар, ҳамишалик ҳақиқатларнинг ҳиссий умумлашмаси шоирона идрок қилинган, янгидан яратилган образдир.

Умрим зарра-зарра одамларга ўтди,

Зарра ўтган сайин ортди минг карра.

Севган гулларимга кўз нуримни бердим,  
Қилган ишларимга ўтди ҳаётим.  
Айтган ишларимга ўтди ҳаётим.  
Айтган сўзларимга қайноқ ҳислар ўтди,  
Рухим, шубҳаларим, ўйларим, отим...  
Бир-бир нирсаларга ўтди борлиғим,  
Кўзларимдан ўтди, ўтди қўлимдан.  
Дилимдан, тилимдан зарра-зарра ўтдим,  
Энди мен қўрқмайман ўлимдан!

Шеърнинг мақсади шоирлар ўлмайди, деган фикрни образли ифодалашдан иборат дейиш мумкин. Лекин шу ўлмасликнинг замини халқда, унинг дахосида, анъаналарида, ҳаётнинг табиий, тинимсиз ҳодисаларида. Шунинг учун шоир ўлмайди деган фикр ҳақиқат, гўзаллик образини чизиш учун бир сабаб, замин бўлиб хизмат қиласи. Ижодкор руҳий дунёсининг ташқи оламга “ўтиш” ҳодисаси, буни шоир томонидан ниҳоятда чуқур ҳис этилиши шуни қўрсатиб турибди...

Яхши шеърда ҳамиша теранлик, кенглик – қўламдорлик бўлади, у ўзининг мазмун доирасидан беихтиёр чиқади, давомли ўйларни, ҳистийғуларни тасарруф қиласи. Ахир, баъзида ижодкор ўзи кутмаган маъно қирралари диди баланд китобхон томонидан кашф этилиши бежиз эмас-ку! Аскад Мухторнинг янги китобдан эълон қилган “Тушларим...”, “Мева”, “Портрет”, “Булутлар – ўйларим...”, “Заррама-зарра” каби шеърларини шоир топган, яратган меъёрга, шаклга нисбатан кенг, катта шеърлар деб ҳисобласа бўлади, китобхон улардаги янги-янги пинҳоний маъноларни тадқиқ қилиши мумкин. Шахсан мен бу шеърларни такрор-такрор ўқиб, ҳар сафар ҳаёт, олам ҳақида узоқ ўйларга толдим, аллақандай юксак туйғулар оғушида гоҳи фароғат топдим, шоҳи қийналдим... Бу ҳаётнинг шеърга кўчган теранлиги, серқирралигидан далолат беради.

Кичик шаклнинг катта мазмун ташиши, мўъжаз шеърдаги маъно бойлиги фалсафий мушоҳада ва муҳокама мевасидир. Шоир оламнинг, борлиқнинг улкан жисмларидан тортиб то зарраларгача чуқур идрок қиласи; кўпинча бизнинг эътиборимизга илинмаган оддий нарсалар замиридаги ҳақиқатни топади, ундан шеърий гўзаллик яратади.

Товушсиз қўк шарпа жаҳон бўйлаб юрар,  
Чақмоқ, жазирама, дўл, ёмғирларда.

Чашма кўзларига бўлади киприк,  
Бош туртиб чиқади дарз кетса қоя...  
Бомба ўпқонларин кўздан яширап,  
Ёнғинлар кетидан босар изма-из.  
Бир кафт тупрок бўлса, хаёт ниш урар.  
У тугамас, у мангу, чексиз...

(“Баҳор тошқинидек”)

Оддий ҳодиса ҳақидаги бу оддий сатрларга яхшироқ разм солсак, бизда, дафъатан, худди сабзакори бир беғуборлик, руҳий енгиллик туйғуси уйғонади. Сўнгра шоир сатрлари ҳаёт ҳақида, унинг доимий, тинимсиз ҳодисалари, фароғатли ва қийноқли дамлари, кайфиятлари ҳақида ўйлатади. “Жаҳон бўйлаб юрган кўк шарпа” – сабзалар узоқ шоирона ўйлар ва таассуротларнинг натижаси сифатида аниқ шакл топади, яъни зоҳиран нимжонгина туюлган бир вужуддан, аслида ҳаётнинг ҳаракатлантириш, яратиш, ўзгартириш қудратини ўзида жамлаган табиат мўъжизасидан фалсафий лавҳа, лирик образ туғилади. Бу жонли мўъжаз образ замирида кечинмалар силсиласи – чашма, қоя, бомба ўпқонлари, ёнғин излари, ниҳоят, бир кафт тупроқ тимсолидаги кенг олам жонланади. Бу, табиат фони орқали ҳаёт ҳодисаларига шеърий маъно, шеърий жозиба бериш маҳоратини кўрсатади.

Аскад Мухтор ўз мушоҳада ва муҳокамалари учун аниқ меъёр, оригинал шакл топишга интилади. Унинг оддий таассуротларидан салмоқдор поэтик мазмун яратишни чоғлаб узоқ ўйлангани, излангани, сўзларни уқув билан ишлатгани, эски тушунчаларга янги маъно беришга интилгани сезилиб туради.

Эҳтимол. Прометей келтирган ўтда  
Тобланган.  
Тарихи, таърифи узоқ.  
Кекса бобо дехқон қаби қадди дол,  
Кўп қадим заҳматкаш бу ўроқ.

(“Ўроқ ва Болға”.)

Қадимий халқнинг қадим ихтироси – ризқ-рўз учун, азиз, муқаддас нон учун яхшилик ва тинчлик-омонлик учун кураш қуролнинг янги шеърий рамзини яратиш шоирдан катта меҳнат ва маҳоратни талаб қиласади. Бу

халқнинг турмуши, характери, кечмишидан яхши хабардор бўлиш, ўзининг кўрган-билганларини неча бор қайта идрок қилиш, аниқ, муҳтасар шакл қидириб топиш – нашъали ва қийноқли дамларни кечириш демақдир. Муҳими шундаки, оламга файласуфона назар шоир гуманизми билан, унинг чуқур инсоний туйғулари билан бирикади. Табиатнинг одатдаги бетинимлигидан, доимий жараёнларидан кучли сатрлар туғилишининг боиси, сир-асори ҳам шунда.

Шундай сукут чўкса, эшитсам:

Космосдан хаёлнинг дадил қадамин.

Инсондан тўпларнинг тинганлигига,

Бахтли бўлганига оламнинг.

(“Шундай тинчлик чўкса...”.)

Асқад Мухтор ана шундай нафис образни кутилмаганда уруш даҳшатларига зид қўя олади, бу муқоясани умумбашарий орзу билан – курраи заминимизда осойишталик қарор топиши умиди билан, инсоният баҳти ҳақидаги эзгу ўйлар билан боғлайди.

Юқоридаги сатрлар мисолидан кўринадики, муҳим, катта фикр айтиш учун қўп сўзлилик, баландпарвоз гаплар асло шарт эмас. Шоирона кечинмаларни оддий ва қисқа ифода қила билиш поэтик маҳорат сирларидан биридир. Маълумки, шоирнинг ҳаётй таассуротлари поёнсиз, уларнинг маълум қисмигина шеърга кўчиши мумкин. Чунки шеърий сатрлар шоир кўнглида, шуурида кечган фикр ва туйғуларнинг стенограммаси эмас. Ҳаёт таассуротларини маълум ниятнинг конкрет кўриниши тарзида сўзда, худди табиий бир вужуддай тасвири этиш эса осон гап эмас. Бу шунинг учун ҳам қийинки, шеърият шоир кўргани, эшитиб уққани, дилдан сезганини ё англағанини, ўйлаганини ўзгаришсиз ҳолда сувратлаб, тавсифлаб бериш эмас. Шеърий ният ва унинг аниқ ифодаси – бу сезилган, кечирилган, ҳосил қилинган ўй ва ҳисларни қайта-қайта ўлчаш, чоғлаш, улардан ажратиб, саралаб олиш натижасида биринчи таассуротдан кўра хийла ўзгарган, умумлашган, шеъриятнинг, гўзалликнинг муайян меъёрига тушган янги мазмун, янги образ демақдир. Лирикада типик суврат, типик манзара ё лавҳа яратиш таомили ана шу. Ижодий жараённинг шу мураккабликлари заминида туғилган сатрлар табиий соддалик касб этади, бунда табиатдагидай сифат ўзгариши – янгилик воқе бўлади, аксинча, пировардида аниқ, ранггин шакл топилмаган экан, демак, том маънодаги шеърий янгилик туғилиши учун зарур барча жараёнлар кечирилмаган бўлади. Асқад Мухторнинг бир қарашда оддий кўринган сатрларидаги теранлик сири, жозиба сири ҳам шундаки, шоир ўзининг узок ўйлари, жўшқин, ўлчовсиз ҳисларига мос ихчам

ва ёрқин шакл яратиш, давомли фикрни, катта фалсафани оз сўз билан қисқа ифодалаш усулини топиш учун излангани ва кўпинча бунга эришгани сезилиб туради. Фалсафий йўналишда бораётган шоирнинг қатор миниатюраларида, янги китобдан эълон қилган шеърларида ана шундай фазилат бор. Чунончи, шоирнинг Ленинга бағишиланган шеърида узоқ вақт кўнгилда авайлаб сақланган ниятнинг, талай вақт муҳокамада, ички, пинҳоний таҳлилда етилган, тиниқлашган мазмуннинг умумлашма ифодасини, тугал сувратини кўрамиз.

Инсон уни яратолмас

Фақатгина музаларнинг сехри билан.

Гавдаланаар улуғ образ

Тарих қўли, халқ даҳоси, меҳри билан.

Балки ҳар бир баҳор эли

Битта рангдир унинг ҳислар дунёсида.

Берлингача олов йўли

Битта нурдир унинг кундай сиймосида...

(“Ленин образи”.)

Шоирнинг ўй-ҳислари ҳаёт каби бетиним, меҳр-оташли, дардли. Унинг лирик қаҳрамони олам кезади; турли одамлар, турли тақдирлар, турли ташвишларга ошна бўлади. Шоирнинг қалб кечинмалари ахён-ахёнда – ўз вақти-соатига, қиёмига етгандагина, кучли зарурат тақозоси билан ташқарига қалқиб чиқади, шеърий сатрларга айланади. Лекин биз бу саноқли шеърлар, сатрлардан шоирнинг таассуротлари ниҳоятда бойлигини, кўрган-кечирганлари, мулоқотда бўлган одамлари шоирни бир муддат холи қолдирмаслигини ҳис этамиз.

Шоирни унинг ўзи шоҳиди бўлган даврнингтина эмас, табиат, коинот аснолари, ундаги ҳар бир сирли ўзгаришнинг ҳам кўз-қулоғи деса бўлади. Янги куннинг илк сахарги даракчисидан – табиатнинг ширин уйқуси ичида ихтиёrsиз равишда товқиш чиқарган бир қушчанинг туйғунлигидан ҳам шоир воқиф. У зим-зиё туннинг тонгга айланишидаги мўъжизакор қудратни сонияма-сония таъқиб этиб, бу сехрли томошадан ҳайратга тушади; шоир гўё янги олам яратади – анъанавий субҳидам образининг оригинал намунаси ишланади:

Қушча сир келтирганди

Куёшнинг илк нуридан.

Шу товушнинг сехридан

Оlam шаклланди!

Оlam шаклланди!

(“Тонг олди тинч...”)

Дунёнинг хиссий мушоҳада этиш, фавқулодда идрок билан талқин қилиш янги, тутилмаган шеърий шаклларни, ифода йўлларини очиб беради. Негаки, шоирнинг ҳар бир яхши шеъри унинг ҳаётидаги бири-бирига ўхшамайдиган, бири бирини такрорлаши мумкин бўлмаган кунлар, соатлар, воқеалар, таассуротлар самараси, сиртдан қараганда ўхшаш кўринса ҳам, моҳиятида тинимсиз ўзгаришлар содир бўлиб турувчи турлича вазиятлар, руҳий ҳолатлар маҳсули сифатида майдонга келади. Мана бетакрор бир кечинма тасвири: шоир руҳиятида аждодлар руҳи, зеҳний қувватида боболар даҳоси барқ уриб тургани каби унинг қайноқ қонида гўё келгуси нарсллар жонидили яшайди. Асқад Мухтор мана шу ўй-хаёлдан, унинг янада нафис шеърий жилосидан фойдаланиб, келажак авлодлар – XXI аср кишилари билан мулоқот қиласи:

- Борми ҳақиқатга ҳамон ташналар?
- Одам юлдузини кўқдан уздими?
- Боғлар кўкми?
- Тиниқми чашмалар?
- Қизларнинг ибоси эзгуми?

(“Яrim тундан кейин...”.)

Бу гўзал хаёл ҳаёт ҳақиқати билан, инсоний, азиз туйғулар билан пайваста. Шоирона ўйларга, таассуротларга монанд ёрқин ҳамда тутилмаган поэтик шакл топиш маҳорати Асқад Мухторнинг дадил изланишларидан далолат беради. шоир ўйларини ҳаётдаги оддий ҳақиқатлар ва сирли муаммолардан, ўчмас хотиралар ва эрталик умидлардан ажратиб бўлмайди. Мана, лирик қаҳрамоннинг безовта табиатида ҳоким бўлган яна ўзгача бир туйғу; гўё унинг қалби вақтни қувади, айни замонда шоир оламнинг кечаги, лекин эскирмас ташвишлари, Ҳиросима дарди билан яшайди; шу дарду аламини қурол ва шиорга айлантириб, ёвузликка, уруш кучларига қарши руҳий ғалаён қиласи. У хаёлий суръат ва бекарорлик билан олам куч аслида ҳақиқат ва гўзаллик эканини англайди, борлиқни унутиб, ҳақиқат ва гўзаллик ортидан интилади. Шоир кечинмалари шунчалар ғаройиб, излаш ва изланишлар вазият шундай ўзгарувчан ту оладики, унинг излагани, қувгани... ўз юраги бўлиб чиқади. Фавқулодда сехрли хаёл, нозик нуқтадонлик, ажойиб фалсафа!

Лекин бунда қучли мантиқ бор: олам шоир қалбига келиб кирса, унда ўзига макон тутса не ажаб!

Гоҳо юрак кўклам ёмғиридек  
Сатримга томади, яшнайман.  
Бир кун бағрим тўлиб қучаманми деб,  
Юрагим ортидан югуриб яшайман...

(“Тушларим...”)

Шоирнинг ўз юрагини бундай кашф қилиши унинг ҳаёт, дунё, давр ҳақидаги ўйларига фалсафий теранлик, шеърий рангтинглик бағишлайди.

Шоирнинг тинимсиз, безовта ўй-ҳислари романтикага қанча бой бўлса, уларнинг реал, ҳаётий замини ҳам шунчалик кўп жиҳатдан шоир шахсияти, руҳий дунёси билан белгиланади. Хусусан, лирикадек интим жанрда шоир лирик қаҳрамон образини ўзининг пинҳоний, эзгу ўйлари, шахсий кечинмалари, кузатишлари орқали очиши табиий ҳолдир. Бироқ шоир шахсиятида ижодкор табиатига хос жозиба, халқчил, умуминсоний хусусиятлар бор. Зулфиянинг шоирона шахсияти ҳам, аввало, гўзаллик яратишдек юксак идеалнинг измида, ихтиёрида. Шунинг учун шоиранинг лирик қаҳрамони руҳий қашшоқлиқ, маънавий қуруқлик ё маҳдудлик билан, турли расмият ё ақлбозлик билан муроса қилолмайди. Айниқса, унинг покдомон, назокатли, сабр-бардошли аёл қалби, дилкаш сухбати, беғубор ва айни вақтда дардли нигоҳи, фикр-ўйларидаги ўткир нуқтадонлик – Зулфия қаҳрамони қиёфасидаги бундай анъанавий ва янги белгилар шоира шахсиятига катта ижтимоий қиммат беради. унинг китобхон кўнглига тулашиб ўтувчи ўтли-оташли эҳтиросида, уни сергаклантирувчи, ҳаяжонга солувчи руҳий тўлғанишларида бошқа тақдирдош аёлларнинг ҳам қалб нидоси бор. Бунинг далили сифатида 1965 йилда Водилда яратилган шеърлардан бирини кўрсатиш мумкин:

Мана донгдор пахтакор жувон,  
Рухсори гулми, қуёш?  
Кемиаркан висолсиз ҳижрон.  
Сирқирадим тақдирдош.  
Сирқирайман... Ҳижрон илонин  
Янчишга заиф одам.  
Шунинг-чун ишқ, баҳт, ҳижрон доғи

Жуфт яшар борки олам...

(“Кўзингда ёш дейсан”.)

Шоирона бу гал ҳам олдиндан билиб бўлмайдиган, ҳаётда содир бўлиб турадиган қайғу-алам, васлсиз ҳажр ҳақида исёнкорона рух билан тўлибтошиб, ёниб ёзади. Ҳар бир сатр, ҳатто ҳар бир сўз узоқ ўйлар, зиддиятли кечинмаларнинг поэтик маҳсули эканини англаб олиш қийин эмас. Шоира топган танлаган ифода йўли – лирикада фожеъ лавҳалар, сувратлар яратиш маҳорати шундаки, у ўз дардини хур, баҳтли хотин-қизлар, биринчи навбатда, ўзига тақдирдош бўлган аёллар билан бўлишади. Зулфия ўтган урушнинг тузалмас кўнгил жароҳатлари – жонни, рухни “сирқиратувчи” хотиралари образини чизиш билан ёки тинчликнинг, инсониятнинг бугунги душманларини лаънатлаш билан кифояланмайди. Шоира сатрларининг маъно қирралари кўп, кўлами кенг. Улар том маънодаги баҳт, осойишталик учун жон олиб, жон бериб курашиб келганимизни, бу кураш одамлар кўнглида, руҳиятида ҳали ҳам давом этаётганини кўрсатади. Шоира лирик қаҳрамонининг чукур ички нидоси, исёнкорона фарёди янги тақдирга эга бўлган аёллар, жумладан, шарқ хотин-қизларнинг мислсиз матонатидан, руҳий гўзаллигидан шаҳодат беради. том маънода эркли, юқори имтиёзларга эга бўлган, маслак йўлида событ, матлаби аниқ, кучли-иродали хотин-қизлар орасида баҳти кемтик аёллар борлиги – бу ҳаётий ҳаққоният китобхонни хотиржам қолдиролмайди. “Васли мумкин эмас ҳажр” (Навоий) қисматини Зулфия қаҳрамонида кўриб беихтиёр ҳайратланамиз: озод, баркамол инсоннинг баъзида шахсан баҳти бутун бўлмаслиги бизни қийноққа солади. Бу, шубҳасиз, шеърнинг зўр ҳаётий кучидан далолат беради.

Шоиранинг адабий ҳижрон мавзуидаги кейинги поэтик асарларида бундан йигирма йиллар аввал яратилган, адабиётимизги ҳаётбахш фожиа мотивларини олиб кирган шеърлар билан оҳангдошлик бор. Янги – “Баҳор шалолалари” туркумидан ҳам кўриниб турибдик, шоира ўзининг давомли, ниҳоясиз кечинмаларини, бир умрлик ўй-изтиробларини янги меъёрларда ифодалашда давом этади. Масалан, оддий кўзгу тимсолида у ўз кўнглининг тасвирини шундай чизади:

Безбет, сотқин рақибдай боқиб,  
Соласан бор нуқсим юзимга...  
Қани, руҳим китобин ўқиб,  
Сўзлаб бер-чи қайта ўзимга!

(“Кўзгуга”.)

Бу сатрларда давомли ҳислар түгёни, зиддиятли ўйлар, аёл киши ичига ютиб, ниҳоний кечириши мумкин бўлган қийин қисмат, унга қарши исёнкор бир кайфият кучли мантиқ, баланд рух билан ифода этилган. Шоиранинг маҳорати шундаки, бир неча лирик мисра орқали катта ҳаётий фалсафани – замондош аёл тақдири муаммосини ўртага қўяди ва бизни жиддийроқ разм солишга, жиддийроқ ўйлашга мажбур этади. Шоира қаҳрамонининг “рухий китоби”да қанчалик теранлик бор! Денгиз тубини аниқлаб, билиб бўлмайди, деган қадимий шарқ ҳикмати беихтиёр эсга келади. Зулфиянинг энг яхши шеърларида шу кўнгил поёнсизлиги, ботиний-теранлик сезилиб туради, у ўқувчини руҳан бойитади, гўзаллик эътиқодини мустаҳкамлайди.

Шоира маҳорати, жумладан, унинг ўзи ишонган, эътиқод боғлаган эзгуликка, юксак ғояларга, ҳаётдан олган таассуротларига маълум меъёр белгилашда ҳам кўринади. Ҳамид Олимжон лирикага олиб кирган янги баҳт фалсафаси, баҳт образини Зулфия асрдош аёлнинг машақкатли баҳти маъносига қайта яратди, ривожлантириди, чукурлаштириди. У замоннинг суронли воқеалари аёлнинг баҳтли тақдирига оғир зарба бергани, унинг инсоний насибасини – умидини, қувончини, ҳаёт нашъасини юлиб олгани ҳақида сукут қилолмайди. Бу билан шоира ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб замондош аёлнинг руҳий дунёсини бутун зиддиятлари билан рўйирост ифодалаб, лирикада ҳаққоний образ, типик характер намунасини яратади.

Ҳаёт шундай азиз, шундай жозибалики, адабий ҳижрон азобини ўзига руҳий ором деб, ишқий эътиқод, кўнгил маслаги, ҳаёт матлаби деб қабул қилган покдомон аёлни ҳам аҳён-аҳёнда ларзаларга солади, ўзининг сирли оғушига имлаб тортмоқчи бўлади, эзгу ҳисларни қўзғатади. Бундай кезларда шоира лирик қаҳрамонини ўз эркига қўяди, унинг кўнглини топган, дилини овлаган бўлади; сабрда, бардошда беназир бўлган аёл қалбининг бир неча дақиқалик ширин истакларига, тиклаб бўлмас орзу-армонларининг бирдам бўлиб қўзғалиб, банда ғойибона фароғат топишига имкон беради. бу фақат руҳий тасаллидир, балки фавқулодда бир жасоратга даъватдир... Нима бўлса ҳам, “тул ёшлиқ”нинг бу ногаҳоний орзулари – уни ўраб олган қайнок, лазиз ҳаётнинг таъсири, тақозоси. Ўй-хаёллар, эҳтирослар түгёнини рўйирост ифодалаш билан Зулфия шеъриятнинг яширин имкониятларини кашф қиласи, лирикасида психологизм чуқурлашади.

Ҳаётнинг, инсон руҳий оламнинг мураккаблиги ҳам шундаки, унда фақат мусбат ва манфий ҳодисалар, ҳолатлар эмас, ҳар бири ўзича тўғри бўлган турли ўйлар, қарашлар, турли майллар, ҳислар бири бири билан тўқнашиши мумкин. Шоира қаҳрамонининг “қалб аталган дардни бошлаб юриши”, адабий ҳижрон қийноғини буюк инсоний ифтихор деб билиши, мислсиз садоқат туйғуси билан нафас олиши, дилларни поклик, фидойилик

туйғулари билан тұлдириши қанчалик муқаддас бўлса, айни пайтда, “тул ёшлик”, “бевақт ҳазон” бўлиш қисматига қарши исёнкорона кураш – бу табиий истак ҳам эзгу эмасми? Шоира қаҳрамонининг турли хил андишалар, гумонлар ўтида тўлғаниши унинг шахсиятини янада гўзаллаштиради. Зулфия баъзан қаҳрамонининг табиий кайфиятларига, кўнгил майлларига эрк берганида унинг руҳий дунёсини тўлароқ очиш ниятини кўзлади; аслида ҳар қандай лазиз ҳислар аҳди, ирода учун хизмат қилишини, улар фидойилик, қаҳрамонлик ҳисларига айланишини истайди. У пинҳоний, қайноқ ҳисларни ҳаётнинг катта оқимига отишни, ўқинч-армонлари халқнинг меҳр-ихлосига, эллараро топилган нашъу намога қўшилиб, унда сингиб кетишини ортиқ кўради...

Лиммо-лим қисматга бўлмаганлар ёр,  
Кемтиклик ҳасратин биларми дардин!  
Қалбни безаб кетган ишқда зўр баҳт бор,  
Юрак унутарми олтин дамларин?  
Аёл баҳти! Мендай аёл баҳтига  
Тақдир маликани кўрганми лойиқ?  
Халқ меҳрига ёрдам эл шуҳратига,  
Баҳтли аёл деса ҳақли халойиқ...

(“Эмиш...”.)

Замондош аёл тақдири, машаққатли баҳт ҳақида бундай юрак сўзларини айтиш, салмоқдор мазмунли лирик лавҳалар яратиш фақат катта шеъриятга хос, улкан санъаткорга ярашиқли иш. Шоиранинг лирик қаҳрамони қиёфасида бениҳоя оғир ғам-аламлар ҳам руҳини буқолмайдиган халқчил характерни кўрамиз. У ҳаётни бутун зиддиятлари билан севишга, шу замонда яшаш, курашиш баҳтини, севгида содиқ қилиш баҳтини ардоқлашга даъват қиласи. Бу суврат мисолида бугунги шеъриятмиз ҳаётнинг ичига тобора чуқурроқ кираётганини, унинг битмас-туганмас жозиба кучини нафис ифодалаётганини, теранлик касб этаётганини кўрамиз. Зулфиянинг маҳорати ҳам шундаки, у аёл қалбининг энг пинҳоний сирлари, руҳий тўлғанишлари орқали ҳаётнинг тинимсиз ва тарафсиз қудратини, манбайнини, ҳамишалик оташи ва зиддиятларини сўз образларига, лирик лавҳаларга кўчира олади.

Ҳассос шоира кўпинча ўзининг ўйларини, кечинмаларини камтарона сокинлик билан ифодалайди, ўз таассуротлари ҳақида ниҳоятда холис мавқеда туриб сўзлади, китобхоннинг мустақил муҳокамасига кенг йўл беради.

Албатта, бунда шоиранинг асл муддаоси, идеали зимдан, сирли тарзда сезилиб туради, бусиз, албатта, мавхумлик юз берган бўлур эди. Зотан, шоира муддаоси ҳар бир шеърда дангал қўриниб туриши жоизмикан? Шу маънода ҳам шеърлар бир-биридан ажралиб туради, ранггинлик касб этади. Баъзан шоиранинг нимасидир тугалланмаган шеърларини ўқиймиз, бироқ уларда мавхумлик, бирор англашилмовчилик эмас, қандайдир сир, ўзгача жозиба бор, тўғрироғи, уларда давомли ҳаёт ҳақиқати, моҳияти ўқувчига ҳавола қилинган гўзаллик мавжуд. Албатта, бундай шеърнинг ҳам ўз меъёри бўлади. Бу табиатдаги, ҳаётдаги давомийлик, доимийлик меъёридир. Шундай тутқич бермас ҳислар, аниқ чегаралаб бўлмайдиган таассуротларга маълум шакл топиш истеъдоднинг туғма уқувига боғлиқ. Масалан, шоира сўнгсизкечинмалар мавжини, эҳтирослар қурашини уйқу образига жойлаб, фақат Зулфия қалами удда қиладиган маҳорат намунасини кўрсатади.

...Зулматни устимга уйиб,  
Бардошимга боқади ҳайрон.  
Кўрпаларин бигиздай ўйиб,  
Мен этаман курганин вайрон.  
У бир ўзи қиласи томоша  
Кундузлардан яширганимни,  
Гоҳ аламим киприклар оша  
Кўрғошиндай тоширганимни...

(“Уйку”.)

Ҳам бардошли, ҳам исёнкор рухнинг тўхтовсиз қураши, унинг гоҳ пинҳоний, гоҳи ошкор қийноклари бедор ўтган бир кеча тимсолида шунчалар аниқ ва тиниқ чизилиши ўқувчини тўлқинлантиради. Шоира мисралари шеърхонни ўйга толдиради. Бир киши, ажойиб пок қалбли инсон кечираётган тўзимсиз дардга малҳам излаб қийналади. Шеърда бир қадар очиқ қолдирилган, китобхон муҳокамасига ташланган фикр уни бутун банд қилади. Бу умумлашма фикр – чукур инсоний дард шоиранинг доимий эътиқоди сифатида бошқа шеърларида, турли шаклларда айтилган, аммо бу сафар Зулфия ўз қаҳрамони рухиятини янги усулда очади. Айниқса “кундузлардан яширгани” – пинҳоний туйғуларнинг тутилмаган ҳаётий ва оддий суврати ўқувчи қалбida, тасаввурида сезиларли из қолдиради. Умуман, шоиранинг катта шеъриятда, халқчил шеъриятда бўладиган хусусият бор: айрим бир киши характеристига, шахсий дунёсига, кўнгил сирларигина хос бўлган ўйлар, кечинмалар шу бетакрор жозибасини,

ранггинлигини сақлагани ҳолда одамлар қалбига йўл топади – ижтимоий мазмун касб этади. Шунинг учун ҳам Зулфиянинг энг яхши лирик шеърлари вақт ўтган сайин янги салобат кўрсатиб, маъно салмоғи ортиб боради.

Шеърнинг доимий жозиба кучи, эскирмаслик сири – унинг табиатдан, ҳалқ ҳаётининг доимий манбаларидан озиқланишида. Бугунги фан, техника парвози, суръати, шубҳасиз, унга маълум туртки бериши керак. Лекин шеърият, гўзаллик андозаси, меъёрлари, усувлари ҳамон табиатда, бобо дехқон муҳитида, соҳиби ҳунарлар ҳаётида; ҳалқ даҳосида, анъаналарида, жонли талаффузида. Бундай имкониятлар бамисоли уммон, олган, ишлатган билан камаймайди. Азалий мавжудотга, ҳалқ ҳаёти, ҳалқ табиатига яқинлик шоирни орта судрамайди, замонавий бўлишдан, пешқадамликдан, новаторликдан маҳрум қилмайди. Ҳамишалик синалган манбалардан баҳраланмай туриб давр суръатларига тенглашишга уриниш бехуда ва маъносиздир. Ҳозирги фан ва техника даражасига юзаки тақлид, сунъий яқинлик оқибати бўлган бир ёқлама шаклий изланишлар умри қисқа мавҳум санъатга олиб келгани сир эмас.

Маълумки адабиёт, шеърият ҳалқ ҳаётини, инсон руҳиятини ўрганади, айни вақтда ҳалқ учун, инсон руҳияти учун хизмат қиласди. Шоирнинг чуқур, атрофли билими ҳам шу мақсадга қаратилади. Шунинг учун илҳом манбаи ҳамон ҳалқ турмуши бўлиб қолаверади. Бинобарин, ҳар бир давр, унинг тараққиёт даражаси ҳалқ шуурига, маънавий дунёсига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳалқ кўнглига бориб етган, унинг ҳаётига сингишган, ўзлашган янгилик гўзаллик манбаига айланади. Демак, шоир ҳалққа маъкул бўлган, у дилдан қабул қилган янгиликни шеъриятга олиб кириши, умумлаштириши мумкин. Шу маънода ҳалқ ҳаёти, инсон руҳияти янги гўзалликлари тадқиқ қилувчи, уларга меъёр белгиловчидир.

Уйғун, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Шухрат, Мирмуҳсин, Т. Тўла, С. Зунунова, А. Абдураззоқ, Э. Воҳидов, Ж. Жабборов, Ҳ. Шарипов, Ю. Шомансур, А. Орипов, Муҳаммад Али, Ж. Камол, О. Матжан, Г. Нуриллаева ва бошқа шоирларнинг янги шеърлари шуни кўрсатадики, агар шоир ҳалқ руҳиятини, кайфиятини, унинг илғор китобхон тимсолидаги эҳтиёж ва интилишларини, ҳозирги оламни билишга чанқоқ табиатини чуқур ҳис этса, ўрганса, бугунги тараққиёт суръатлари, ўзгаришлари ўз урни, ўз меъёри билан шеъриятга маълум даражада таъсир этиши мумкин. Лекин, такрор айтамиз, бу таъсир ҳалқ ҳаёти, ҳалқ табъи, илғор замондошларнинг фикр-қарашлари нуқтаи назаридангина тўғри ва мақбул бўлиши мумкин.

Санъаткор шоирларнинг муваффақият сирларидан бири – уларнинг ҳалқ руҳиятидан, ҳалқ нуқтаи назаридан, қарашларидан келиб чиқиб ёзишларида. Ғафур Ғулом билан Шайхзода том маъноси билан замоннавоз,

изланувчан шоирлар, шеъриятда янгилик жарчилари эдилар. Улар катта, теран, бемиқёс манбалардан озиқланиб, қувватланиб излангарлар, қадимий, доимий хазинадан, халқ ҳәётидан ўрганганларини мисралар руҳига қатрама-қатра сингдирғанлар. Эски миллий ва башарий манбалардан, янги имкониятлардан доимий наф күрган шоирлар ижодида чуқур халқчил руҳидаги изланишлар самарасини кўрамиз. Афсуски, баъзи истеъдодли ёшларда азалий манбалардан, ҳәётий заминдан узоклашган юзаки изланишларга анча тамойил борки, бу ҳақиқий парвозга тушов солади. Улар янгилик яратишнинг табиий заҳматларига мумкин қадар чап беришга, шеъриятимизнинг қадимий ва янги анъаналарини, халқ турмушини, табиатини яхши билмай туриб новаторлик қилишга уринадилар. Натижада сунъий, ношуд нуктадонлик, қандайдир зўраки, мавҳум сатрлар пайдо бўлади.

Албатта, қалбаки шеърни ҳамма вақт ҳам бирданига билиб олиш осон эмас. Бундай шеърлар ўқувчини чалғитиши мумкин. Уларга жиддийроқ эътиroz билдириш қийин бўлади. Лекин бошда ярқираб кўринган ҳамма нарса ҳам дурдона бўлавермаслиги, шоирона эҳтирос ўрнини ҳиссиётбозлик олгани охири маълум бўлади. Шеъриятнинг классик дурдоналаридан ҳамда янги жиддий ютуқларидан хабардор бўлган ўқимишли китобхон назарида, том маънодаги шеърий мантиқ, шеърий образ қаршисида биринчи таассуротда алдовчи шеърлар нурсизланиб, синовга бардош беролмай қолади. Астойдил, кўнгилдан чиқариб айтилган гаплар билан бир қаторда зўрлаб ё бирор тамаъ билан бежаб айтилган гаплар ҳам бўлади. Шоир қалбидан қайнаб чиқмаган, ижоднинг бутун дардини, заҳматини кечирмасдан ёзилган шеърнинг мураккаб. Баъзан шоир ўйламаган, кутмаган кўнгилсиз ҳоллар юз бериши мумкин. Ижодкорнинг ўзига талабчанлик ҳисси сусайиб, ёзган шеърлари муваффақият қозона олмаса, китобхоннинг “илтифотсизлиги”, “тушунмаслиги” шоирни ранжитиши керакми? Аксинча, ўз қадрини билган ижодкор маълум муваффақиятсизлик аччиғини ўзи учун жиддий сабоқ деб билади, унинг сабаблари ҳақида ўйлайди, андиша қиласди, зарур хулосалар чиқаради. Китобхондан, танқидчидан бўлар-бўлмасга гинахонлик қилиш асли кучсизлик аломатидир. Катта маваффақиятларга эришгани ҳолда ҳамон ўзидан қониқмаслик ҳисси билан яшаш, танқидий кайфият истеъдоднинг юксак фазилатидир. Ҳаёт мураккаб, шоирлик тақдирни яна мураккаб. Баъзан ўзига талабчанлик жасорати ҳам талаб қилинади. Юксак мақсад, юксак эътиқод кишига куч, жасорат беради. буни кексаликда ҳам ижод қийноклари билан яшаган, ёшлиқ ғайрати ва ҳиммати жўш урган санъаткорлар қайта-қайта уқдирадилар. Янги юксакликка жасорат қилиш, шубҳасиз, катта самаралар келтиради.

Анчагина йиллардан бери ёзаётган баъзи бир ёшларда ҳамон ҳаётни, унинг гўзалликларини юзаки, наридан-бери, умумий фонда қузатишдек, асл шеъриятдан узоқ кайфият устунлик қиласди. Масалан, Тўлқин бундай нуқсонни аксаро ҳолларда дабдабали ваъзхонлик билан беркитишга уринади.

Сен ҳеч кимни кутмасанг,  
Сени ҳеч ким кутмайди.  
Сен меҳрингни тутмасанг,  
Ҳеч ким меҳр тутмайди.  
Агар одамлар билан  
Сув кечиб, тоғлар ошсанг,  
Юрагу ҳаётингни  
Элатингга улашсанг,  
Шунда ҳар ким ардоқлаб,  
Кўтарар елкасида,  
Яшайсан меҳр сақлаб,  
Мухаббат ўлкасида...

(“Сен ҳеч кимни кутмасанг...”.)

Кўриниб турибдики, шоир очган яхши бир гап ўз мантиқи билан ривожлантирилиши, чуқурлаштирилиши лозим бўлгани ҳолда, ҳаммага маълум даъватлар билан бекорга шиширилади, натижада шеърнинг жозиба пардаси кўтарилади, фикр умумий, яланғоч ҳолга келади. Бу эса, ўқувчида лоқайд, ҳатто афсусли бир кайфият туғдиради, унинг ҳафсаласи совийди. Наҳотки, китобхон кишининг ўз элати учун нималар қилиши лозимлигини, қилганлари эвазига нима олажагини шоир айтган даражада билмас! Ахир, ижодкор энг оддий ўқувидан тортиб илғор, ниҳоятда хуштабъ, фақат яхши, кучли шеърлар ўқиш иштиёқида яшайдиган муҳлисларгача кенг китобхонлар оммасини – халқни назарда тутиб ёзади-ку! “Юрагу ҳаётни улашиш” ҳақида шунчалик умумий, жўн, чор-ночор бир тилда гапириш шеър табиатига, шоирлик табъига монанд келармикан? Бундай эзгу ниятни бошқа бирор ифодалай олмайдиган ранггин тил билан, китобхон табъини эркалайдиган бирор шеърий топилма, янги ҳис қилинган сўз, мусиқий маъно билан, кишини бир оз бўлсин ўйлатадиган умумлашма тарзида ифодалаш лозим. Гўзаллик яратиш сири, шеърий жозиба сири шунда эмасми?

Шоир муваффақиятлари кўп жиҳатдан унинг шеърий тил маданияти билан боғлиқ. Бугунги шеъриятимиз жуда кўп манбалардан баҳраланади. Айниқса, халқ тилида санъатнинг турли соҳаларини, мусиқада ифодаланадиган сеҳрли маъноларни ҳам сўз образи орқали шарҳлаб бериш имкониятлари бор. Шоир бундан унумли фойдаланибгина қолмай, шу заминда туриб янги изланишлар билан яшаши, янги-янги ифода йўлларини яратиши мумкин. Зарурат сезилганда кенг халқ муомаласидан, халқ оғзаки ижодиёти ва классик адабиётимиз сўз бойлигидан, ҳатто баъзан шева имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Ойбек каби санъаткор шоирлар ҳаётий ва бадиий-мантиқий заруриятдан келиб чиқиб, ҳозирги бой тинимсиз имкониятлардан ташқари классика ва фольклор сўз хазинасига мурожаат қилдилар. Бу билан, аввало, асарларнинг ғоявий-бадиий қиммати ошли, шеърий рангинлик яратилди, қолаверса, улар жуда кўп қадими, пурмаъно сўзларимизни ноҳақ унутилиб кетиши хавфидан сақлаб қолдилар. Бугина эмас, классик адабиётимиз луғатидан фойдаланиш замонамиз билан узоқ кечмишимиз ўртасига солинган адабий-бадиий кўприк вазифасини бажарди. Бу, новатор шоирларнинг анъанага ижодий муносабатини ҳам кўрсатиб туради. Бинобарин, адабиётнинг, шеъриятнинг тил жиҳати бевосита анъана билан боғланади, чунки тилдаги, айниқса, бадиий адабиёт сўзлигидаги ривожланиш, асосан, анъанавий йўлда зоҳир бўлади.

Устозлар изидан муваффақиятли одим ташлаб бораётган истеъдодли ёшлар ҳам қадимдан адабиётимизга кириб, сингишиб, ўзлашиб кетган улуг олимлар, шоирлар ўз тилимиз деб қўллаб келган, саайқал берган кўпгина нозик маъноли сўзларни адабий муомалага киритиб, халқчил, фойдали иш қилмоқдалар. Албатта, бунда зарурат билан бирга меъёрни билиш ҳисси бўлиши лозим. Меъёрдан чиқиш сунъийликка, зўравонликка, қуруқ ҳашамга олиб боради. Ёш танқидчи Михли Сафаров ўзининг “Сафарбар ёшлиқ” мақоласида “төвус”, “хиром”, “маст”, “жонона”, “сархуш”, “сармаст”, “зебо” каби сўзларни “архаик, истеъмолдан чиқиб кетаётган, сийқа сифатлашлар” деб атайди. Дуруст, танқидчи бу сўзларни муваффақиятсиз равища, факат эскича, шунчаки безак учунгина ишлатилганини кўрсатмоқчи бўлади. Бу, албатта, шоирнинг нуқсони, маҳоратсизлик оқибати. Лекин бунинг учун қадими анъанавий воситаларга юқоридагидай номлар қўйиш асосли бўлармикан? Faфур Ғулом ва Шайхзодадек забардаст, замоннавоз шоирларнинг аввалги шеърларида ҳам, яқингинада эълон қилинган ўлмас сатрларида ҳам худди юқоридаги каби сўзлар янги салмоқдор фикрни, теран фалсафани ифодалаб, сўз-образлар сифатида келади. Анъанавий ташбиҳларга, ҳаёт, тарих тақозоси билан яқин кўшни ва қардош тиллардан ўтган, неча асрлик довулли замонлар синовини кечириб, ўзбек характерини

ифодалаб келган шеърий луғатимизга шу хилда ёндашадиган бўлсак, қанча-қанча сўзларни осори атиқага топширишга тўғри келар эди. Тилимизнинг бойлиги, нағислиги унинг азалийлигига, қадимийлигига эмасми? Бундай қараш айниқса тажрибасиз ўқувчини чалғитиши мумкин. Бинобарин, халқда эски сўзлар, қадимий тушунчалар яшар экан, шеъриятда ҳам анъанавий усувлар, ифода воситалари яшайди.

Албатта, шеърият тили ҳақидаги масала биз ўйлагандан, муҳокама юритгандан кўра кенгроқ ва мураккаброқdir. Сўздан фойдаланиш шоирнинг истеъдод даражасига, шахсияти ва характеристига, ҳаётий ва ижодий муҳитига, тажрибасига боғлиқ. Катта санъаткорлар маслаҳат берадиларки, кўп ишлатилган сўзлар, иборалар, анъанавий ташбиҳлар ёш, тажрибасиз шоирларга зарар етказиши, аксинча, улардан санъаткор қалами фавқулодда муваффақиятли сувратлар яратиши мумкин. Классик адабиётимиз ва фольклор луғатидан ижодий фойдаланиш хусусида ҳам шу фикрни айтиш керак. Масалан, Тўлқин классик шеъриятда кўп қўлланган “қаро” сифатлашидан тажнис (омонимли образ) яратмоқчи бўлади.

Ташвиш тушса айтишар ҳар дам:

Қаро кунинг (?) ўтади сенинг...

Юзинг қаро бўлсин дейдилар

Ҳиссизларга рўй-рост, ҳалол... (?)

Бирор қаро кунингни, ошна,

Кўрмоқликка кўзим йўқ асло!

Аммо қаро кўзингти ташна,

Қаро кўзинг кўрай доимо!

(“Ташвиш тушса...”.)

Бу сатрларда “қаро” сўзининг маъно қирралари табиий, мантиқий асосларга эмас, зўрма-зўраки, омонат, ғариб бир заминга қурилганлиги аён сезилиб турибди. Шунинг учун шоирнинг яхши нияти ниятлигича – қуруқ шаклий изланишлар доирасида қолади, ўқувчини ўйлатмайди, ҳаяжонлантиrmайди. Ҳар қандай ташвишни қаро кун деб аташга, ҳар қандай ҳиссизликни юзи қаролик деб билишга етарли асос борми? Шоир қандай даъво қилса қилсин, бироқ қаро кун, юзи қаролик тушунчаларида зухур этган даъвога мос, унга тенглашадиган кучли далиллар бўлиши керак. Шоир ўз ошнасининг қаро кўзига (?) ташна экан, бунинг туб боиси, зарурати, мантиқи нимада? Дўстининг кўзига ташналик билан унга қаро кунни (?) истамаслик

ўртасида узок, мавхум бир бўшлиқ борки, сўз маҳноларининг бундай бепанд, ноchor ҳолатидан ҳеч қачон тажнис чиқариб бўлмайди.

Турли поэтик тил манбаларидан баҳраланишда шоир чекланмаган имкониятларга эга. Айни вактда ҳамма ижодкор учун умумий бўлган талаблар бор. Чунончи, шеърият кенг китобхонлар оммасига, ҳалққа хизмат қилгани учун шоир ҳалқчил соддаликка, равонликка интилгани, мумкин қадар кўпчиликка тушунарли бўлган шеърий тил яратгани маъқул. Ҳамид Олимжон асарлари шеърият муҳлисларига чуқур ўзлашиб кетганлиги бежиз эмас. Бор-йўғи ўттиз йил яшагани ҳолда кенг китобхонлар оммаси руҳига, ҳалқ қалбига кириб борган Сергей Есенин ўз асарларининг тилига алоҳида аҳамият берган эди. Шоирнинг эсадаликлирида характерли гаплар айтилган: “Головнинг “...Кечалари”да украинча сўзлар кўп эди, унга бутун бир сўзлик илова қилишга тўғри келарди. Кейинги қиссаларида у бундан қайтди. Мен ҳам “Хотирлаш дамлари” (“Радуница”)нинг аввалги нашрида кўпгина маҳаллий рязанча сўзларни ишлатган эдим, бу дастлаб менга ёқар эди... Аслида шундай ёзиш керакки, ёзганингни ҳамма тушунсин” (С. Есенин. Отчее слова. “Советская Россия”, М. 1968).

Умуман, шоирнинг ўз қиёфаси, ўз услуби кўриниб турган, шу билан баробар китобхонга, ҳалққа маъқул ва манзур тушадиган шеърий тил яратиш адабиётимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Албатта, оригинал ва ёрқин шакл салмоқли мазмун ташиши, умумлашма фикрларни ифодалashi лозим. Зотан, шеъриятдаги сўз мантиқан ва бадиий жихатдан неча бор мисқолланган сўздир. Унинг зоҳиран англашилган маъноси шеър мисралари учун камлик қиласи. Негаки, шеърият узоқ ўйлар, бемиқёс, беўлчов ҳис-туйғуларнинг бадиий сўзга ғойибона жойланган суврати; унда, табиийки, ички, ботиний маънолар бўлади. Шеъриятнинг таъсир, жозиба кучи, ўйлантириш кучи унинг замерида, руҳида. Бунга амал қилган шоир ўзининг бир олам таассуротларига монанд, лекин ихчам ва аниқ шакл, ҳар гал янги андоза, янги усул топади; ҳеч нарсага сиғдириб бўлмас фалсафани, шеърий мазмунни саноқли мисраларга жойлайди. Шеър яратишнинг қийноқлари ва нашъаси ҳам шунда...

#### 14 Шарқ юлдузи. № 10

## **ОШКОРАЛИК – ҲАҚИҚАТНИНГ УЙГОҚЛИГИ**

**Эрур чун жоҳ фоний, яхши от боқий,**

**Бас, эл комин раво айла ўзингни комрон кўргач.**

**Алишер НАВОИЙ**

Буюк шоирлар сўзининг мўъжизакор кучи, сеҳрловчи сири шундаки, на замонларнинг беомон довул-шамоллари, на мамлакатлар, халқлар, эътиқодлар, анъаналар ўртасидаги тафовутлар бу маънавият кимёсининг асл қимматига таъсир қўрсатолмайди. Мен Навоийнинг кўпчилик ёд биладиган: “Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” шоҳбайтини ана шундай маънавий гавҳарлардан деб биламан. Биз бошдан кечираётган ғоят масъулиятли янгиланиш, покланиш, шу заминда ишончли ва жадал одимлар билан социализмнинг юқори тараққиёт босқичига кўтарилиш жараёнида бу табаррук камол, шубҳасиз, янги мазмун касб этади. Навоийнинг ўзи не дарду ҳасрат, не умид-армон билан кечирган, балки гениал шоирнинг қалб шивири билан айтилган “қадимий сўзлар”дан, хусусан, “халқ ғами” бугунги шароитда – ошкоралик ҳақиқат хизматига мандат олган масъул дамларда ҳар қачонгидан зарурроқ сўзларга айланган бўлса не ажаб!

Шеъриятдаги ошкоралик, даставвал, шоир сўзининг қанчалик ҳаққонийлиги, журъаткорлиги билан белгиланади, қолаверса, бу ижодкор маънавий эътиқоднинг не чоғлиқ барқарорлиги билан боғлиқдир.

“Ошкораликка кенг кўлам бериш биз учун принципиал аҳамиятга эга. Бу сиёсий масаладир”, - дейдилади КПСС XXVII съездига қилинган Сиёсий докладда. Бундай журъаткор инқилобий позицияни ҳаётнинг ўзи тақозо қиляпти. Сабаби, ҳали ҳам ёмонликка қарши курашда журъатсизлик, муросасозлик, пассивлик, лоқайдлик, айниқса, машъум догматизм ва бюрократизмнинг турли ниқобли кўринишлари бартараф қилинган эмас. Эл-юрт назаридан қолган қаллобларнинг ҳийла найранги шу даражага етган эдики, халқимиз азалдан эъзозлаб келган саховат, мурувват, садоқат, оқибат каби эзгу инсоний тушунчалар, қисқаси – яхшилик турли қиёфадаги ёмонликни жинояткорона яшириб кўрсатишга, устомонлик билан пардалашга хизмат қилди. Бундай ниқобли, ниқобсиз ёвузликка қарши бадиий сўз, биринчи галда, шеърият ўзига хос шижаоткор рўй-ростлиги, мавжуд демократик имкониятлари билан курашиб келди, бугун эса очиқласига, юзма-юз муносабат билдирияпти. Масалан, Эркин Вохидов “Яхшилик ва ёмонлик” миниатюрасида мунофиқона ниқобланган ёвузлик устидан шундай хукм юритади:

**Силаса тубан бошин мабодо,**

**Мунофиққа берса омонлик,  
Бу ёруғ дунёда бўлмагай асло  
Яхшиликдан ортиқ ёмонлик.**

Шоир “Максим Горький билан сұхбат”, “Ленинни ўқиши” шеърларида, ҳаётдаги нохуш ҳолларнинг туб сабаблари нимада, деган, барча софдил кишиларни қийнаган саволга шеъриятнинг ижтимоий маъноси ва бадиий мантиқ эътибори билан асосли жавоб топишга интилади. Чунончи, “Максим Горький билан сұхбат”да одамларга имон-эътиқод бутунлиги, виждон поклиги ҳар қачонгидан зарурроқ бўлиб қолганини, буни фақат истиқболимиз, идеалларимизгина эмас, даставвал, ҳозирги тарихан маълум мавқеимиз тақозо этишини шоир куюнчаклик билан, дили ёниб, кучли контраст лавҳаларда ифодалайди (“Мен бугун қўрқмасдан дин афъюнидан, “Худо”си йўқлардан қўрқаман бироқ”). “Ленинни ўқиши” шеърини мен ҳозирги ёшларга йўлланган шеърий очик хат, биринчи галда, мақсад ва матлаби аниқ, маърифатга чанқоқ талабларга берилган шоирона наказ деб атар эдим. Ҳассос шоир ўз нуқтаи назарини китобхонда иштибоҳ туғилмайдиган самимият билан ифодалашга эришади. Чиндан ҳам ҳозирги янгиланиш, покланиш шоироитида Ленинни чуқур билмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш мумкинми? Муҳими, Ленинни қандай ўқиши, қай тарзда ўрганиш керак? Турли қиёфадаги ёмонликка қарши кураш давом этар экан, бу гениал таълимотнинг оламни, одамни ўзгартиришга қодир инқилобий қудрати ва моҳиятини яхшироқ англаң олиш нақадар зарур!..

Аввало шуни айтиш керакки, адабиётимиз бутун соҳалари бўйлаб қайта қуриш ишида фаоллик кўрсатяпти. Ёзувчиларимиз ўз гражданлик бурчини ҳалол бажаришга интилмоқдалар. Бу жиҳатдан иш осон кўчмаётганини ҳам тан олиш керак. Чунки йиллар давомида шаклланиб қолган ақидаларнинг бирданига ўзгариб кетиши осон эмас. Шу маънода адабиёт, ижод ишига ҳали ҳам эскича қарайдиган, уни кўпроқ тирикчилик, бойлик орттириш, шухрат топиш манбаи сифатида санайдиганлар ҳали ҳам бор. Адабиёт ишига раҳбарлик қилишда эса буйруқбозликка берилиб, уни докторатик тушунчаларга боғлаб қўйишига, қуруқ дабдабага, шоирнамо фикрлар баён қилишга уринаётгандар ҳам оз эмас. Хуллас, кейинги йиллар ичида қайта қуриш даврига хос бўлди. Шулардан бири Одил Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоқ қушлар” романидир.

Роман воқеалари қисқа муддатда, атиги бир неча ой давомида рўй беради. аммо адаб кўп бобларда ўтмишга мурожаат қилиш воситасида демократик принципларнинг бузилиши бир неча ўн йилликлар давомида рўй берганини, бу жараён айрим раҳбар шахсларнинг социалистик жамият ақидаларидан чекинишлари билан боғлиқ эканини чуқур исботлайди. Ўз

навбатида маълум даврлар ичида бу аҳволга ўзимиз кўнишиб қолганимизни ҳам далиллайди.

Романда ишлаб чиқариш ва маънавий ҳаётдаги чекинишлар асосан Музaffer Фармонов, Fotix Muzaffarovichlarning хатти-харакатларида мужассамланган. Сўзсиз фармоновчиликка имтиёз яратиб берганлар ҳам бор эди. Улар ҳам саҳна орқасида туриб бўлса-да, воқеаларда ҳам маънавий қиёфаларини ҳар саҳифада сезиб турамиз.

Шораҳим, унинг рафиқаси, ўғли Шоқосим, санъатшунос Расул Нуриддинов, қизи Нигора, куёви Беҳзод, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Белобородов сингари покдил кишилар қийин шароитларда ҳам маънавий қиёфаларини ҳар қандай бузилишлардан сақлаб келганлар.

Роман сюжет йўналиши, конфликти ана шу икки тоифага мансуб шахсларнинг руҳий олами, психологик тўқнашувлари асосида очилади. Биринчи тоифанинг қилмиш-қидирмишлари билан танишар эканмиз, ўзимизда уларга нисбатан нафрат, жирканиш ҳисси уйғонганини сезамиз. Тўғри ва софдил одамларнинг бошига тушган кулфатларни қўргач, буchorасизлар қисматига ачинамиз, кескин тўқнашувларда уларни ёқлаймиз, оғир дақиқаларда бирдан-бир тўғри йўл танлаганликларида дилимиз фахрга, қувончга тўлади. Қайта қуриш шабадалари туфайли ҳақиқат улар томонида эканини бутун вужудимиз билан ҳис қиласиз.

Булар ҳаммаси адаб ҳаёт проблемаларини инсон қисмати бера олганини, кўрсатади. Шу асосда “Оққушлар, оппоқ қушлар”ни ижтимоий-проблематик ва психология роман деб баҳолаш мумкин.

Одил Ёқубовнинг янги романида айрим нуқсонлар мавжудлиги ҳам яққол сезилиб туради.

Фармонов ва унинг ўғли Fotix Muzaffarovichga ўхшаган “ишибилармон”лар, жамиятимиз ҳаётига хос демократик нормаларни оёқ ости қилганлар негадир ўз йўллари тўғри эмаслигини софдил зотлар эса оғир-оғир вазиятлардан “қийинчилик тортиб, албатта “эсон-омон” чиқиб кетаверади. Ўз вақтида демократик тартибларнинг бузилиши софдил одамлар бошига қанчадан-қанча фожиалар ёғдиргани адига маълум-ку! Наҳотки инқилобий бурилишгacha олиб келган кураш шу даражада қурбонсиз рўй берган бўлса! Расул Нуриддиновичнинг ўша оғир вазиятдан бешикаст чиқиб кетишига ишониш қийин. Биз, бу ишлар ҳаммаси қандайдир тартиб ва қонунлар доирасида амалга оширилган. Ҳозир бу ҳақиқатдан кўз юмиб ўтишимиз инсофдан бўлмайди.

Булар шуни кўрсатадики, адиларимизда, ҳатто қайта қуриш ишлари бошланиб кетгандан кейин ҳам йирик ижтимоий масалаларни акс эттиришда

дадиллик етишмайди. Ҳали ҳам орқамизга бир қараб қўйиб, бирор корҳол рўй бериб қолмасмикин, деган андишалар билан иш тутамиз. “Андишанинг оти қўрқоқ” дейди халқ.

“Оққушлар, оппоқ қушлар” илгари ҳаётимизда ўрнашиб, қайта қуриш натижасида юзага чиқиб қолган ижтимоий ва маънавий тенгсизликлар ҳақида яратилган дастлабки роман. Шу маънода – биринчи жиддий тажриба. Бу тажриба давом этади ва яхши самаралар беради деб умид қиласиз.

Юқоридаги мулоҳазаларни якунлаб айтиш керакки, бугунги кунда анча тараққий этган ўзбек романчилигини йирик маданий ҳодиса, руҳий бойлик сифатида биринчи қадамларидан бошлаб меҳнаткашларни, хусусан, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида фаол қатнашиб келмоқда. Бу борада эришилган ютуқлар осонлик билан қўлга киргани йўқ. Иқтисодий, сиёсий ва маданий сабабларга қўра юзага келган баъзи хато ва камчиликлар, айрим пайтларда кўзга ташланган чекинишлар – романчилигимизда ҳам ўз аксини топди. Бу камчиликлар бадиият талабларига беписанд қараш, бир хил андозага бўйсундириш, дабдабабозлик, айрим шахсларга сажда қилиш, ҳаётни чуқур ўрганмасдан юзаки акс эттириш, конфликтсизлик, психологик таҳлилдан узоқлашиш, воқеанавислик ва объектнавислик ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси даврнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига боғлиқ, албатта. Бундан ташқари улар ўсиш, улғайиш қийинчиликлари билан ҳам изоҳланади. Шу маънода ўзбек романчилиги етмиш йиллик тарихимиз меваси сифатида адабиётимизнинг етакчи жанрларидан бири бўлиб турибди. Бу – тарих. Тарих эса келажакка асосдир.

**Ленинни ўрганиб ол, йўлингдан чиқар ҳали**

**Ҳаётимиз ёвлари бири-биридан беор.**

**Мана бу тайёр турган дунёни ҳам ютгали**

**Қорни қўйган юлғичнинг буржуйдан не фарқи бор!..**

**Бу эса давомчиси ўта сўллар зотининг**

**Ҳарфхўрлик бекиёс, “хушёрлик” бениҳоя:**

**Қўйиб берсанг бундайлар Ленин таълимотини**

**Лениннинг ўзидан ҳам қилмоқ бўлар ҳимоя.**

Қайта қуриш, ижтимоий иқлимини соғломлаштириш мавзуига ҳар бир истеъдод эгаси, ижодий имкониятлари даражасида муносабат билдиради. Масалан, Муҳаммад Раҳмон ҳақиқатни очиқ-ошкор айтишда бир оз ялангочроқ усулдан фойдаланса-да, ҳар қалай, маънавий позициясини тўғри

белгилагани учун, нишонга бориб тегувчи шоирона тафсиллар, мажозлар орқали ҳаққоний лавҳа – образлар яратади:

– **Топ! – деди биттаси сохта шонга қул. –**

**(Ўзинг тушунавер ишорасидан!)**

**Пахта пунктини кўрсатди нуқул**

**Мўътабар даргоҳнинг идорасидан.**

• • • • • • • •

**Ҳар бири ўзича раҳнамо, даҳо,**

**Элни – сен, ўзини – сиз деган зотлар.**

**Зуғум, тазиқидан шуларнинг гоҳо**

**“Қора юрак” бўлди дили муродлар...**

Шеърият мухлислари эътиборини қозонган М. Раҳмон ҳақиқат ва адолат тантанасига чуқур ишонч ҳисси билан яратилган “Шу куннинг шеъри”ни: “бор экан Лениндеқ падар оламда... Қаддингни баланд тут, қолмайсан Ғамда! Жонлар фидо сенга, Ҳақиқат – Ватан!” каби зоҳиран анъанавий оҳангдаги самимий сўзлар билан тугаллайди. Биз биламизки, инсон учун Ватан – эзгу түйғуларнинг энг азизи, муқаддас тушунчалар сирасида қутлуғи. Шу маънода шоир Ҳақиқат сўзини, аввало, Ленин номи билан боғлаши, сўнг Ватан каби бош ҳарфлар билан ёзиб, шу табаррук каломга қиёсан улуғлаши бежиз эмас. Бу ҳозирги янгиланиш, покланиш даврнинг инқилобий руҳи ва талаблари нуқтаи назаридан олиб қараганимизда, чинакам мантиқий кучга эга бўлган ҳаётий нисбатдир.

Ҳар бир талантнинг ўзига хослиги, ёш хусусиятидан қатъи назар, унинг сўзга ҳиссий муносабатида, ташбех-образларнинг оригиналлигида, шеърий интонация оҳанрабосида аён сезилиб туради. Ижодий индивидуаллиги нисбати тез намоён бўлган ёшлардан Мирза Кенжабоев машъум ёлғоннинг мунофиқона найранглари ортиқ чидаб бўлмайдиган даражага етганини аччиқ киноя қиласи:

**Ана! Карвон-карвон хирмон бўлади,**

**Карнай-сурнай бўлар, бўлар тўй, нон-туз.**

**Жиндай жавлон урсак тўқсон бўлади,**

**Жиндай ёлғон урсак – бўлиб қолар юз.**

Усмон Азимовнинг “Бахшиёна” туркумидаги шеърларида ўзига хос журъаткор ҳаққонийлик ёрқин ифодалангани ҳақида аввал ҳам тўхталган

эдик. Шоир янги китоби “Дарс”дан ўрин олган, “Хазон ҳиди анқир...” сатри билан бошланадиган ва “Графика” шеърида ҳаётнинг азалий ҳақиқатига интим кечинмалар орқали муносабат билдиrsa, “Сен ҳали ёшлигинг билан оввора...” манзумасида эса зиддиятни чуқурлаштиради, қатор ҳаётий муаммоларни қамраб олади:

**Сен ҳали ҳар лаҳза кулишга тайёр...**  
**Менинг кўзларимда музлаган оғриқ,**  
**Эриса – бир мавжи ўзбаки диёр,**  
**Оқса – бир сохили виждонга боғлиқ...**  
**Росту ёлғон аро тентираб юриб,**  
**Қувондим, йигладим, мунжикдим, қотдим...**  
**Сенинг кўзларингга термулиб туриб,**  
**Ўзимни фош қилиш баҳтини топдим.**

Бу зиддиятли сатрларда тўла маънода туйғулар драматизми бор: шоирнинг қаҳрамони, қачонлардир севгилиси билан “иккимиз баҳтиёр” миз деб ғурурланган йигит, ҳаётда қаттиқ алдангани – чин деб эътиқод қўйгани “сохта жозиба” – машъум ёлғон, муҳаббат аҳдига хиёнат бўлиб чиққанидан вужуди ларзага келади (“Менинг кўзларимда музлаган оғриқ”). Лекин муҳими шундаки, ўз моҳияти билан фожеъ интиҳодан холи бўлмаган бу шафқатсиз ҳақиқат йигитнинг метин иродаси туфайли худбин ва алдамчи ҳислардан ғолиб келади. Шу тарзда руҳий изтироблар кутилмагандан ижтимоий дард – исёнкор туйғуга айланади: қаҳрамон “диёр” ва “виждон” билан боғланган ҳақиқатни кашф этиш йўлида “ўзлигидан юқори кўтарилади” (Гёте). Бир вақтлар дунёда танҳо севимли саналган кишининг энди бедард ва лоқайд боққан “кўзларига термулиб туриб... ўзини фош қилиш баҳтини топиш” нинг маъноси шунда.

Шавкат Раҳмон ҳақиқатнинг муқаррак ғалабаси йўлида, хусусан, ҳозирги янгиланиш, покланиш шароитида инқилобий тус олган кураш тенденциясини ўзининг мушоҳада тарзига хос сергак, курашchan образлавҳаларда (масалан, “Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир...” сатри билан бошланадиган шеърида) ифодалайди. Биз шоир мисраларининг ҳаётий мантиқ кучига, бадиий-эмоционал жозибасига, унинг “захардай мард сўзлар” и қаршисида ҳар қандай ёлғон маҳв этилиши – ҳақиқат ҳакимнинг омонсиз ҳукмидан қочиб қутула олмаслигига ишонамиз:

**Менга нондай зарур,  
Қиличдай кескир,  
Заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.  
Сайладим сўзларнинг сараларини,  
Курашлар шамоли кирди назмимга...  
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,  
Токи сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,  
Токим буюк тоғлар салтанатида  
Эгилган бошларни  
Қиличлар кессин.**

Аввало, шоирнинг оригинал ижодий топилмаси “заҳарий мард сўзлар” билан ўшандай кутилмаган мажозий хулоса – “эгилган бошларни қиличлар кессин” сатри ўртасида фақат поэзияга хос бир нозиклик борки, бунда шоир ҳалқ нақлининг анъанавий маъноси ўзгаришидан чўчимайди. Зоро, бу ҳозирги даврнинг инқилобий талаблари нуқтаи назаридан ўзини оқлайдиган муросасиз, лекин адолатли ҳукмдир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Икки фикр” баҳси қатнашчилари (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1987 йил 9 январь) билан мубоҳаса қилиш зарурати туғилади. Таниқли, устоз мунаққидлардан Озод Шарафиддинов ўз мубоҳисининг ачинарли даражада маҳдуд даъволари пучлигини синалган мантиқ кучи, далиллаш санъати билан кўрсатиб беради, бироқ “Заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир” сатри, аникроғи, битта фавқулодда ташбих қархисида иккиланади: “Бу ўринда қўлланмаган”. Сўзнинг ўткир маъно-мантиқ замини асли ҳалқдан олинган: “тиллари заҳар”, сўзлари оғу, “захрини сочди”, “ҳаётини заҳарлади” ва ҳоказо. Ҳалқ таъбири замирида эса ҳар қандай тиф зарбига нисбатан заҳарнинг бутунлай нажотсиз асоратига ишора ётганини англаб олиш унчалик қийин бўлмаса керак. Шоирнинг мўлжали ҳам, менимча, шундай: заҳарнинг шиддатли кучи қаллоблик вужудини ўрташи, тилкаши керак!.. Ёки, эҳтимол, мунаққидларнинг эътирози “заҳардай” эпитетининг “мард” сўзига нисбатидир. Турли қиёфадаги ёлғон балосига қарши шафқатсиз курашда “қиличдай кескир... сўзлар”, назаримда, Шавкатни қаноатлантира олмаган. Шоир қаҳрамонининг ғазабноқ ҳолати такозо қилган асли ҳақиқий ижодкорга хос ана шу сўздан қониқмаслик туйғуси кутилмаган рамзий-мажозий асосицияни яратган бўлса ажаб эмас.

Ҳассос санъаткорлар ҳақиқий шеъриятнинг биринчи аломати – туйғулар самимияти, деган муштарак фикрни билдирадилар. Шоир самимияти – бу таассуротларнинг ҳаққонийлиги, хаёлот ва хотиротнинг эзгулиги, юксаклиги демакдир.

Ана шундай чуқур ва ёниқ самимияти – виждан амри, ҳақиқат туйғуси билан ёзадиган ҳақиқий истеъодод намояндаларидан бири Рауф Парфи шеъриятини хуштаъб ва марифатли китобхон яхши билади. Ҳақиқатдан ҳам Р. Парфи Ватанни, инсонни, башариятни “қўйиб куйламак ҳаққи” ҳаётнинг ўзидай зиддиятли, лекин баҳтли қисматга ёр, ижодий стихияни катта ижтимоий дард даражасига қўтариш иқтидорига эга бўлган шоирлардан. Чунончи, унинг “Себр дарахти” китобидан ўрин олган “Шоир қисмати” (“Чўлпон”) сарлавҳали янги теран ва кўламдор маъноларни мужассамлаштиргани билан ажralиб туради.

**Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош.**

**Куйиб, ёдимииздан кечганлар айтсин.**

**Сўзларида заҳар, кўзларида тош,**

**Тилидан, элидан кечганлар айтсин.**

**Тунлар босиб келар дунё ҳасрати,**

**Кунлар гизли туғёни, босиб келар шеър,**

**Нечук қисмат эрур, шоир қисмати!!**

**Тушларимни бузар ҳазрат Алишер...**

Руҳий нидо бўлиб янграган, кучли акс-садо бериб турган бу мисраларнинг аламноқ, исёнкор оҳангига шоир қисмати... она ҳалқнинг тарихий тақдири билан, унинг азалий орзу-армонлари, дардлари билан узвий боғланган, деган пурмаъно ғоя ётади. Ҳалқимизнинг нафақат даҳо шоири, балки барча маънавий, умумбашарий хислатларининг мужассам тимсоли бўлмиш “ҳазрат Алишер” тилга олиниши бежиз эмас. Лекин Р. Парфи асосий ниятни ўша ҳазин, айни вақтда ғазабноқ оҳанг руҳига – мисралар моҳиятига жойлаган: шоир қисматининг бутун зиддиятларини – унинг шахсиятида машрабона ҳурфикрлик, исёнкорлик билан ҳалқона тоғбардошлиқ ва шикастаҳоллик, хаёт қувончларига ошиқона шайдолик билан унинг алам-ситамларига куюнчак, ҳамдард муносабат – “дунё ҳасрати” омиҳта эканини – булар битта вужудга, бир бутун оламга айланганини ким билсин, қадрласин?! Шоир қисматидек ҳалқ азалдан дахлсиз билиб, самовий маъно берган, мозийнинг қанча ҳокими мутлақлари ғазабини ўз жозибаси билан сўндира олган бу илоҳий кудрат нималигини... “тилидан, элидан кечганлар айта”

олиши мумкинми ахир? Наинки шоир қисмати ўша ҳиссиз-бедард нокасларнинг ғаразли истаклари билан ҳал қилинса?!..

Зулфиянинг “Тонг билан шом аро” китоби “Тонг” шеъри билан очилади. Мана унинг ҳаётйилиги, “тархи тоза ва беандоза” самимияти билан жозиб лавҳаларидан бири:

**Мендан бошланади уйда уйғониш...**

**Ўгрилиб қарамайди: маъсум мўъжиза.**

**Набирам қадамлар! Ёш дарбозсимон**

**Лангардай елпийди икки қўлини.**

Табиий, момо учун бундайин беназир лаҳзаларни баҳш этган, дунёда бошқа ҳеч нарсага бергувсиз бениҳоя лазиз туйғулардан йўғрилган, гўдакнинг ўзидаи бокира, мўъжизакор бир манзара кайфияти... тадрижий равища катта шахс, катта санъаткор кечинмалари – мураккаб асримизнинг ҳам умидбаҳш, ҳам таҳликали хаёллари билан қўшилиб кетади.

**Аср! Қопқаларинг борлигича оч,**

**Бу кекса асрда яна бир Инсон**

**Тонг билан бошлабди буюк йўлини.**

**Билмайман! Бу нотинч она-Жаҳонда**

**Шу тонг йўлга кирди не сон минг гўдак?**

**Кимнингдир илк йўли йўқолди қонда,**

**Ёт, изғиқ мудҳиш ўқ этди жувонмарг!..**

Бу мисраларнинг ички мазмани – моҳиятига разм солиб кўрсак, аввало, шоира мушоҳадасининг жаҳоний миқёсидан ҳайратланамиз: ажойиб тонгларнинг бирида, осойишталиқ ва баҳт тимсоли бўлган момо хонадонида яна бир Инсоннинг “бошлаган буюк йўли” – гўдакнинг илк қадамлари бу қадим дунёning шу аснода янги йўлга кирган жамики болалари ҳақида ўйлашга мажбур қиласди. Бугина эмас. Ҳассос шоира ўзининг ижодий таомилига кўра мавзуга янада теранроқ ёндашади: “нотинч она-жаҳон”нинг турли минтақаларида ҳар куни инсониятга қарши қилинаётган қонли жиноятларнинг касорати билан келгуси авлоддан ҳам яна кимларнингдир ўзига хос, бетакрор умумлашма образлар яратади.

Рамзий образликнинг мўъжаз бир намунаси сифатида Абдулла Ориповнинг “Инжу диёр учун” сарлавҳали янги йўл шеърини олиш мумкин. Ундаги икки мисрада нокас қаллоблар касорати туфайли қандай оғир

маломатларга қолмасин, асло қадди букилмайдиган “тенги кам”, “жаҳон заҳматкаш” (Миртемир) она юртимизнинг шаъни, баҳтли қисмати оҳангда эъзозланади.

## **Юртинг толеини айласин кўз-кўз**

### **Миллион чаноқларда кўпирган қадаҳ.**

Шоир ҳаётни ҳар гал бошқача тарзда мушоҳада қилмаса, сўзни, унинг замиридаги санъатни нозик ҳис этмаса, воқелигимиз учун характерли, халқимизнинг ҳам ширин, аччик тақдири бўлиб қолган бир ҳақиқатни шунчалар муҳтасар ва ёрқин ифодалаш имконияти топилармиди?! Янги йил аёмида ҳамма нарсадан азиз бўлмиш она Юрт шаънига дил-дилдан яхши тилак билдириш учун “миллион чаноқларда кўпирган” пахтадан шеърий рамз сифатида фойдаланиш, шубҳасиз, ҳаётий фактга ижодий муносабат натижасидир. Лекин истеъдод маҳорати аён сезилиб турган бу патетик сатрларда 60-70-йилларнинг васфчилик оҳангি борки, бу айниқса, бугунги “шафқатсиз ҳақиқат” очик-ошкор айтилаётган шароитда анча ноўрин, номавзун эштиклиди (эндиликда “миллион чаноқлар”га фақат “юртнинг толеи” рамзи деб қараш бирёқлама, чала ҳақиқат эканлиги ҳеч кимга сир эмас). Ҳозирги социал адолат, маънавий покланиш мухитида, айниқса ўртамиёна-тавсифчи шоирларнинг таҳсинбозлик обьекти бўлиб келган ўша “миллион чаноқлар” эл-юртнинг омонлиги, оналар ва болаларнинг соғлиги, чинакам баҳти, чинакам камолоти – қисқаси, инсонга том маънодаги ғамхўрлик учун хизмат қилиши ўз моҳиятини қайтадан кашф этиши керак... Зоро, Абдулла Орипов бошқа бир миниатюраси “Уқдириш”да энди аччик ҳақиқатни – ёмонликни ўз номи билан атайди: “Унга уқдиридилар оқни қора, деб. Чунки бир қорани оқлаш лозим эди. Унга уқдиридилар Токни бу – жуфт, деб. Чунки бир қинғирни Ёқлаш лозим эди”.

Муҳаммад Солиҳнинг “Видо” миниатюраси ҳам ўзига хослиги билан ажralиб туради.

**Сизлар ким бўлибсиз унинг олдида!**

**Мен ўзимнинг ҳаётим бўлмиш,**

**Йўқ, йўқ, ҳаётимдан ҳам азизроқ**

**Инсон билан ҳам яшамадим-ку.**

**Сизлар ким бўлибсиз унинг олдида!**

**Сен ким бўлибсан, ҳаёт!**

**Кимсан ўзи сен, ўтим!**

Шоир саволларининг шиддатли оҳангидан, зиддиятли мантиқий кучидан аён бўладики, унинг гўзаллик ва ҳақиқатга интиқ қаҳрамони қалбида қачондир уйғонган муҳаббат туфайли ҳаётга нисбатан солишириб бўлмас даражада буюк қудратни кашф қилган, ўз хаёлида янги одам яратган. Лекин гўзал хаёл бошқа, реал ҳаёт бошқа. Муҳаббат қанчалик юксак қудратга эга бўлмасин, унинг баҳтли ёки баҳтсиз қисматини ҳаёт белгилайди. Шу маънода юқоридаги шеърнинг ички зиддияти билан гўзал мантиқи бизни ҳайратга солади: шоирнинг қаҳрамони ўзи қанчалар мукаррам деб билган ҳаётидан ортиқроқ бўлмиш маҳбуби – энг азиз “инсон билан ҳам яшамагани” бежиз эмас, демак, унинг эътиқодича, муҳаббатнинг реал воқеликка нисбатан идеал юксакликда туриши асло кифоя қилмайди... Ҳа, у ўзининг, ҳеч кимникига ўхшамаган буюк муҳаббат туйғуси билан, ҳатто ҳаёт – ўлим контрастлари ўртасидаги сирли чексизликни писанд қилмайди... Биз фақат шеърият мантиқига хос мана шу нуқтадонлик – нозик ҳаёлликни бир қадар англаб етганимиз учун: “Сен ким бўлибсан, ҳаёт?” деган, биринчи қараашда анчайин куфрана хитобни худписандлик эмас, балки ҳаётнинг маъно ва мақсадига ғоятда талабчан муносабатнинг ўзига хос ифодаси деб қабул қиласиз. Шунда: “Кимсан ўзи сен, ўлим?” деган, энди ижобий маънода писандсиз, исёнкор руҳда янграган савол замирида “ўлимларни доғда қолдирган” инсоннинг буюк ирода кучи – тирикликтининг абадият деб аталувчи сехрли унсури зухур этганига амин бўламиз. Зеро, ўтимни писанд этмаслик учун... ҳаётнинг ўзи нималиги, у инсонга нима учун берилганини идрок этиш кифоя қиладими? Ахир инсон умрининг моҳиятини башарий даҳолардан қай бири охиригача англаб етибди дейсиз? Масалан, Навоийдек, буюк зот бундай мушкул савол қаршисида лол қолмаганида: “Не келмак аён бўлди, не кетмагим!” – деб нидо урармиди?! Чукур зиддиятли туйғулар маҳсули бўлган ҳақиқий шеърнинг бадиий мантиқ кучи ана шундай давомли ўй ва мубоҳасаларга туртки бериши мумкин.

М. Солих “Табиат каби” шеърида азалий нарса ва ҳодисаларни “инсонийлаштириш”, ижтимоий турмуш жараёнлари билан муқояса қилиш орқали яна ўзгача оригиналликка эришади, “образли тафаккур”нинг янги бадиий қирраларини тадқиқ этади. Мана биринчи қараашда оддийгина кўринган мисралар:

**Сир сақлай олмайди ҳеч ким тош каби,  
Ёмғирдай айтолмас ҳеч сирини...  
Барча кечикканлар, майли бир бўлсин –  
Куз каби ёқимли келмас кечикиб.**

Қизиғи шундаки, биринчи мисра кейинги мисра билан мазмунан рақобатга киришади: “сир сақлай олиш”дагина әмас, “сирни айта билиш”да ҳам одамлар табиат қаршисида ожиздирлар. Хусусан, сўнгти икки сатрдаги параллел лавҳа нафақат табиатдаги жараёнларни хуштаълик билан кузатиш маҳсули сифатида, балки классик муболағанинг нозик усули – ифрат санъати орқали ифодалангани учун бизга ўзгача завқ беради. бу табиатнинг майли, стихияли ва совук бўлсин, лекин боқий жараёнлари билан инсоннинг беназир мулоқот дақиқалари қиёсан ифодаланган жозиб лавҳа-образлардир.

Мен нафақат мунаққид масъулияти масъулияти тақозо билан, балки ҳақиқий шеърият муҳлиси сифатида аччиқ бир ҳақиқатни ошкора айтадиган фурсат келди, деб ўйлайман: сир эмаски, ҳатто Мирза Кенжабоев ва у билан тенгкур бўлган ёш истеъдод эгалари ҳар бир муваффақиятли шеъри билан китобхонга бирор янги фикр айтишни, озми-кўпми ёрқин, жозибадор образи – “ёнар сўзи” (А. Мухтор) билан уни хушнуд этишни ижодий таомилга айлантира олганлар. Бу – бутун жамоатчилик кўзи ўнгидаги ҳақиқат. Нега энди аллақачон “ўзини комрон кўрган” – фахрли унвон ва мукофотлар олган баъзи шоирлар ҳозирги кенг маърифатли, Иттифоқ ва жаҳон шеърияти меъёрларида фикрлай оладиган китобхоннинг эстетик эҳтиёжига нописанд қарайдилар? Модомики, партиявий ҳужжатларда ошкоралик “сиёсий масала” сифатида баҳоланган экан нега, масалан, Рамз Бобоҷон, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Султон Акбарий, Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳусниддин Шарипов каби шоирларнинг хусусан, кейинги йиллардаги аксарият узундан-узун терма ёки туркум шеърларидан бирортасини ҳозирги шеъриятимизнинг намунаси сифатида кўрсата олмаймиз? Тўғри, бу авторларнинг кечаги ва бугунги шеърларида маънавий-ахлоқий муаммоларга, ҳозирги қайта қуриш жараёнинга муносабат билдирилади, лекин, асосан, ёмоннинг ёмонлиги қайд этилади, қораланади-ю, мавзу чукур очилмай, моҳият бадиий тадқиқ этилмай қолаверади.

Ошкоралик принципи тақозо қилган баъзи нохуш фактларни кузатишдан аввал, А. Ориповнинг “Усмон Носир ҳақида сўз” сарлавҳали мақоласида шафқатсиз бир ҳақиқат ифодаланган жумлани келтириш жоиз: “Усмон Носир шеърларини ўқиганимизда баъзи шоирларнинг мудроқ ва ғализ ижодиёти тарих учун не ҷоғли нозарур эканлигини пайқаб қоламиз”.

Халқона оҳангларга эргашиб, яхшигина қўшиқлар яратган ўзига хос иқтидорли, тажрибали шоир Туроб Тўланинг, масалан, пахтакор шаънини улуғлаб ёзган шеърларида, сержило таъриф-тавсиф, сўзни зўр бериб безашга, санъатпарвозликка мойиллик яққол кўзга ташланади, бу ҳол нафақат сунъийликка олиб боради, балки шеъриятга хос бадиий мантиқ қонунларига халал етказади. Чунончи, унинг “Қаламимга сифинаман” манзумасида, ҳар

холда, таъби равон бир кайфиятда туғилган: “Қаламимга сиғинаман, сизни десам... Сизсиз унинг куйларида бир нарса кам” каби анча рисоладаги мисралари шоир дастхати учун қўпроқ характерли бўлган қуидаги чучмал васфия билан алмашади:

**Етмай афсун, бир издаҳом ўйларига**  
**Забт этади меҳнатингиз силсиласи.**  
**Ҳадисингиз, беандоза талъатингиз**  
**Сиз кашф этган меҳнатингиз зилзиласи,**  
**Сиз кашф этган бу беқиёс санъатингиз**  
**Фаҳр этади бу беадад фахрингиздан,**  
**Паҳтангизнинг нуфузидан, нашъасидан...**

Очиғи, унвондор бир шоирнинг айниқса, “афсун”, “издаҳом”, “силсиласи”, “ҳадисингиз”, “зилзиласи”, “талъатингиз”, “фаҳрингиздан” каби ташбеҳларнинг на зоҳирий, на ботиний маъносини, на шеър контекстида тутган конкрет ўрнини тайинлаш мумкин. Ақалли, икки сўз ё сўзлар бирикмасининг оддий мантиқий алоқаси (етмаслик – афсун, издаҳом – ўйлар, забт этмоқ – силсила, кашф этмоқ – зилзила, фаҳр этмоқ – фаҳр ва бошқа сўзлар) ҳақида наҳотки автор сира қайғурмаган бўлса? Ёки шоир ишлатган “ҳадис сўзини олайлик (маълумки, Шайхзода “Келажакнинг саволларига жавоб” шеърида “тафсир”га янгича санъаткорона – ифодий ёндашган ээди). Бу, агар шоир чиндан маҳорат кўрсатса, бадиий қайта ишланиб, янги маънода, ўзгача талқин этилиши мумкин бўлган кўхна истилоҳлардан. Бошқа антиқа тавсифлар каби “меҳнатингиз зилзиласи” ҳам сайқалталаб. Афтидан, шоир паҳтакор элнинг табиат стихияси билан йил бўйи мардонавор олишувни кўзда тутади, лекин у ўз топилмасига оро бераман деб, бунинг учун муайян бадиий-мантиқий замин ҳозирлаш лозимлиги ҳақида ташвишланмайди...

Бошқа бир характерли мисол. Рамз Бобожон қардошлиқ мавзуидаги ўнбешликлардан бирида замонамиз муаммолари ичida ўз кўлами, аҳамияти жиҳатидан нисбати бўлмаган, замин тинчлигини сақлаб қолиш муаммосига муносабат билдириб, шундай мубҳам, пароканда бир “услуб” яратадики, уни таҳлил қилиш эмас, бир нави тавсифлаб бериш ҳам қийин. Фикримиз далили учун икки бандни кўчирамиз:

**Океан ортидан бадният жаноб**  
**Қўйнига тош солиб пайт пойлагандай...**

**Миллатлар тилида янграйди хитоб,  
Тинчлик ҳайъатини халқ сайлагандай,  
Атом галасини ҳай-ҳайлагандай.  
Замонлар келади, бир кунмас – бир кун  
Бешафқат асримиз, балки ўкинар.  
Комил ишонч билан айтмоқлик мумкин:  
Ёмонлик юзланса, бевақт нур сўнар,  
Яхшилиқдан эса қалбда гул унар.**

Лоақал мисралари ўзаро мутаносиб келмаган, бирон-бир янги оригинал тимсол-образ ажралиб турмаган бу ажабтовур парчани бугунги шеърхон қандай қабул қиласи, унинг автори ҳақида нималар дейди? Биринчи бандда зўрма-зўраки қофияланган сўзлар шундаки, сунъий оҳангдошлиқдан ўзга нарса эмас, улар шу ҳолатда бирон-бир ғоявий-бадиий функцияни ўташдан жуда узоқ. Сўнгра, мазкур банддаги мисраларнинг парокандалигидан ташқари, “дай” қўшимчаси орқали шоир ҳар гал нимага нисбат бермоқчи? Нега, масалан, “Атом галасини ҳай-ҳайлган” сатри контекстда мубҳам, нотамом, ночор ҳолатда қолган? Иккинчи банддаги: “Бешафқат асримиз, балки, ўкинар” қандай конкрет мақсадни кўзда тутади? Ёки: “Комил ишонч билан айтмоқлик мумкин” шеърий жумласи наҳотки “Ёмонлик юзланса, бевақт нур сўниши, яхшилиқдан... қалбда гул униши”ни шунчалик жўн, зўрма-зўраки қайд этиш учунгина хизмат қилса? Модомики, “яхшилиқ” ва “ёмонлик” каби кескин антитетда характеридаги муқобил сўзлар қаламга олинган экан, улар ўртасидаги омонсиз зиддиятнинг шоирона янги талқини қани?

Шоирнинг “Ягона сиёсий кун” шеърий монологида, юқоридаги нохуш мисолга нисбатан олганда, анчайин равон услубдаги, турмуш деталлари маълум тартибда тавсифлаб ўтилган (шоир кечинмасига айланмаган) бирёқлама прозаизмни кузатамизки, улар тажрибасиз ёки поэзия санъатидан узоқроқ китобхонда эътиroz туғдирмаслиги ҳам мумкин. Мана бир-икки парча: “– Чинорни ким кесди, қайси бетавфиқ? – Қайси бефаросат булғатди сувни? – Қайси бир бемаъни отди оқкувни? – Яна кимни чақди чаёндай чақиқ? Саволлар ёғилди, жавоблар аниқ: Тўрачилик жонга тегди-ку, ахир?.. Яна мансабдорга қўл келди ёлғон, Яна порахўрлик, жарақ-жарақ пул... Имонни ўртага беимон. Уят, номус учун борми бир масъул? Янгича фикрлаш, янгича ўйлаш янги уфқларга ундаиди бизни...” Журналхонлар: “Бу мисраларнинг нимаси ёмон?” дейиши мумкин. Лекин масалага ҳақиқий шеърият нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, на негатив ҳодисаларни

шундаки қайд этиш, на “янги уфқлар” ҳақида сўз очиш билан аҳвол ўзгармаса керак. Наҳотки, шоир шу куннинг ҳаётий талабларига ўзининг индивидуал ижодий муносабатини билдириш учун, масалан, экологик муаммо билан боғлиқ барчага маълум саволлар қўйиш ёки халқнинг диёнатсиз кимсаларга қаратса айтган кескин фикрини (“Холвани ҳоким ер, калтакни етим”, “Имонни ўртага қўйса беимон”) шарҳлаб ўтиш кифоя деб билса?

“Совет Ўзбекистон” газетасида “Янги шеърлар” рубрикаси остида (1987 йил, 1 май) Ҳамид Гуломнинг учта шеъри босилди. Уларни мундарижа мавхумлиги ё парокандалиги, услуб ғализлиги ё жимжимадорлиги жиҳатларидан камситиб бўлмайди, албатта. Тўғриси, бир вақтлар кенг тарқалган декларатив-тавсифий шеъриятнинг намунаси бўла оладиган тараашланган сатрлар, бандлар зогиран диққатни тортгандай бўлади. Негаки, тажрибали шоир берган шаклий сайқал, шубҳасиз, шеър мундарижасига таъсир этмасдан қолмайди, бундан муайян фикрий изчиллик, уйғунлик келиб чиқади. Лекин, барибир, шеър сайқали жараёнидаги рационалистик таҳлил эмоционал ижодий изланишлар – ҳақиқий образли тафаккур, бадий мушоҳада билан йўғрилмагани учун чинакам поэтик умумлашма даражасига кўтарила олмайди. Таассуфки, учала янги шеърдаги шакли-шамойили пухта ишланган бирор банд, ҳатто бир-икки мисрани шоирнинг ижодий индивидуаллигидан далолат берувчи янги бадий образ намунаси тарзида ажратиб кўрсатиш имкони йўқ. Мана инқилоб тенгдошларига бағиашланган катта шеър – манзуманинг аниқ деталларда конкретлаштирилган тасвирий пишиқ бандларидан бири:

**Унутиб бўлурми энди йироқдан**

**Бу йўл бошланганин қора чироқдан.**

**Жангларда ажратдик қорани оқдан,**

**Висол туғилгандай ҳажру фироқдан,**

**Иқболни яратди куч-бардошимиз.**

Декларатив шеъриятнинг бундай намуналари авваллари мунаққидлар назаридан четда қолмас эди. Бугунги баҳо мезонлари бошқа. Эндиликда чинакам бадий кашифийтсиз ғоявийликнинг қадри йўқ. Шунинг учун ҳам Ҳ. Гуломнинг том маънода янги топилма – оригинал поэтик образлардан узоқ бўлган. (мазмунан тўғрилиги, ҳозиржаноблиги шубҳа туғдирмайдиган) шаклан равон, рисоладаги мисра ва бандларидан, табиийки, чинакам эстетик ққаноат ҳосил қилолмаймиз. Шоир услуби учун характерли бўлган, ҳозирги ўзгаришлар жараёнига муносабат билдирилган яна бир банд: “Замин муштоқ эди тоза ҳавога, Янги жасорату янги навога, Мухит кўз тутарди малҳам

давога, Албатта, етгаймиз чин муддаога, Мислсиз гул очгай тоғу тошимиз”. Асқад Мухтор бундан бир неча йил мұқаддам бир телевизион адабий күрсатувда Ҳ. Гулом шеърлари учун характерли мусиқийлик, услугу равонлигини қайд этгани эсимда. Қанийди шу сифат шоир шеърларининг образли моҳиятига хос янгиланишлар билан мутаносибликка эришса.

Барот Бойқобилов “Мақсад байроғи” сарлавҳали янги шеърида давримизнинг асосий муаммоси – уруш ва тинчлик ҳақида баҳс очиб сўзни Улуғ Ватан уруши хотиротидан бошлайди: “Ҳамон зирқирайди оғриқдан тани, Юраги зардадир (?) ўқ парчасидан” (аслида “зададир”). Одамларни ядро қирғини таҳликасидан огоҳ этишдек, мана неча ўн йиллар давомида жаҳон миқёсида олиб борилаётган энг оммавий ва шиддатли кураш ишига шоир қўшадиган ҳисса қай тариқа бўлиши, шоир овози қанчалик акс-садо бериши керак?! Мана шу нозик, қийин масъулият ҳиссини қалб идрокида қайта кечирмасдан бу мавзуда шеър ёзиш мумкинми? Наҳотки ҳаммага маълум гапларни янги поэтик асар шаклида эълон қилишга шоир виждони йўл берса? Мана ўша шеърдан Б. Бойқобилов “дастхати” учун характерли икки банд:

**Даврнинг энг оғир дарди – урушдир.**

**Калхатдек кезмоқда уруш балоси.**

**Урушнинг душмани сокин турмушдир,**

**Фаровон ҳаётдан бўғиқnidоси...**

**Даво топмоқ учун энг мушкул дардга,**

**Давр дарди билан олингиз нафас.**

**Уруш балосига берингиз зарба,**

**Тинчликка йўғрилган даъват мұқаддас.**

Қофияга, вазнга солинган бундай жўн-примитив, на ваколати, на адресати тайин бўлмаган, конкрет макон ва замондан мавхум даъватноманинг ҳақиқий поэзияга, унинг ҳар бир сатри, ҳатто ҳар бир сўзи “нондай азиз”, “ҳаводай зарур”, “азоби ширин” (А. Мухтор) бўлган поэтик ижодга қанчалик дахли бор? Шунинг учун ҳам бу кўчирма нафақат танқидий таҳлилга, шундаки шарҳлашга ҳам асос бермайди.

Бадиийликдан тамоман узоқ “ғализ ва мудроқ” (А. Орипов) мантиқсизликнинг бошқача кўринишлари ҳам бор. Масалан, Раззок Абдурашиднинг “Биринчи невара кўрганлар сұхбатидан” шеърида (қавс ичидаги “ҳазил” деб изоҳ берилган) ilk бор невара қувончига, “бобо”, “момо” номларига мушарраф бўлган, умрининг бундай хайрли, ўзгача мазмунли

мавсуми насиб этгани учун тақдирга шукронда айтадиган кишиларнинг “сұхбати”дан на автор ишора қылған юморга мойил иликроқ бир сүзни, на бамаънироқ фикрни учратамиз. Аксинча, “бува” “кампири” билан тегишган бўлиб, дарров айний бошлайди, унинг: “– Бува бўлиш, қани айтинг, қандоқ экан?” деган саволига жавобан: “– Тулинг келмай қолар экан буви билан” дейди. Шоир “бува”нинг тилидан тўқилган бу ҳазил совуқ, bemaza чиққанини ўзи ҳам сезадими ёки кулдирадиган қизикроқ бир гап айтиш нияти биланми, янада сатрларни ўйлаб топади:

– **Лекин сенга бўлган-ку кўнглим қуши,**  
**Ўзгаларга оғмас сира ақлу ҳушим.**  
**Буви бўлсанг ҳам яхисан, ҳа-да, гап бир,**  
**Ўнта қизга алмашмасман сени, кампир!**

Ўзининг бир олам қувончини энг яқин, энг маҳрам билан бўлишмоқчи бўлган “бува”нинг дил сұхбати бунчалар туссиз (аникроғи, одобсиз!) даражага бориб етганини шарҳлаб ўтириш ҳам ўринсиздир.

Ҳозирги инқилобий янгиланишлар даврнинг поэтик жараёнга тааллуқли асосий холосасини шундай тавсифласа бўлади: модомики, партиямиз ошкораликни принцип даражасига кўтарган экан, шеърият замондошнинг мураккаб дунёси бутунлиги ва ёрқинлиги билан – тўла ҳақиқат образлари тарзида ўз ифодасини топиши керак. Бунинг бирдан-бир одилона йўли – турли авлодга мансуб шоирларга, шеъриятни тақдир деб билган, ижодий ёнмай, изланмай туриб, бирон-бир янги образ, бадий кашфиёт яратмасдан шеърини эълон қилмайдиган ҳақиқий талантларга ҳар қачонгидан кенг майдон, эркин иқлим яратиш йўлидир. Фақат ана шундай ижодий намуна – том маънодаги истеъдоднинг образли тафаккур принципига содик қолиши билангина ўртамиёна шеърбозликнинг турли тоифа вакиллари усун жиддий танглик вазияти вужудга келиши, ҳақиқий шеъриятимиз эса янги уфқларга кўтарилиши, янги теранликларни инкишоф этиши мумкин.

## ПОЭТИК ИСТЕЬДОД ВА ПОЭТИК МАҲОРАТ

Шеъриятимизнинг муҳим муаммоларидан бири поэтик фикр билан ҳис-туйғунинг ўзаро нисбати, диалектик бирлиги масаласидир. Лекин биз масалага поэтик истеъдод ва поэтик маҳорат нуқтаи назаридан ёндашиб, унга ўз муносабатимизни билдиromoқчимиз. Шоирона туйғу фикрни ҳарақатга келтирувчи қудратли восита ҳисобланади. Шу маънода шеъриятда китобхон қалбига таъсир этиш йўли билан маълум кайфият туғдириш – уни қувонтириш ё изтиробга солиш биринчи ўрнида туради.

Асл поэзия нуқтаи назаридан ҳар бир шеърий асарнинг муваффақияти, дафъатан ҳиссиёт ва фикрлаш меъёрини тўғри, аниқ белгилаш билан боғлик. Бу масалага санъаткор шоирларнинг алоҳида эътибор беришлари бежиз эмас. Э. Межелайтис фалсафий замини кам бўлмаган шеърларига танқидий ёндошиб, “уларда хароарт, лиризм етарли эмас”, шеъриятда, лирикада қалб тугёни устунлик қилиши керак, деган фикрни илгари суради. Ҳассос лирик Р. Гамзатов ҳис билан фикрни ажратиб бўлмаслигини таъкидлаш баробарида, “агар биринчилик қайси бирида десалар, мен интеллектни, фикрни биринчи ўринга қўяр эдим” дейди. Бу масалада мунозарали қарашлар бўлса ҳам, табиий, ҳеч ким фикр билан ҳис-туйғуни бир-биридан айирмайди, бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Демак, ўртадаги нозик, “сирли бир меъёр” поэтик зарурат сифатида яратилади. Шоир буни ҳар бир шеърида турлича ҳал қилиши мумкин. Бу меъёрни маълум шеърий асар устидаги бутун ижодий иш давомида ушлаб туришнинг аҳамияти катта. Баъзан истеъдод ва илҳом маҳсули бўлган шеърдаги жўшқинлик хусусан сўнги сатрларда сўниб қолади. Улуғ Навоий бундай нуқсонни “адо нодуруст” деб атаган эди.

Кунига ўн икки-ўн уч тонналаб шоли тўкаётган комбайнчи Аскаржоннинг довруғи бутун районга кетган. У жуда пухта ишлайди. нурафшон қуёш биринчи бор жамол кўрсатган чоғдаёқ у штурвал ёнида пайдо бўлади-да, тип-тиниқ тилла ранг денгиз ичига уради ўзини. Ҳар кимнинг севган иши ўзига лаззат бағишлиганидек, Аскаржон ҳам ўз касбининг ошиқи-бекарори.

Набиполвоннинг ўзи ҳам ерини юз гектаргача етказиш, ҳар гектаридан эллик беш центнердан кам ҳосил олмасликка аҳду паймон қилган. Бунга ишонса бўлади. Чунки ҳозирнинг ўзида қирқ беш центнерга етказиб шоли оладиган бўлиб қолган.

Набиполвоннинг кейинги икки йил ичидаги етиштирган ҳосили дастлабки йили бутун совхоз берган ҳосилдан ҳам икки баробар ошиб кетди. Бундай кишилар билан район фахрланади ҳозир. Шунинг учун Кўнғирот эли уни бу йилги сайловда Қорақалпоғистон Олий Совети депутатлигига бир овоздан сайладилар. Мехнатнинг таги роҳат деганларидаи, бола-чақаси билан

ўз меҳнатининг фароғатини сурмоқда энди у. Тагида “Москвич” машинаси. Бир вактлар атрофга лой, сув сачратиб от ердан қайтиб кетиш ҳақида ўйлаганлари, арзимаган нарса учун жаҳл қилиб айрим кишилар билан санумангача борганларини эслайди-ю, ўзидан-ўзи хижолат тортиб, кулиб қўяди.

Машинани ҳам яхши ҳайдайдиган бўлиб қолган. Бир кунда 2–3 бор далани айланиб чиқади. Баъзан шолипоялар этагида турганича узоқ тикилиб қолади. Хаёлга чўмади. Мана шу кўз олдида тебранаётган ҳар бир бошок етилгунча қанча-қанча куч-қувват, кўз нури, юрак қўрини тортиб олади. Унинг барча инжиқликлари, телбаликлари, эркаликларига чидайсан. Тиззангдан сув кечиб, лой-балчиқ кезиб, оёқ-қўлларинг тилиниб, кучли қуюн, изғирин, совуқларга ҳам мардона бардош берасан. Эл ғамини ейсан. Эл-чи? Бир товоқ ош устида мана шу чеккан заҳматларингни бир нафасгина кўз кўз олдига келтирасмикан, эслармикан сени?

Нега эсламасин? Бизда ҳар дона гуруч нондай азиз. Гуручнинг ҳар донаси ғоввос не азоб билан денгиз остидан қидириб топган кўз олғучи инжуга teng, гавҳардай мўътабар. Ош устида қўлингдан бир дона гуруч дастурхонга тушса, уни шу заҳотиёқ авайлаб оласан киши. Оғзингга соласан. Бу нақадар ширин, кўзларингга тўтиёдай кўриниб кетади. Чунки унда сенинг ҳалол меҳнатинг, юрак ҳароратинг, кўз нуринг, энг муҳими элга бўлган эзгу муҳаббатинг яширин. Сен билан етиштирган ҳар донамиз – дурдонамиздир, азиз дехқон!

Баъзан ёш шоирларнинг шеърларида ҳислар устунлиги сезилиб туради. Бу бир тарафдан ёшликтининг табиатига хос хусусият, бошқа томондан худди шу сермавж туйғулар ниятнинг аниқ ифодаланишига, поэтик мазмун конкретлигига халал беради. Ёшлар-ку –ёшлар, ҳатто ўзига хос шеърий қобилияти билан танилиб қолган, маълум тажриба тўрлаган айрим шоирларда (масалан, Сайёр, Тўлқин шеърларида) етарли даражада асосланмаган эҳтирос излари кўринади. Бундай нуқсон баъзан таниқли, тажрибакор шоирлар – ўрта авлод вакиллари ижодида ҳам (масалан, Туроб Тўла, Рамз Бобожон ва Мирмуҳсиннинг айрим шеърларида) учрайди. Бир қарашда ҳислар мавжли, гўё сўз, шеър ўлчовларига сифмаётгандай. Аслида-чи? Бу шоирнинг таассуротлари аниқ меъёр, қўним топмагани, унинг асл нияти билан тўла мувофиқлашиб етмагани, поэтик бутунлик касб этмаганидан далолат беради.

Чунончи, Сайёрнинг бир қатор шеърларида унинг таассуротлари ҳали поэтиклишмагани, шеърий умумлашмалар даражасига кўтарилишмагани сезилиб қолади. Маълумки, шоирона фикр аниқ, конкрет образга айлангандагина поэтик умумлашма яратилади. Асли китобхонни жазб этган санъат, шеърият сири шунда – ҳам аниқликка, ҳам умумлашмага эришиш! Бу

ўқиганда “ярқ” этиб кўзга ташланадиган, фақат шоир топилмаси бўлган шеърий тафсиллар, фақат у кўролган ранглар, шоир қалби уқа оладиган оҳанглардир, эсда қоладиган, қайд этиб ўтишга, ажратиб кўрсатишга арзирли лирик образлар, оригинал лавҳалардир... Афсуски, Сайёрганинг кейинги йиллардаги шеърларидан бундай ёрқин аломатларни топиш қийин бўлиб қолди. Мана, В. И. Ленинга бағишланган янги балладалар парчалар:

...Роса бир аср бурун,  
Волга дарёси гувоҳ –  
Ленин келди дунёга.  
Куёш қилиб ёқди у  
Инсонга юрак кўрин,  
Инсон умри мунаввар,  
Оlam тўлди зиёга!  
...Сувдек сероб яшайди  
Зиёга гўлди этим.  
Ўзбекистон бошидан  
Бахти сира аrimas.  
Чунки порлоқ, зиёбахш  
Сўнмас қуёши – Ленин!  
...Зиёга лим-лим тўлсин!  
Аср йил, ҳар дақиқа.  
Ленин шарофатидан  
Юртимда баланд иқбол!

Бундай мисраларни ҳали шеъриятнинг жозиба сирини унинг моҳиятини тушуниб етмаган бошловчи шоир ёзганида ҳар қалай кечиравли бўлар эди. Наҳотки “Ленин шарофати”, “сўнмас қуёш”, “зиёга тўлди” каби кундалик муомалага сингишиб кетган ибораларни шунчаки келтириб, сатрларни бежаш билан шоир ўз вазифасини адо этдим, деб ҳисобласа? Шеъриятни озми-купми тушунган, қадрлаган киши ўз истеъдодли ва поэтик иқтидорини кўрсата олган Сайёрганинг дастхати, шеърий мухри, умумий тавсифдан, сирти силлик услубсизликдан иборат бўлиб қолаётганини сезмаслиги мумкинми?..

Ижодкорнинг яратиш дарди-оташи, илҳоми ҳаётдан, одамлардан, уларнинг руҳий дунёсидан манба олади, демак, шоирнинг кайфияти, кечинмалари, шеърий чанқоқлиги замирида турли фикр-қарашлар, ҳақиқатлар, ғоялар, маълум ҳаётий мазмун ва мантиқ ётади. Лирикада ҳистийғунинг заруратини (бусиз поэзиянинг нафосати, жозибаси йўқолган бўлур эди) маълум мақсад билан таъкидлаб кўрсатиш жоиз. Ҳаёт, олам, давр воқелиги кўринча кутилмаганда, ғойибона бир куч билан шоир ҳиссиётига ўтади. Бусиз табиатдаги ижтимоий муносабатлардаги, одамлар руҳиятидаги яширин шеъриятни ҳаракатга келтириш, қўзғатиш, тадқиқ қилиш, аниқлаш мумкин бўладими? Ҳиссиётнинг мўъжизакор қуввати поэтик фикрни лирик образларга айлантиради. Зотан, шоирона туйғугина муайян фикр замиридаги яширин гўзалликларни, нозик нуқталарни очиб бериши, тадқиқ қилиши мумкин. Шу тариқа, оқибат-натижа фикр ҳис этилиши билан унда сифат ўзгариши воқе бўлади. Асл поэзия шундай туғилади, бунда оддий фикр поэтик мазмун касб этади, унинг маъно кўлами кенгаяди, тиниклашади.

“Хиёбон”, “Янги шеърлар”, “Ўйлар”, “Бир йил ўйлари”, “Лениннинг жилмайиши”, “Ёшлик девони”, “Онажон”, “Чароғбон”, “Оlam кирав юрагимга” каби китобларидаги, “Йил боши ўланлари”, “Бахор томчтлари”, “Янги китобдан”, “Эстония илҳомлари”, “Ильични ўйлайман” туркумларидаги энг яхши шеърларининг сехрини қўйма, мухтасар сатрларига, саноқли сўзлар лавҳасига жойлаш санъатини шоирона ҳиссиётнинг ўзига хос ички қонуниятларидан қидириш керак. Лекин буни ижодкорнинг ўзигина ҳаммадан кўра аниқ очиб, таҳлил қилиб бериши мумкин... Масалан, Саида Зуннунованинг “Янги шеърлари”ида поэтиклишган эҳтиросни, яъни шоиранинг мураккаб ўйлари, нотинч хаёллари ҳиссиётнинг ғойибона, мўъжизакор кучи ёрдамида бир неча сатрга уюшиб, қовушиб келганини кўрамиз. Бизни шоирона таассуротнинг маъно кўлами, теранлиги ҳам, унинг аниқ ва тиник образларда умумлаштириб ифодаланиши ҳам ҳайратга солади, чунончи, ҳассос шоира яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат кучлари ўртасидаги шиддатли курашдан қаттиқ таъсирланади, бунга муносабатини аниқ ифодалайди:

Одамлар талашар ҳаво, ер, сквни.  
...Бир қуёш порлайди осмонда ғолиб,  
Яхшики одамнинг етмас оёғи;  
Йўқса, олам ярми зулматда қолиб,  
Нурни пуллармиди бошқа бир ёғи!  
Шунда ҳам бари бир бир ватандошим

Қалбини машъала қилиб жаҳонга,  
Одамзод йўлига қшярди илиб.  
Шунда ҳам, бари бир, шу совет халқим  
Занжирбанд қуёшни ҳимоя қилиб  
Кўшин тортар ҳатто осмонга!

Шоирона ҳаётнинг нақадар журъатли, ўқтам парвози бу! Унинг қанотларида қанчалик эзгу, қутлуг, олийжаноб муддаолар юки бор. Кучли эҳтиrossиз бундай аниқ лирик лавҳа – шеърий умумлашма яратиш амри маҳол.

Китобхонлар асосан ёшлардан иборат бўлғанлиги сабабли баъзан ахлоқий-дидактик мулоҳазалар, доно кенгашлар билан чиқиши лирик поэзиянинг ўзига хос табиатига зид келмайди. Аксинча, донишмандлик ўрни ва меъёрини билиб берилса, чанқоқлик билан қабул қилинади. Бу, албатта, шоирнинг ҳаётий тажрибаси, чукур билими, эътиқоди билан боғлиқ. Акс ҳолда, ғашга тегувчи, қадрсиз ва таъсирсиз насиҳатгўйлик, қуруқ ваъзхонлик келиб чиқади. Шунинг учун бўлса керакки, пурҳикмат гапларни, таълимий мазмундаги мулоҳазаларни ёш ижодкорлардан кўра кўпроқ тажрибакор. Йирик санъаткор айтса ярашади. Адабий тажриба маълум ҳикматомуз фикрни шеърият, лирика меъёрларида, жозибали қилиб бериш имкониятини яратади.

Фикрлар поэзияси, фалсафий лирика деб аталган шеъриятда поэтик фикр рационал негизга, муҳокама ва мунозара заминига қурилгани учун бўлса керак, ажralиб, бўртиб туради. Бу жиҳатдан Шайхзода манзумалари, Асқад Мухтор миниатюралари характерлидир. Улардаги муштарак хусусият – фалсафий мушоҳадакорликда, доно ўйчанлиқда. Бироқ бу умумий яқинлик, умумий ўхшашилик, холос. Аслида ҳар қайси шоирнинг ҳар бир шеърида умумият ўрнини конкрет, такрорланмас белгилар олади. Ўй-фикрларга бойлиги жиҳатидан Миртемир ва Зулфия шеърияти ҳам бир-бирига яқин. Лекин конкрет олиб текширганда, улар бошқа-бошқа олам.

Албатта, ҳар бир шоирнинг ўз шеърий олами, мақбул ва севимли йўллари бор. Шоир бошқа ижодкорлар учун муштарак манбалардан фойдаланганда ҳам, ўз иқтидори, характеристи, имкониятлари даражасида харакат қиласи. Миртемир ўзбек ёки кенгроқ маънода Совет шарқнинг бобо дехқони, боғбони, чорвадори, соҳиби ҳунарлари, улар орасидаги қўпни-кечирган донишманд кексалар тафаккуридан, ниҳоятда сайқалланган тилидан, халқимизнинг азалий удумлари мазмунидан юксак дид билан фойдаланади. Булар шоир лирикасининг фикран-мазмунан ҳам, ифодавий

туйғулар томонидан ҳам жозибадор бўлишини таъминлайди. Лирикага эпик элементни моҳирона олиб киришда Миртемирдан кейин Асқад Мухторнинг изланишларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Асқад Мухтор лирикасига хос эпиклик унсурлариFaфур Гулом, Шайхзода ижодида устунлик қилган, Шарқ донишмандлиги инъикос этган чуқур муҳокама, мунозара руҳидан, классик ва ҳозирги рус поэзиясининг бениҳоя бой фалсафий-интеллектуал манбаидан озиқланади, десак хато бўлмас. Асқад Мухтор ҳалқ ҳикматларини, характерли тафсилларини (Халқчил ибораларни ҳам) мазкур омиллар нуқтаи назаридан мушоҳада этади, уларни анализик усулда қайтадан ишлайди. Натижада оригинал лиро-эпик лавҳалар, жонли, гўёки “фикрловчи” образлар яратилади, ҳалқчил рух сақлангани ҳолда унинг талқини, ифодаси, шаклшамойили ўзгаради. Шу тарзда лирикада ҳаётий таъсирларни беришнинг янги бир йўсили, поэтик мазмуннинг Асқад Мухтор қаламигагина мансуб поэтик шакли, намунаси майдонга келади. Шоирнинг “Янги китобдан” туркумига кирган шеърларида эпик элемент ўрнини янги хусусият – файласуфона нозик нуқталарга, ҳаёл ва тафаккурнинг пинҳоний сўқмоқлари, поэтик муҳокаманинг фавқулодда ингичка толаларига разм солиш, уларни текшириш, таҳлил қилиш, руҳий олам сирларидан оригинал мантиқий комбинациялар яратиш билан алмаштираётгани сезилади.

Шоир юлдуз, осмон, тўрғай, чўл табиати, булут, тун, тонг қуши, календарь вараги, дарё, хотиралар, қабр тоши, ниҳол, зарра каби турли мавжудот ва ҳодисалар тимсолида ҳаётнинг тинимсизлиги, каби чексизлиги, унинг буюк жозиба қуввати, инсоннинг ҳамишалик безовта ўйлари, бўйсунмас туйғулари, гўзалликка, ҳақиқатга доим чанқоқ табиати ҳақида айтилмаган, такрорланмас бир оҳангда, ўша ўй, ўша туйғуларнинг табиий таровати, жозибаси билан ифодалайди. Чунончи, тим қора осмонда, мангулик масофада жимиirlаган юлдуз шоирнинг дунё, умр, инсон ҳақида шундай узоқ, шундай сирли ўйларига сабаб бўлади. Айни шу абадият, чексизлик мавзуи бундан сал аввалроқ “Мева” номли фалсафий шеърда қаламга олинган эди, “Юлдузим...” шеърида бу давомли ўйлар образи ичida яна бошқа ҳиссий образлар яратилади. Ҳаёт бу чексизлик, абадият “сирларининг гўё бир эрмаги” бўлиб кўринса ҳам инсон ҳамон безовта, “кичик умрини шу буюк сирларга бағищлаб” яшайди, юксакликка, “кўкка интилишини тарқ этолмайди”... Ёки тўрғайнинг чексиз кўк сатҳидан шу қадар эркинлик, бемалоллик билан, шк қадар баҳтиёр ва мастона кайфиятда куйлашидан шоир “азалдан то абад” (Навоий) боқий ва собит хилқатга буюк мадхия ўқигандай бўлади.

Буюк сукунатни солар ҳайратга

Дейсиз: бутун борлиқ шунга қарамми?

Мурғак қалб ундаиди абадиятга,

Куйга тўлдираман дейди оламни.

Хаёл ва тафаккурнинг ғойибона парвозларини ажиг бир тийранлик билан уқиб, маҳорат билан шеър сатрларига кўпинча олган шоир баъзан ноаниқликка йўл қўяди. Буни мен ҳар бандида “Қандоқ тирикчилик қиласиз, хотин?” мисраси тақрорланиб келувчи сарлавҳасиз шеърида кузатдим. Унда жуда муҳим фикр – инсоннинг маънавий-руҳий гўзаллиги ғояси илгари сурилади. Авваллари тирикчилик муаммоси асосан моддий эҳтиёж билан белгиланар эди, маъмурчилик бўлгани сари “яшаш қийин бўлиб қолди”. Бу – бугунги фаровон, нурхона ҳаётимиз, уни қадрлаш ҳақида ўйлашга даъват этадиган, битта шеърга яхши мазмун берадиган фикр. Лекин, кузатган муддао кўнгилдагидай аниқлик, ёрқинлик топмагандай, демак, шеър бадиий тугалланмагандай туюлади.

Бугунги шеъриятимиздаги фикрий теранликка тамойил, фалсафий изланишлар ҳар бир ҳассос шоирнинг янги поэтик имкониятларини тадқиқ қиласиди. Кўп қиррали истеъдод соҳиби, лекин биринчи навбатда иқтидорли шоир сифатида машҳур бўлган Ҳамид Ғуломнинг “Эстония илҳомлари” “Қитъалар уйғоқ” туркумларида, замоннавозлик ва пафос билан ёзган янги шеърларида устози Ғафур Ғуломга хос наърадор, салмоқдор фикрлаш усули алоҳида кўзга ташланади. Шоир лирикасида ўзига хос зарбдор, жарангдор, эҳтиросли публицистик руҳ ҳоким. Поэтик публицистика давр ва давр аҳли ҳақидаги ўй-ҳислар салмоғини кўрсатиб туради. Бугунги шеъриятимиздаги жанговар публицистик йўналиш ҳақида гапирганда, биринчи навбатда Ҳамид Ғуломнинг энг яхши шеърлари намоён бўлдаи.

Поэтик фикрлашда, таассуротларни тақрор муҳокамадан ўтказиш, таҳлил қилишда Саида Зуннунованинг ўз йўли, Жуманиёз Жабборовнинг ўз таомили, Ҳусниддин Шариповнинг яна ўзгача йўсини, Азиз Абдураззоқ ва Юсуф Шомансурларнинг ажralиб турувчи белгилари – севимли усули, ўзининг шеърий муҳри – услуби бор. Бу ҳозирги поэзиямиз қиёфасини, бой рангинлигини кўрсатувчи муҳим бор омилдир.

Шеърий мазмун ва шакл масаласини текшириш ҳозирги поэзиямиздаги реал манзарани аникроқ тасаввур этишга ёрдам беради. биз одатда мазмун ижодхонасида туйғулар – ғоялар билан шеърий нисбатлар – образлар асосан бирга туғилиб, бирга ривожланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Аммо шеъриятнинг ўзига хослигини, унда мажозийлик, образлилик ўзгача характерга эга эканини, шеърият поэтикаси, масалан, прозага нисбатан шоир эркини кўп жиҳатдан чеклаб қўйишини эътибордан қочириб бўладими? Шунга қарамай, шоир биринчи навбатда мазмунни – ўз ниятини, унинг қизғин бир таассурот тарзида намоён бўлган конкрет образини диққат

марказида тутади. Бинобарин, масаланинг қийин томони ҳам шундаки у айни бир вақтда бу мазмунни маълум шеърий андозада шаклсиз тасаввур этолмайди, зеро шоир фикрлари, ўйлари одатдаги ўй-фикрлар эмас, балки улар шеърият меъёрларига, талабларига мосланган, поэтиклишган характер касб этгандир. Шунинг учун шеърий шакл зарурати поэтик фикрлашнинг зарурати билан белгиланади, бу ҳақиқат мазмуннинг ўринини таъкидлаб туради.

Шоир кўпинча ўз таассуротларига қўним, тартиб, меъёр тополмай юради, бунинг маврудини кутади, тараддуудда бўлади, хуллас, шаклнинг, ифоданинг зарурати унга доим сезилиб туради. Агар шакл муаммоси осон ҳал қилинганда, эҳтимол ижодкорлиқда катта мушкулот бўлмасмикин... ҳаётга шоирона назар солиш, ундаги шеъриятни илғаб, ажратиб олишга истеъдод ва эҳтирос кучи қанчалик керак бўлса, муайян таассуротга, шеърий ниятга монанд шакл яратиш, меъёр белгилаш ҳам шунчалик муҳимдир. Миртемир шахсий бир суҳбатда “Онагинам”, “Қорақалпоқда Тошкентни соғиниши” каби шеърлари қандай яратилганини ҳикоя қилган эди. Дастлаб шоир кўнглига бу шеърларнинг руҳи, маъно асоси эзгу бир муддао бўлиб кирган, узоқ вақт ботинида яшаган, қалб хотироти билан қўшилган, лекин ўй-ният то кучли дард, шеърий зарурият даражасида конкрет таъсиrlаниш тарзида етилмагунча шоир уни қандай ифодалашни билолмай юрган. Бу мазмуннинг моҳиятига, ҳаракатига, характерига монанд, рангин бир шакл топиш, янги меъёр белгилаш қийноғи эди. Миртемир унга узоқ бехаловат изланишлар орқасида эришди.

Албатта, шоирнинг ўз ниятини ифодалаш йўлидан ижодий заҳмат ва машаққатлари фақат “шакл топиш” қийноғидагина эмас. Унинг ўй-муддаоларига аниқ меъёр тополмай юриши, неча бор қўлига қалам олганида ҳам, бари бир ёзолмаслиги ёки ёзганлари кўнгилдагидай чиқмаслиги кўпинча каттароқ сабаблар билан боғлиқ бўлади. Маълумки, шеъриятга мазмун берадиган ҳам, унга қиёфа, сайқал киритадиган ҳам ҳаётдир. Шунинг учун ният, муддао, таассурот кечинма чукур асосланмагунча, ҳаётий, руҳий эҳтиёжга айланмагунча: расо, бутун ва ёрқин шеърий асар майдонга келмайди. Бугунги поэзиямиз тараққиёти ҳам мазмунан, ҳам шаклан вазни енгил, хом ва нотамом шеърларни мумкин қадар сиқиб чиқараётганига қарамай, ҳамон бундай нуқсон мавжуд экан, бунинг асосий сабаби ҳаёт воқелигини, одамлар рухиятини чукур идрок қилиб, ҳис этолмасликда, таассуротлар доирасининг торлигига, саёзлигидадир.

Баъзан мазмунан анча пишиқ ишланган, мантиқан асосланган шеърнинг бадиий ожизликлари бўлади. Бундай нуқсонни бартараф этиш асосан шеър ёзилгандан кейинги заргарлик меҳнатини, бадиий пардоз

санъати охирига етказилишини тақоззо қилади. Бу – жуда муҳим. Шеърга сайқал бериш жараёнида аввал бежирим кўринган ёки аниқ сезилмаган формал камчиликлар, баъзи бир мавҳумликлар аён бўлиб қолади.

Поэтик сайқал масаласига салгина бепарволик билан қараш ҳатто шеърий иқтидорга эга бўлган, китобхонларнинг хурматини қозона олган шоирларимизда ҳам ора-сира қўриниб қоляпти. Ҳусниддин Шароповнинг бири биридан жозибаси кучли, мазмунан бутун, расо, бадий жиҳатдан тугал ва рангин достонларини ким билмайди! Унинг Ленинга бағишлиланган манзумаларида, давр ҳақиқати, социалистик воқелигимизнинг муҳим, тлғор унсурлари тарихий-инқилобий ҳодисаларнинг умумлашма тасвири билан, унтилмас саналар, доҳий номи билан боғлиқ табаррук хотиротлар, нодир ҳужжатларнинг шеърий образи билан қўшилади. Шоир таассуротлари гоҳ публицистик қайдлар, гоҳ шеърий ҳикоялаш, қиссаҳонлик усулида, гоҳ суҳбат-баҳс йўсинида берилганини кўрамиз... буни қарангки, мана шундай ўткир қаламга эга бўлган бир шоирнинг “Меҳнат ва турмуш” журналида эълон қилган шеърларида поэтик шакл устидаги ишни меъёрга етказмаганлиги кўзга ташланади. Мана “Мустаҳзод усулида” шеъридан бир неча сатр:

Ўз бағрига тортар мени тобора дарахтзор гўёки сехргар,

Кўнглим узилиб қолди чинор, тол ва эманда, не чора ? бу ҳам кам!

Таъзим қиласман Сизга, ниҳолларга! Ва лекин мен қайга урай бош,

Икки кема ёлин тутайин энди, деганда ғарқ бўлгуси одам.

Шеърнинг бошқа сатрлари ҳам мана шундай – поэтик жиҳатдан тарашлиланмаган. Ёки шеър шоирнинг институтдош ўрмончи дўстига бағишиланиб, юмор билан ёзилганлиги бундай нуқсонни озгина бўлсин оқлай оладими? Бунда чуқур маънолар тақозо қиласиган мураккаблик ҳам йўқ, асли фикрдаги жўнлик, одмиллик шаклнинг ҳам ортиқ бепардоз чиқишига олиб келади...

Юсуф Шомансур ҳам фикрловчи, изланувчи шоир. Муҳими, унинг ўз овози, ажойиб топқирлиги бор, шеърларида мазмун теранлигига, шакл рангинлигига интилиш тобора кучайиб бораётгани сезилиб туради. Лекин Юсуф Шомансурнинг айrim шеърларида, қатор сатрларида ҳам поэтик сайқал иши меъёрига етказилмаганлигини учратамиз. Биз одатда ёш шоирнинг кучли, эҳтиросли шеърларидаги шаклан “хом ва нотамом” (Навоий) ўринларга шеъриятимизнинг ҳозирги талаблари нуқтаи-назаридан танқидий ёндошамиз. Бас, нега энди баъзи тажрибали шоирлар поэтик, шакл

яратиш соҳасидаги ўз имтиёзларидан фойдаланиб, биринчи масала саналган поэтик мазмунга, унинг янги, оригинал, салмоқдор бўлишига кам эътибор қилишларига бефарқ қарашимиз керак? Ёзиш техникасини бекамикўст билган бир шоирнинг ижод, яратиш дардини тортмасдан фақат малака билан, оддий ва маълум ҳақиқатларни шеърий истеъмолдаги сўзлар орқали, уларни анчайин укув, эътибор билан ишлатган, ҳатто бадиий равон, мусиқий сатрларда ифодалаган шеъридан адабиётта, унинг ривожига жиддийроқ бир наф етиши мумкинми? Таассуфки, аввал бўлганидай бугунги шеъриятимизда ҳам сиртидан бенуксон, ҳатто виқорли кўринган, фақат либоси билан бир нави қизиқиш туғдирувчи шеърлар оз эмас. Поэзиямизнинг тарихий йўлидан маълумки, ҳар қандай бежирим, сайқалланган форма мазмунидаги айни, такрорий, эскирган фикрларни беркитиб, ёпиб кетолмайди. Бу жиддий даъвони далиллаш учун бир-икки мисол келтирайлик:

Сендадир хаёлим, сенинг хаёлинг  
Ўзга бир одамда, яхши биламан.  
Аммо узолмайман кўнглимни мендан,  
Толеим шу бўлса қандоқ қиласман.

Янги бир шеърдан олинган бу сатрлар ўзбек совет адабиётида баҳор тароватини, бағри сахий олтин кузимиз хосиятларини, ундаги сирли-сехрли шеъриятни кашф этган, интим ва манзара лирикасининг, меҳнат ва жанговарлик лирикасининг айрим классик намуналарини бера олган, чин маъноси билан халқ шоири Уйгуннинг қаламга мансуб... Биз севимли шоиримизнинг поэтик иқтидорига, улкан ҳаётий ва адабий тажрибасига ажойиб лирик, мусиқий созига монанд, ўзимиздагина эмас, Иттифокимиз доирасида ўзбек шеъриятининг обрўсига обрў қўшадиган тўла маънода янги шеърларни, янги тутилмаган образларни қутамиз ва бунга ҳақлимиз. Шунинг учун ҳам отахон шоирнинг ўрта даражадаги шеърлар ёзиш билан қаноатланганига ишонгимиз келмайди. Ҳа, юқоридагидай бандлар, шеърлар кишини нокулай бир вазиятда қолдиради: уларга на ўртадан юқорироқ, на қуи баҳо бера оласиз. Негаки, бунда маълум ҳаётийлик, мантиқийлик, маълум туйғу бор, бундай мисраларда юқорида қайд этилган “устанинг қўли” сезилиб туради. Афсуски, бунда янги фикр, изланиш, янги топилма, образ ўрнига аввал бошқа сўзлар билан айтилган, ҳатто шоирнинг ўзи томонидан бир вақтлар ишланган фикрлар, такрорий образлар “қайта ишланади”, “сайқалланади”.

Улуғ Навоий салмоқдор ва ғоят теран мазмунга хизмат қилувчи турли хил ранглардан самарали фойдаланганига қарамай, сўзга зеб беришга, санъатпардозликка қарши: “Эй Навоий, санъату рангни қўй, сўзда керак дард

ила сўз” деган эди. Бугунги шеъриятимизди шоирнинг фикрлаш, ҳиссиёт оламидан кўра сўз оҳанглари, ташки жиҳозлар кўпроқ ажralиб турган шеърлар ҳалигача ўрин олиб келиши, бу ҳатто баъзи таниқли шоирларимиз ижодида содир бўлиши ҳайрон қоларлидир. Масалан, Туроб Тўланинг айrim шеърларида сўз ортиқ даражада таранг тортилиб, эшилиб, буралиб берилишини кўрамиз. Мана, қуидаги сатрларга разм солиб кўринг:

Мен уни севаман боладай талашиб,  
Қалбининг қалови қалбимга қалашиқ.  
У мени ясатди баҳт билан  
Илгига бош қўйиб йиғласам ярашур.  
Сўрайдилар: бу кимнинг, бу кимнинг ватани?  
Мен дедим: бу менинг, бу менинг ватаним!

Бу мисралардаги шоир ўзи ёқтирган қандайдир мутаносиблик, сўзлар тартиби, оҳанг такори ҳам мазмун салмоғидан, чукур ички заруратдан кучли ҳиссиёт мавжларидан эмас, шунчаки шакл ўйини, ранг ва оҳанг ўйинига маҳлиёликдан туғилади, бу шоир фикрларини “тўлғаб”, анчайин паришон, анчайин нотайин бир ҳолатда қолдиради. “Боладай талашиб”, “Қалови қалашиқ”, “гулдайин ясатди” каби Туроб Тўла услуби учун характерли иборалар ҳам майли-я, мен “илгига бош қўйиб йиғласам ярашур” мисрасини ўқиб таажжубда қолдим. Албатта, “илги” (асли “илки”, дейилади), яъни қўлига эмас, пойига – оёғига бош қўядилар. Буни шоир билади. Сўзга зеб бериш оқибатида билиб турганини унутади. Сўнгра, Ватаннинг пойига бош қўйиб йиғлаш ҳам мумкин дейлик, бироқ шу шеърда, шу топда бунга зарурат бормиди, агар зарурат бўлса, шоир буни мантиқан асослаши керак эди.

Поэзияда мазмун билан шакл бирлигини яратувчи муҳим омиллардан бири шеърий мантиқийлиқдир. Маълумки, шеъриятда адабиётнинг бошқача турларига қараганда шартлилик принципи кучли. Масалан, насрий тасвирдаги замон вамакон бирлиги, мутаносиблиги, тадрижийлиги талабини лирикада осонгина ўзгартириб юбориш, шоир хоҳишига, илҳом эрки, хаёл фантазиясига мослаб ҳар гал янги усулда қуриш мумкин. Шоир имкони бўлмаган, одатга кирмаган, таомилга сиғмаган ҳоллардан, кутилмаган нисбатлар, ғайри оддий муқоясалардан фойдалана олади. У турлича лирик чекинишлардангина эмас, маъно ва шеърий мусиқа товланишларида, шеърий бўёқлар рангинлигига, турли хил мажозларнинг бир-бирига жило берувчи кирраларида ниҳоясиз, чекланмаган имкониятларга эга. Шоир жўшқин ҳис қилган, алоҳида укув билан топган ҳар қандай янги нарсада у айтмоқчи

бўлган фикр, ғоя билан маъно мувофиқлиги, мантиқ бирлиги яратилиши керак.

Санъат асари маълум ҳақиқатни поэтик ҳақиқат тарзида ифодалаш билан киши қалбини, руҳий дунёсини, ботинийкучи ва имкониятларини очиб беради. ҳар бир бадиий етук асарнинг майдонга келиши китобхон учун объектив ҳодисагина эмас, унинг шахсий дунёсини, ўзлигини, маънавиятини ҳам маълум даражада кашф қилишидир. Бир қанча янги шеърий китобларда, шеърий туркумларда бугунги хуштаб китобхон кўнглидаги ўйлар, унинг табиатига, дидига мос оҳанглар, ранглар мавжуд. Бу ҳали катта шеърият намуналари, фавқулодда янгиликлар, шеърий дурдоналар бўлмаса ҳам шу йўлдаги муҳим бир босқич, ишончли замин, мамнуният билан қайд қиласа бўладиган кўнгилли ижодий муҳит, ижоди вазиятдир.

### **Ҳаёт ва шеърият**

## НИЯТ ЯХШИ, ЛЕКИН...

Ўзбекистондаги педагогика институтлари рус тили ва адабиёти факультетлари рус филологияси талабалари учун ўзбек адабиётидан кўлланма яратишга уриниш – яхши ният, лекин, шу билан баробар, бу ғоят масъулиятли иш. Такриз қилинаётган “Ўзбек адабиёти тарихи” китобига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, жиддий эътироzlар туғилади. Албатта, бу ишга озми-кўпми меҳнатсарфлаганини эътиборга олганда, рус тилида биринчи марта ўзбек адабиёти ҳақида маълум даражада тасаввур берувчи оммавий – сухбат руҳидаги бир китоб яратилган дейиш мумкин. Авторларнинг адабиётимиз тарихига оид мавжуд илмий ишлардан ташқари, баъзан асл манбаларга мурожаат қилгани, айрим асарларга мустақил баҳолари сезилади.

Лекин китоб ҳозирги ҳолатида педагогика институтлари рус филологияси факультетлари талабалари эҳтиёжига жавоб бера оладими, йўқми – бутун гап шунда. Узоқ тарихи бўлган бой ва катта адабиётимизни ўртacha ҳажмдаги бир китобда бериш осон эмас. Аммо қийинчилик масалани жўнгина ҳал этишга, соддалаштириб юборишга, ҳатто қатор чалкашликларга олиб келмаслиги лозим. Иқорор бўлиш керак, китобдаги турли янглиш, хато ўринларни, жуда кўп оддий нуқсонларни кўриб туриб, авторнинг бирмунча хизматларини қайд этишга ҳам истиҳола қиласи киши.

Гап шундаки, китобнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққанда, унда кўлёзмадаёқ тузатилиши лозим бўлган талай ўринлар бор. Маълум шоир ё адиб ижодини баҳолашда ортиқ даражада дангалчилик, баъзан таваккалчиликка майл берилади; бирор асар устидаги таҳлил баъзан оригиналдан узоқлашади, баъзида унга зид келади, бу, шубҳасиз, китобнинг путурини кетказади. Бундан ташқари, адабиётимизнинг айрим даврлари, айрим вакилларига баҳо беришда, турли масалаларни талқин қилишда эскича, хато қарашлар такрорланади. Умуман, китоб мундарижаси хусусида мулоҳаза юритишдан, бирор фойдали таклиф айтишдан аввал ундаги бор нуқсонларни ўз тафсилоти, ўз далолати билан бир бошдан муҳокама қилиб кўриш мақбул.

Китобда айрим шоирлар ижоди ё маълум бир асари ҳақида ноҳақ гаплар, мавҳум, ортиқча фикрлар учраб туради. Чунончи, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул ҳақойик” достони бутунлайига реакцион-мистик асарлар сирасига қўшилади (13-бет), авторлар шоирнинг тараққийпарвар маърифий қарашларидан, илғор ахлоқий даъватларидан, достоннинг бадиий қимматидан кўз юмадилар. XI асрнинг улуғ адиби Юсуф Хос Ҳожиб умуман тилга олинмаган ҳайрон қолдирадиган кишини. Бундан сезиладики, китоб

авторлари қайси бир шоирда диний руҳдаги сатрларни кўришса, буни четлааб ўтиш йўлини тутадилар. Ислом ҳоким идеология бўлган замонларда адабиёт, санъат диний пардага ўралганини, ҳатто унинг моҳияти идеализм-сўфизм билан боғланганини (гарчи дунёвий шоирларнинг пантеистик қараашларида моддий борлик улуғланса ҳам) инкор қилиб бўладими? Халқ севиб, ардоқлаб, сайқал бериб келаётган классик кўйларимизнинг пайдо бўлиши ҳақида диний ривоятлар тўқилгани ҳам шу билан изоҳланмайдими? Масалага бундай ёндашиш, айтайлик, 30-йилларнинг муросасиз синфий қураш шароитида, қисман, 30-йилларда, адабий-маданий обидаларни биринчи марта марксистик баҳолаш даврида узрли ва маълум даражада лозим ҳам эди. Шу ўринда бир-икки фактни эслаб ўтамиш. 1968 йилда “Искусство” нашриёти “Қадимий Рус санъати” китобини чиқарди, унда диний мифология асосидаги расмлар, рус халқ усталари ишлаган бут ва санамларнинг бир қанча тасвиirlари ўрин олган. Санъатшуносларни диний мазмун “чўчитмайди”, уларни қадимий халқ санъати, санъаткорлар ижоди қизиқтиради, холос. Ҳамид Олимжон 1943 йилда Москвада ўзбек адабиёти ҳақида маъруза қиласар экан, Аҳмад Яссавийдек мистик шоир ижодини туркий (ўзбекча) шеърий тилнинг, сўз санъатининг қадимий обидаси сифатида баҳолаган эди. Ҳар ҳолда, фалсафадан, атеизмдан чукур таҳсил кўрувчи бугунги талабалар иқтидорига ишонишга, масалага илмий ёндашишга ҳамма асослар бор. Адабиётшунослик фани Ф. Энгельснинг Гёте ижодига, В. И. Лениннинг Л. Толстой ва Горький ижодига берган баҳоларига кўпдан амал қиласди. Чунончи, Е. Э. Бертельс форс адабиётининг буюк намояндаларини, шу жумладан, машҳур сўфий шоирлар ижодини (Масалан, Жалолиддин Румийни) шундай марксистик нуқтаи назарда туриб объектив текширган, уларнинг сўз санъатига (диний мазмунидан қатъи назар) юқори баҳо берган эди.

Китобда деярли бир қолипдаги жумлалардан ташқари, баъзан таваккалчилик билан айтилган гапларга дуч келамиз. Масалан, “Хоразмий ўз шеърларида (аксари лирикасида), эзувчиларга қарши халқ норозилиги акс эттириди” (15-бет), дейилади. Бундай катта даъвога “Мұхаббатнома” муаллифидан далил қидириш ўзи ўринсиз. Ундан ташқари, авторлар темурийлар ҳукмдорлиги даврида туркий тилдаги адабиёт ривож топганини таъкидлаб, бу тил “ўша вақтларда чигатой тили деб юритилади” (10-бет) дейдилар. Бу қачон, қаерда айтилган? Манбалардан маълумки, “чигатой тили” асли Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой (Ўрта Осиё унинг улуси ҳисобланган) номи билан боғлиқ номавзун бир мавҳум бўлиб, уни XIX асрнинг II ярмидан эътиборан, дастлаб, Европа олимлари ишлатган.

Шарқ шеъриятида, муҳаббат лирикасида анъанага айланган турли усулларни, кинояларни, нозик ишора, нозик оҳнгларни яланғоч шаклда

тушуниш шоир қарашларини, шубҳасиз, нотўғри талқин қилишга олий келади.

Авторлар ёзадилар: “Атойи муҳаббатда вафосизликни, раҳмсиз, мағур, маккор соҳибжамолликни аёвсиз қоралайди” (19-бет). Тўғри, Атойи, бошқа дунёвий шоирлардаги каби, маъшуқани ағёрга боқиб, ошиққа илтифотсизлик, жабр қилишда, макр ва жоду ишлатишда, вафосизликда “айблаган” ғазаллар кўп. Аслида шоир маъшуқани чиндан қоралайдими? Бу, аввало, қизларга хос нозу истиғнога қарши норозилик ифодаси ё ундан ошиқона шикоят, ё бўлмаса ушшоқ аҳлининг ўз ахволидан, баҳтсизлигидан нолиши эмасми? Бу, бизнингча муҳаббатнинг табиий дардини, қийноғини билдиради. Чуқурроқ маънода тушунсак, шоир “раҳмсиз, мағур, маккор, вафосиз” маъшуқа орқали замоннинг шахс эрки, муҳаббат эркини поймол қилувчи кучларига, “тақдири азал”га пинҳоний норозилик билдиради, баъзан бу очиқ тус олиб, зулмга, зоҳид жаҳолатига қарши йўналтирилиши ҳам мумкин. Бу, ҳар ҳолда, исботланган ҳақиқат. Маълум бир дунёвий шоир маҳбубага қанча таънаю гиналар қилмасин, ундан ҳеч қачон нафратланган эмас, аксинча, унинг сўнгсиз ҳасратлари замирида чуқур самимият, меҳр, фидойилик ҳислари ётади. Мана Атойидан характерли бир байт:

Лутфукарамингни сен агар мендин аясанг,

Жавру ситаминг лутфу карамдур манга, эй дўст.

Дунёвий адабиётда вафосизлик, раҳмсизлик, мағурларлик, маккорлик қораланган сатрлар эса, аксари ҳикмат тарзида берилади. Улар реалистик характерга, ижтимоий мазмунга эга бўлади. Бас, бундай сатрларнинг анъанавий идеал маҳбубага қаратилиши мантиқсизлик бўлур эди. Прогрессив шоирларнинг пантеистик дунёқараши оқибат-натижада илоҳиёт билан боғланса-да, унда реал борлиқ эътироф этилиши, зоҳидона уйдирмаларнинг қаттиқ танқид қилиниши муҳим ижобий ҳодисадир. Шу маънода Навоийнинг ўзига хос пантеизмини мистик сўфиийликдан фарқ қилмаслик тўғри бўладими? Китобда, “Ҳайратул-аброр” таҳлилида бу яққол сезилади (26-бет).

Маълум шоир ижодидаги ижтимоий мотивларни ошириб кўрсатиш ҳодисаси Мунис Хоразмий хусусида гап кетганда ҳам () юқорида “Муҳаббатнома” авторига айтилганидек такрорланади: “...ўз асарларида меҳнаткаш ҳалқнинг ғазабини, унинг эксплуататорларга бўлган нафратини акс эттириди” (40-бет). Ажойиб санъаткор, тараққийпарвар шоирлар ижоди бундай зўрма-зўраки даъволарга муҳтоҷмикин?

Аниқ манбага суюнмаган таҳминий гапни Фурқат ижоди баҳсида ҳам учратамиз: “у рус шоирларининг қатор шеърларини ўзбек тилига таржима қилди” (48-бет). Қайси шеърлар ҳақида гап боряпти? Бу дъяворнинг далили

борми ўзи?!. Ёки Муқимий ҳақида: “Муқимий улуғ рус халқи билан яқинлик ва дўстликни ўз юртининг келгуси тараққиётида, зулм ва жаҳолатдан халос бўлишда энг муҳим шарт деб билди” (51-бет). Бундай дангалчиликка Муқимий ижоди, ижтимоий қарашлари етарли материал берадими? Авторлар асосланмаган эски нотайин фикрни такрорлаб: “Муқимий “Баччағар” шеърида 1898 йилги Андижон қўзголонинг бошлиғи Мухаммад Алини фош қилди” дейдилар (50-бет). Бундай бир ёқлама хато қараш жадидларга (уларнинг прогрессив қатламини ажратмай) берилган баҳода ҳам очиқ сезилади (106-бет).

Китобнинг совет адабиётига бағищланган қисмида ҳам маълум асар, ундаги бирор образ ё умуман ёзувчи ижодига оид талай номаъқул, жўясимиз гаплар бор. Мана, “Бой ила хизматчи” ҳақида паришонхотир ёзилган бир жумла: “Драма эски тартибларни тиклашга уринган маҳаллий буржуазияни фош қилади” (62-бет). Ҳамза Ҳакимзода Холматнинг индивидуал қиёфасини чизиш билан кифояланмай, муҳит таъсирида унинг тушунчасида юз берган ўзгаришни – характер такомилини ҳам кўрсатган. Холмат Ғофирга аввалданоқ “ўз одамим” деб самимий муносабатда бўлган эди, пировардида, бу “чапани”нинг тамом кўзи очилади, балки инсоний қалби ҳам очилади: у эксплуататорларни шарманда қилади, Ғофирнинг исёнкор дўстлари қаторига киради. Китоб авторлари бўлса Холматни жиддий тус билан бўлса Холматни жиддий тус билан нуқул “дўппослайдилар” (109-бет). Улар “Бой ила хизматчи”дек ажойиб манбага эга бўла туриб, эксплуататорлар таърифида асардан узоқлашиб, сийقا, туссиз гапларни ёзишади: Ҳасан элликбоши “одамларни уятсизларча талайди”, имом-домла “худога ишонувчилардан пора олади” (109-бет). Бундай мантиқсизлик Ҳамзанинг инқилобий қўшиқларини классик шеъриятимизга қарама-қарши қўйишида ҳам сезилади (107-бет).

Адабиётнинг маълум давларига, ёзувчилар авлодларига эскича қарашлар билан ёндашилгани сезилиб турибди. Ноҳақ унутилган ёки ижоди зиддиятли шоирлар асарларини одилона қайта баҳолаш чин гражданлик, чуқур билим талаб қилади. Аввало, марксизм-ленинизм қоралаган миллатчилик идеологияси ва унинг ашаддий намояндаларидан миллатчилик таъсирида ҳам асарлар ёзган, яъни дастлаб адашиб юрган, лекин ҳаёт ва давр тақозоси билан тўғри йўл топишга, заифликларини тузатишга бел боғлаган санъаткорларини фарқлаш керак. Чўлпоннинг 30-йиллардаги ижоди (айниқса, кейинги “Соз” тўплами) шоирнинг қўлига янги қувноқ соз олганини кўрсатади. Бу “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки” (!-том)да ҳам таъкидлаб ўтилган. Китоб авторлари бу зиддиятли шоир ижодининг такомили ҳақида индамай, уни эски хипчин билан “савалаш”да давом этадилар (66-бет).

Масъулиятсизлик, таваккалчилик, чунончи, “Ўтган кунлар” баҳсида ўз изини қолдирган. Романда акс этган давр бир жойда “XIX аср охири – XX аср бошлари” (130-бет), бошқа жойда “XIX асрнинг II ярми – Туркистоннинг Россияга қўшилиши тугалланган давр” (131-бет) дейилади. Маълумки, муҳаббат, оила масаласида Отабекнинг қарашлари янгича, айни замонда у социал адолатсизликка қарши туради. Шу муносабат билан, таажжуб, Юсуфбек ҳожи фақат ота бўлғанлиги туфайлими, гўё эски тартибларнинг асосий ифодачисига айланади, авторлар ота-бала муносабатини бекордан кескинлаштиришга уриниб, уни биринчи ўринга олиб чиқадилар (131-бет). Бундан аввалроқ (обзорда) эса, “Қодирий кўпинча ўтмишни идеаллаштиради” деган эскирган фикр қайтарилади (62-бет).

Маълум бир асар устида етарли асос бўлмаган ҳолда танқидий мулоҳаза юритишдан хунуги йўқ. Ҳамид Олимжоннинг “1924 йилнинг 22 январида Самарқанд” шеъри таҳлилида ана шундай вазиятга дуч келамиз. “Поэмада (?) Ленин – инсониятнинг халоскори. Доҳийнинг поэтик характеристикиси учун бундай ташбих муваффақиятли эмас” дейилиши кишини таажжубда қолдиради. Нега энди Ленин сиймосининг муҳим бир нуқтаси – унинг, масалан, Шарқ халқлари халоскори эканини бадиий акс эттириш номақбул бўлар экан? Чамаси, шоирнинг халқнинг оғзаки ижодига яқин қўтаринки-романтik услубини авторлар унча хуш кўрмайдилар. Бу Ленининг тарихий роли “талаб қиласиган” йўл эмасмиш (141 – 142-бетлар). “Роксананинг кўз ёшлари” таҳлилида ҳам бир-бирига зид гаплар айтилади. “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки”нинг биринчи томида (обзорда) Роксананинг бениҳоя оғир, табиий равишда, саросимали ҳолатидан “айб” топишга беҳуда уриниш бўлган, бу хато II томда (Ҳ. Олимжон ҳақидаги очерқда) тузатилган эди. Ўша рад этилган эски хато яна қайтарилади: “Балладанинг баъзи қисмларида Роксана образи алланечук изтироб рамзига айланади”. Жуда соз! Бу изтироб рамзи, бизнингча, уруш даҳшатлари рамзи, унга қарши доимий ғазаб ва нафрат рамзи бўлиб қолади! Қўтаринкилиқ, мардлик рамзини керак бўлганда бошқа образлар (масалан, жангчи Турсун, унинг онаси) ифодалай беради. шоирнинг ҳайтдаги турли ранг ва оҳанглардан фойдаланиши, бир-бировига ўхшамайдиган образлар яратиши ижоднинг энг яхши мезони-ку! Авторлар давом этиб: “...баллада образлари учун ҳаётий деталлаштириш ва конкретлик етишмайди” (148-бет) дейишгача борадилар. Хаёлга келганини яхшироқ ўйлаб кўрмаслик орқасида туғилган бу хил “танқид”га, шубҳасизки, яна шоирнинг севимли романтик бўёклари “сабаб” бўлган. Очифини айтганда, санъаткор шоирнинг тўла шаклланган, эътибор топган шеърий услубига, севган усулларига бу хилда эътиroz билдиришни холис илмий қараш деб бўлмайди. Яна Ҳамид Олимжоннинг асарларига, умуман, дахли йўқ гапларни ҳам учратамиз: “Шоирнинг

урушгача бўлган кўпчилик шеърларида хушёрликка чақириқ эшитилади. У уфқда қора булутлар тўпланаётганини кўради” (145-бет). Ажабо, бу гаплар Ҳамид Олимжоннинг қайси “кўпчилик шеърлари”га тааллуқли?..

Китобда Ойбекнинг “Навоий” романи ҳакида сўз кетар экан. Навоий “мавжуд тартибларнинг лоақал стихияли деҳқонлар демократияси рамкасидаги душмани ҳам эмасди...”, “шоирнинг фаолияти қанчалик прогрессив бўлишига қарамай, у синфий ва тарихий маҳдудликдан халос бўйлумайди” (171-бет) дейилади. Навоий ҳазратларининг ҳалққа, эзгуликка фидойилик билан кечган ҳаёт йўли, азмкор фаолияти, буюк даҳоси бунчалик қисқа ўйлашга, қисқа мулоҳаза юритишга имкон берадими? Замонасининг “жоҳу мол аҳли”ни – мулкдор, мансабдор юқори табақаларини инсоний ҳислардан узоқ деб билган, ўз даврининг асосий меҳнат аҳли бўлмиш деҳқонларга чексиз хурмат ва муҳаббат билан қараган, она ҳалқи, Ватани манфаатлари йўлида умрини руҳий қийноқларга ҳозиқи табиб ва шағиқ, балокашларга балогардон бўлган бениҳоя пок бир инсон шаънига “синфий маҳдуд” деган гапни айтиш на инсофга, на мантиққа сифади! Бу навоийшуносликнинг бугунги ютуқлари олдида айниқса ногирондир. XIX асрда ва XX аср бошларида Россияда яшаб ижод этган бошқа буюк инсон – Лев Толстой ҳам инқилобни – зўрликка зўрлик ишлатишни маъқулламагани маълум. Холбуки, Толстой, бошқа тараққийпарвар рус ёзувчилари каби зулмга қарши қаратилган деҳқон ҳаракатларига зўр хайрихоҳлик билдирган. Навоийнинг машҳур сарбадорлар ҳаракатига муносабатидан авторлар ҳаракатига муносабатидан авторлар беехабар бўлмасалар керак! Деҳқонларнинг, ҳалқнинг мислсиз кучига “Маҳбубул-кулуб”да берилган юксак баҳони эслаш кифоя эмасми?! Бас, Навоий ё Толстой каби буюк мутафаккирларнинг ижтимоий қарашларини “стихияли деҳқонлар демократияси” доирасида, ҳатто бундан пастроқ даражада деб билиш тўғри, илмий қараш бўладими?!

Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси ҳам бузиб талқин этилади: Қобил бобо гўё қишлоқ оқсоқолига мурожаат қиласмиш-да, оқсоқол уни элликбошига, сўнг элликбоши аминга юборар эмиш “маълумки, ҳалқимиз ўтмишда амини “оқсоқол” деб ҳам атарди”. Авторларнинг мантиқи мана бундай: “У ўғрини(! Топишга ёрдамлашади деб қишлоқ оқсоқолига мурожаат этди) ва ҳоказо (183-бет). Ҳаммага маълум ва машҳур ҳикоя ҳакида бундай масъулиятсиз сўз юритиш кишининг энсасини қотиради.

Маълумки, “Тобутдан товуш” қизғин мунозарага сабаб бўлди, пировардида, ижобий баҳоланди, драматург уни қайта ишлади. Китоб авторлари эса, эски хато қарашлар асири бўлиб, комедияни фақат танқид қилиш билан секланадилар (190-бет).

Үйғун ижоди таҳлилида 20-йиллардаги кескин адабий вазият, мағкуравий курашлар тилга олининб, “баъзи ёзувчи ва танқидчилар эски шарқ схоластик адабиёти анъаналарини, унинг “гул ва булбул”, “хижрон ва алам” мавзуларини тиклашга уриндилар” дейилади (206-бет). Бу танқиддан сарой адабиёти анъаналари кўзда тўтилади, дейиш мумкин эди. Бироқ ўша йилларнинг турли объектив ва субъектив сабаблари билан сарой адабиётгина эмас, классик адабиётимиз, унинг ўлмас мавзулари (чунончи, гул ва булбул, хижрон ва алам) ҳам очиқ камситилгани маълум. Бундай вазиятни қардош адабиётлар ҳам кечирган. Том маънодаги лирикага, жумладан, муҳаббат лирикасига ингилистик қараашлар 30-йилларга келиб амалда рад қилинган эди, улар буни истейдиларми, йўқми, вуљгар социологларнинг чекланган, хато қараашлари такрорланаётганга ўхшайди. Ҳолбуки, бу борада В. Бузник, Г. Ломидзе, З. Паперный, В. Огнев ва бошқа кўпгина олимларнинг мўътабар илмий фикрлари мавжуд. 20-йиллар шеърияти ўзининг ютуқлари ва чекланган томонлари билан ўзбек адабиётшунослигида ҳам қайтадан баҳоланган.

Зулфия ижодини унинг адабий хижрон мавзуидаги туркум шеърларидан ҳоли тасаввур этиб бўладими? Зулфиядек ҳассос шоира шеърияти унинг шахсий ҳис ва ўйлари билан, баҳт ва алам йўлдош бўлган таржимаи ҳоли билан қанчалик боғлиқ экани алоҳида исботга муҳтож эмас. Китоб авторлари шоиранинг энг яхши, энг жозиб шеърлари, хусусан, аёл қалби үйғун бўлган муҳаббат ва хижрон лирикаси ҳақида тўла сукут қиласидар (умуман, “адабий мавзу”дан ҳадиксирашдек эски касаллик бутун китобда сезилиб туради), натижада Зулфия лирик қаҳрамонининг руҳий олами, вафо, садоқатнинг тирик тимсоли бўлган гўзал қиёфаси, пок руҳияти китобхонга номаълум бўлиб қолади.

Китобнинг қимматини туширадиган майда камчиликлардан, баъзи чалкаш жойлардан, русчага таржима қилишда йўл қўйилган нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Адабиётимизнинг сўнгги йиллардаги ютуқлари рўйхатида урушдан кейинги дастлабки ўн йилликда яратилган бир қанча асарлар ҳам ўрин олган (88-бет). “Россия” поэмаси Шуҳратга, “Йўллар” (“Катта йўлда” назарда тутилаётган бўлса керак) Мирмуҳсинга (95-бет), “Ғазал фожиаси” Рамз Бобожонга нисбат берилади. (101-бет)... Ёзувчиларнинг исми шарифлари чалкаштирилади: Адҳам Раҳмат Аҳмад Раҳматга, Охунжон Ҳакимов Ҳаким Охунновга (96-бет) дейилиши ғализ эшитилади. Навоийнинг “Мажалисун нафоис” тазкираси “Драгоценны собрания” деб таржима қилинади, ваҳоланки, Е. Э. Бертельс буни энг мақбул сўз билан берган эди: “Собрания утонченных”. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси “Ўғрила”га, И. Султоннинг “Имон” драмаси “Имонли кишилар”га айланади. Хусусан, “Ўғри” номида санъаткорона зухур этилган мазмун

таржимада ялангоч ҳолга келган, бадиий кучини йўқотган. Ҳаммадан қизиги шундаки, Қобил бобонинг исми ҳам ўзгаради, у ҳар гал (тўрт жойда) “дед Кадыр” деб берилади (183-бет). Атоқли ёзувчининг “Хотинлар” ҳикояси рафиқалар маъносида (“Жены”) таржима қилинади (186-бет). Қизик, “Равшан ва Зулхумор” музикали драмасига “Кўр ўғли ҳақидаги достонлар сюжети асос бўлган” эмиш. Китобда бир қанча асарнинг жанр хусусияти бузиб кўрсатилади. Булардан ташқари, фикрий бекарорлик, бир-бирига зид баҳолар учраб туради. Китоб саҳифаларида қўзга ташланувчи умумий нуқсон – бу конкрет асардан узоқлашувчи умумий гапларнинг кўплигидир. Тўғрилигига зоҳиран эътиroz қилиб бўлмайдиган, лекин бир қолипдаги гаплар, асар мазмунини наридан-бери сўзлаб берувчи сийқа баён ҳақида алоҳида тўхташнинг, бизнинг, зарурати йўқ.

Китоб ҳақида хукм юритиш учун юқорида кўрсатиб ва айтиб ўтганларимиз кифоя қилса керак. Одатда яхши китобнинг айрим камчиликларини унинг ютуқлари бир қадар “ёпиб” туради, бу сафар, аксинча, китобнинг қусурлари унинг фойдали томонларини, авторлар сарфлаган анчагина меҳнатни ҳабада этади, эътиrozсиз қиласи. Афсусланадиган жойи шундаки, хассо шоир, улкан олим Мақсуд Шайхзода китобнинг маъсад мухаррири деб кўрсатилади. Юқоридаги манзарадан кейин Шайхзоданинг китобга мутлақо назари тушмаганини айтиб ўтириш жоизмикан? Адабиётимизнинг нозик таъб ва зукко билимдони, ўзига ва бошқаларга ғоят талабчан бўлган Мақсуд аканинг қанақа китобни бўлмасин, шунчалик жиддий нуқсонлари, ночорликлари билан ўқувчиларга раво кўришига ким ишонади?!

Қўлланманинг “Ўзбек адабиёти тарихи” деб номланишига қараб, унга жиддийроқ талаблар асосида ёндашиб мумкин эди. Бироқ китобнинг ҳозирги аҳволига яраша, асосан, унинг ўзидангина келиб чиқиб баҳс юритдик. Номланишига келганда, уни “Ўзбек адабиёти” деб аташ кифоя. Негаки, унинг ҳозирги номи билан инқилобгача бўлган адабиётимизни тушуниб келамиз, китобда эса, бунга 53 саҳифа ажратилган (Таажжуб, муқаддимада “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг уч китоби тилга олинадио, ўзбек совет адабиётига оид тадқиқотлар ҳақида лом-мим дейилмайди. Баҳолангки, “асар”нинг бешдан тўрт қисми совет даврига бағишлиланган).

Принципial тузатишлар ва тўлатишлар билан янги қўлланма яратилган тақдирда, унда XI аср маданиятимизнинг Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Хожибек улуғ вакилларига муносиб ўрин берилиши, Аҳмад Юғнакий, Пошшоҳўжа, Ҳувайдо, Оғаҳий, Мужрим Обид, Комил Хоразмий, Самарбону ва Анбар Отинларни, уларнинг шеърий истеъодини муносиб даражада баҳолаш керак. Ўзбек совет адабиётининг машҳур намояндалари қаторида

Сўфизода, Авлоний, Файратий ва Миртемирлар ижоди таҳлил қилиниши лозим. Обзорда факат номлари санаб ўтилган истеъдодли шоирлар, адиблар (ўрта авлод) энг яхши, энг муҳим асарлари мисолида баҳоланиши зуур.

Китобнинг салмоғи, сифати кўп жихатдан дунёсини – севган мавзулари ва қайтарилемас образларини, ўзи йўниб, ўзи ишлатган қаламнинг кучини – ўз дидига монанд усул ва рангларни кўрсатиб беришга боғлиқдир.

Янги қўлланманинг методик қулайликлари хусусида жиддий бош қотириш, республикамиз педагогика институтлари бу соҳада орттирган тажрибаларни, қилиниши мумкин бўлган таклиқларни чуқур ўрганиш лозим.

Агар маълум шоир ё адиб ижодига кенгроқ тўхталиш ва бошқа қўшимчалар ўқув программаси имкониятига сифмас экан, бу қийинчиликни, таҳлилни мазмунан чукурлаштириш, муҳим фикрни номуҳимдан ажратиш, унинг қаймоғини бериш билан енгиш мумкин. Бир қолипдаги умумий гаплардан қочиб, масалан, маълум бир шоирнинг турли анъаналарга муносабатини ва шу асосда ўз ижодий қиёфасини қандай белгилаганини муҳтасар илмий таҳлилда очиб бериш мумкин. Қолаверса, дунёда ўзгармайдиган нарса йўқ. Ҳаётий зарурат бўлса, ўқув программаси ҳам маълум даражада ўзгариши мумкин. Умуман, китоб қайси доирага мўлжалланганидан қатъи назар, эндиликда унга юқори талаблар билан ёндашишга тўла асос бор. Юксакдан туриб назар солишга бизнинг катта адабиётимиз етарли материал беради.

## СҮЗИ АЛЁР, ҚҰШИҒИ СЕЛ САНЬАТКОР

Миртемирнинг сўнгги тўплами “Ёдгорлик”даги шеърлар шоирнинг бир умр куйлаган ардоқли мавзулари, севимли туркумларини тўлдиргандай бўлади. Ундаги Ленин, инқилоб, Ўзбекистон, бободеҳқон, она барҳаёт жангчи, фидойи аёл образлари; қардошлиқ, дўстлик, муҳаббат тароналари; болалик, йигитлик хотиралари, табиат лавҳалари мисраларга сингиб образларга айланади. Китобдаги йирик манзумалар асосан қўтаринки руҳдаги сиёсий-публицистик лирика ёки воқеабанд лирика намуналари бўлса, бошқа шеърлар бевосита куй-оҳанглар йўғрилган мисралар тасвири сифатида шакллангандир.

Хассос шоир “Ёдгорлик”да ҳам биринчи шукrona сўзини, фарзандлик туйғуларини она халқига баҳшида қиласди:

Мен сенга суяңгандим, мен сенга суяңгайман.

Сендан сал нари бўлсам, ёнгайман – ўртангайман.

Миртемир шеъриятининг ноёб фазилатларидан бири унинг дехқонча содда самимият ва ҳақгўйлигидир. У коммунистик ғояларимизни ҳамиша ёлқинли эҳтирос билан тарғиб қилди. “Ёдгорлик”да ҳам Миртемирнинг лирик қаҳрамони очиқ самимияти, тўғри сўзлиги билан ажralиб туради.

Миртемир ижодига хос бўлган ҳақгўйлик, чунончи, ўлкамизнинг жафоли ўтмишини чизганда қўллаган тафсилларида аниқ акс этиб туради. Шоир Баҳт қўшиғи“да аждодлар қисматини: “Ё подачи бўлурмидим, ё қароқчи, от ўғриси, ё қиморбоз, ё тиланчи, бободарвеш...” каби аввал шу мавзудаги шеърларда учрамаган ташбиҳлар ё бошқа ранг ва оҳангдаги деталлар воситасида ифодалайди. “Ёрти аср қўшиқларидан...” шеърида “қадим заҳматкаш халқ”нинг не-не оғатларни кечирган қарама-қаршиликларга тўла кечмиши контраст нисбатларда фоже ҳолнинг сабаблари кўламлироқ, ёрқинроқ намоён бўлади:

...Ёғду эдим,

Сўна-сўна қўрқинч, қора тун бўлдим мен,

Чолгу эдим,

Ёна-ёна жигар-бағри хун бўлдим мен...

Шоир ўтмиш мавзуига тез-тез қайтар экан, инқилобгача талону вайрон бўлган ўлка қиёфасини, чорасиз ва нажотсиз халқ образини гавдалантириш натижасида ўша даврнинг армонга тўла манзараларини яратишга интилади.

Шоир бугуннинг улуғвор образини яратишга киришганда эса, сўз тарзи, оҳанги ўзгаради, қаҳрамон туйғулари шеърий фаҳрия даражасидга кўтарилади:

Тарих тўлқинида оқсақ, бўйласак,  
Ғурур чулғаб олар сени ўйласак...  
Тиниқ оқар баҳтнинг жўшқин сойлари.

Миртемир айниқса ўзбек пахтакори номидан сўзлаганда, унинг меҳнат фалсафасидан баҳс очиб, мислсиз ҳикматини қуилаганида қалб қувончи, ифтихори янада жўшқин пардаларда жаранглайди:

Ўтган йўлим довон-довон мўл ёғду,  
Диёrimдан кўкка нарвон мўл ёғду,  
Хира бўлур оқ тонгларнинг оқлиги,  
Ортиб келдим жаҳон-жаҳон мўл ёғду.

Бу чиндан ёғдули, сермавж мисраларда кенг маънолар жой олган. Чунки шеърнинг давомида турфа ранг, турфа оҳангда товланган “ёғду” тимсолида ўзбек пахтаси, ўзек пахтакорининг, кенг маънода, Ўзбекистоннинг лирик образи ишланганини сезиб олиш қийин эмас. Миртемир ҳоҳ йил бошида, ҳоҳ кўкламда, ҳоҳ саратонда бўлсин, ҳар доим бободеҳқон билан хамдамлик, ҳамкорлик қилас, ҳусусан кузги умумхалқ сафарбарлиги кунларида, зафар марраси эгалланган айёмларда “баҳти сел, ишқи сел, кўнгли сел” бўлиб шодиёна ўқиши, алёр айтишни кандо қилмасди. Дарвоқе, “Ёдгорлик”да ҳам бундай шеърий фаҳриялар салмоқли ўрин тутади.

Миртемир миллий колоритни асосан ўзбек қишлоғи, бободеҳқон дунёсига хос белгилар тафсиллар орқали ифодалагани учун шоир лирикасининг умуминсоний мотивлари ҳам дафъатан шу миллий заминдан сув ичади. Китобдаги “Сойдан ўтиб олсак...” “Қишлоқда қиш” “Кўк чой”, “Паттининг ҳасратлари”, “Мўнди”, “Тошбу”, “Бу ўша...” каби шеърлар ўзбек дехқонининг кенг феъллиги, азалий удумлари, ер-сувга, фарзандга, турмушнинг заҳмат ва фароғатига бўлган муносабатини аниқ ифода қилувчи тафсилларга бой. Уларда “яшил гўша”ларнинг ўзгача файзи, таровати, турмуш тарзи табиий чизгилари билан ўзига тортиб туради.

“Бу ўша...” шеърида айни қайноқ турмуш шароитидан олиб ишланган, ҳалқчил поэзия намунаси бўлган мисраларга “трактордан тушиб, ҳамир йўғирган”, “қўноқсиз куни кам бўлган” лекин на “қўли қадоқлиги”ни на кеч ётиб, эрта туришини ҳеч қачон писандада қилмайдиган, ҳаётни кундалик

мөхнат ва ташвишларсиз тасаввур қила олмайдиган “ўша дехқон қайлиғи”нинг реалистик образи яратилади.

Образларнинг ҳаётийлиги билан кучли бўлган “Тошбу” шеърининг сўнгги сатрларини хотиржамлик билан ўқиши қийин. “Қора хат, ним қаҳат чанг сололмаган” бениҳоя оғир қунларда “Эркак мөхнатига кўниккан”, жасоратда, бордошда, вафода “тенги кам” бўлган ўзбек аёллари Тошбу тимсолида мужассамлаштирилган: “Сени сал хўрлаган сира инсонмас, кўзларингда ғуур ва баҳтдан ёш бу... Сенсиз Ўзбекистон – Ўзбекистонмас, сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас, Тошбу!!” Ўқувчи ҳам идеал, ҳам реал бу қаҳрамон образи қаршисида ларзага келади. Чиндан ҳам улуғ Ватан уруши йиллари шароитида совет аёли, жумладан ўзбек аёли кўрсатган жасорат умумбашарий маъно касб этмайдими??!

Кези келганда шуни айтиш керакки, умуман Миртемир шеъриятида, жумладан, “Ёдгорлик”да ҳам халқчил ҳикматларга бой прозаизм, ҳаётий тафсиллар билан, чуқур дард, эҳтирос билан йўғрилган рационализм ажралиб туради. Масалан, “Ишбоши” шеъридаги: “чўққи кўзлаганларнинг иши ўнг ва ўлжалик”, “юрт кўнглини топмаган кўнгил ҳам кўнгилмас, ҳа”, “бардоши тоғлардек қурч, шамоллар совуролмас, йўлдошлиқ йўлда қолмас, оташ ҳам қовуролмас” каби мисралар шоир бевосита ё билвосита кечирган, ижодий ўзлаштириб шеър сатрларига кўчирган ҳикматлардир.

Миртемир ижодига хос халқчиллик унинг бой шеърий луғатидан, тасвир воситаларидан ҳам сезилиб туради. Асли шоир шеъриятида кучли бўлган, жўшқин лиризм билан йўғрилган прозаизмни – характерли турмуш тафсиларининг маҳорат билан шеърга киритилишини ҳам халқчиллик аломати деб ҳисоблаш керак. Шоирнинг бой, рангин лирикаси, халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанг ўйноқи, ғамзали, кинояли тасвир усули, ҳатто адабий тил меъёрларига унчалик ён бермайдиган баъзи шева элементлари, гоҳида дехқонча содда, атайн бепарвоз, лекин оригинал, тафсиллар, ташbihлар Миртемирнинг ҳофизаси кенг ижодкор, халқ тилининг Ойбек, ғафур Ғулом, Уйгун каби заршунос ва фидойи хазинадорларидан бири эканидан далолат беради. шоирнинг поэтик муқоясалари ҳам халқнинг тарихидай кўҳналиги, халқ сўзларидай пурмаъно соддалиги билан жалб этади:

Келгин... Ҳовлим Афросиёб

Ё Ўтрорга ўхшаб қолди –

дейди унинг қаҳрамон “Бир кез” шеърида. Миртемир халқ қўшиқларига хос ҳам оддий, ҳам силсиласи ташbihлардан ижодий файдаланади:

Кўзим кўзингга тушди – чақмоқ чаққандай бўлди,

Учқуни дилга тушиб, олов ёққандай бўлди...

Асли классикадан ўтган ташбих мусалсал (силсиласи ташбих) усули халқ поэтикасидаги ўта муболаға – ифроқ билан мутаносиб келади:

Ёнмасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин жонга,

Ўт тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга.

Муҳими шундаки, шоирнинг кўпчилик ташбихлари, лирик лавҳа ва образлари фақат чиройли, оригинал восита бўлмай, нозик чиройли, оригинал восита бўлмай, нозик ҳис, салмоқли фикр самараси сифатида яратилади: “ўтмиш садосидай узун бир оҳанг қанот қоқар оҳанг бетоқат, бесабр, толпиниб-толпиниб оқади равон ғуссаларни барбод этгувчи оҳанг”, “кўзларида чақнар қора чақмоқлар...” (“Ҳинду раққосига бағишлаганим”).

Лирик шеърият, унинг образлари фақат ғойибона, кутилмаган ҳол, лаҳзали кайфият, сирли-пинҳоний кечинмалар самараси, ёки суронли давр, мўъжизаларга бой бўлмаса шеърий новелла, баллада типидаги воқеабанд сатрларгина яратилмайди. Унга кўпдан шоир армонига айланган хаёллар, илк бор болалик тасаввурида ўчмас из қолдирган, бора-бора унинг шахсиятига, тақдирига айланган руҳий олам – қалб хотиралари доимий озиқ беради. “Ёдгорлик” лавҳалариға ҳам ана шундай хотиралар битилгани аниқ сезилиб туради. Миртемир айниқса она ҳақидаги армонли ўйларини шеърдан шеърга олиб ўтади.

Шуни айтиш керакки, армонли туйғулар, ҳазин кайфият ёлғиз она хотирасига бағишиланган шеърлар учун хос нарса эмас. “Ёдгорлик”даги анчагина шеърларда, кўпгина мисраларда зухур этган аламли, гоҳ түғёнли ноталар шоирнинг кексалик, хасталик йиллари таъсири сифатидатуғилган бўлиши мумкин. Бироқ моҳият эътибори билан олиб қараганда, шеърият хеч қачон дардсиз, шоир армонсиз бўлмаган. Бу эркин замон, баҳтли тақдир куйчиси учун эзгу туйғулар – асли ҳаёт, унинг доимий зиддиятлари тақозоси. Аксинча, кишиларнинг фалсафасидир. Албатта, шоирнинг дарди, алам-армони узлатнишин кишининг ғариб нолалари эмас, балки у азалдан ҳаёт маслаги бутун ва собит бўлган халқнинг барқарор туйғулари даражасида бўлмоғи керак. Миртемирнинг “Онагинам”, “Aco”, “Бетоблигимда”, “Ёдгорлик”, “Тушмасин” каби шеърларида турли маънодаги руҳий изтироблар: ё оғир йўқотишлирдан мотамсаро нидолар, ё ёшлик, йигитлик ҷоғларининг армонли хотираларидан ларзага келиш, табиатга, тақдирга қарши исён туйғулари контраст образларда ифодаланади.

“Ёдгорлик” муносабати билан яна бир нуқтани шарҳлаб ўтиш керак. Миртемирнинг асосан “Биби Марям” манзумасидан бошланган, сўнгги йилларда хийла кучайган фалсафий мушоҳада ва мубоҳасалари, шубҳасиз,

шоир лирикасининг янги бир қиррасини, янги типдаги образларини ташкил қиласди.

Миртемир ҳаётни, инсонни, элу юртни, даврни юксак патетик-публицистик руҳдаги-фаҳриялардан сехрли интим-лирик қўшиқларгача, турмуш тафсилларига бой воқеабанд шеърлардан манзара лирикасигача – турли поэтик асарларида самимият ва ҳаққоният ҳисси билан куйлаган фидойи куйчилардандир. Санъатнинг сехрли қудрати шундаки, бундай зотлар ўз қўллари билан ўзларига хеч қандай куч қулата олмайдиган ёдгорлик қўйиб кетадилар.

## КУРАШЧАН ЁШЛИК ТУЙГУЛАРИ

**Абдулла ОРИПОВ. ОНАЖОН. Шеърлар. Ғафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1969.**

Китобхон “Онажон” тўпламидаги кўпгина шеърларни ўқир экан, ўзининг бадиий диди, шеърий маърифати ҳақида ўйлай бошлайди, кўнглига тугён урган ҳисларни шоирнинг фикрлари билан солиштириб кўради, шубҳасизки, унинг қаршисида руҳий мамнуният туйғуси, баъзан мунозарали ўйлар билан қолади... Бас, Абдулла Ориповнинг яхши шеърлари асос эътибори билан нималардан далолат беради? Буни, даставвал, шеърларнинг ички мазмунидан, ундаги ҳаётий зиддиятлардан, шоирнинг қалб диалектикасидан қидириш керак. Бинобарин, қайси бир шоирда курашчанлик, ички мунозара руҳи бўлса, бу унинг асарларига алоҳида жозиба бағишлийди, уларни тўлқинланиб ўқийсиз.

Бу асрнинг талаби оддий ва содда:

Юрагинг буюрган ҳар қандай гпни,  
Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни,  
Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,  
Бўзингда қолмасин овозинг асло!

Абдулла Орипов “Курашади икки тўлқин” шеърида “Ёш Ойбеклар байроғини кўтарайлик баландга!” деб ҳайқиради. Кураш... Бугун унинг характеристири ўзгарди. Ижтимоий турмушнинг эски ва янги, манфий ва мусбат кучлари ўртасидаги кураш ҳам, сарҳадлардан наридаги – душман соҳилидаги синфий жанглар ҳам тобора кескин, мураккаб шаклларга кириб бормоқда. Буни чуқур ҳис этган, шу муҳитда яшаган шоир дадилликка, ҳушёр ва шай бўлиб туришга чақириши табиий бир ҳол. Зотан у ўз шеъриягини туйғулар, фикрлар кураши, ғоялар кураши деб билади.

Ахир, “Курашади икки тўлқин”, “Вулқон”, “Созим”, “Мен сени куйламоқ истайман”, “Уйқу” каби шеърларида курашчан ёшлик мавжланиб туриши бежиз эмас-ку! “Авлодларга мактуб” манзумасида халқлар дўстлигининг қудрати таърифида беандоза, дадил ва ўқтам гапларни айтади, кучли бадиий умумлашмалар яратади. Даврга, катта қардошлиқ оиласига хос, таомилимизга кириб, турмушимиз негиз-негизига, томир-томирига сингиб кетган, жумлаи жаҳонни ҳайратга solaётган янги муносабатларимизни тараннум этади:

...Сизга фалокатдан берганда хабар,  
Дўстлик борасида ёзурлар албат.

Ёзурлар... “биз бўлдик тенгсиз биродар

Бу хислат бизларга хос эрур фақат”.

Шу замон қўзингиз олдида беҳол,

Рум Ромул номусдан солиб қолур дод.

Шйларсиз бундайин дўстликни алҳол

Кўрмаган экан-да, қадим одамзод.

Ҳар қандай чиркин, тубан нарсаларни аёвсиз савалаганда ҳам шоирнинг ғоявий юксаклиқда турганини қўрамиз. Ёмонлик, разиллик тўғрисида гапирганида кўз ўнгида гўё башарият душманлари жабҳаси пайдо бўлади – у ғазаб оташида ёниб, тутикашиб, бутун имон-эътиқоди номидан ҳайқиради, яхшилик ва эзгуликни дўстлик ва фидойиликка фавқулодда теран маънолар бериб, қалби жўшиб, меҳри тўлиб куйлайди. Зотан, шижаат, руҳий зарурият билан яратилган шеър (“Ўйларим”, “Авлодларга мактуб”, “Бахор”...) катта эмоционал куч касб этади.

Шоирнинг кечмиш ҳақидаги ўйлари, давр воқелигидан ҳаракатга келган туйғулари, кечинмалари ҳаётйлиги, чуқурлиги билан ажралиб туради. Чунончи, “Ленин” шеърини ўқиганда ижодкор кўнгил хотироти – ҳофиза қувватига, фикр юритишидаги қарашларида мустақиллигига ва омилкорлигига тан беради киши. Унинг асосий нияти – мангалик ғояси зиддиятлар билан тўла тарихий лавҳаларда очилади: ҳақиқат ахтарувчи безовта туйғулари турли давру давронлар, ногаҳоний ҳодисалар, тасодифлар билан тўқнашади. Лирик қаҳрамон бизни кўхна тарих туманлари орасидан олиб ўтади, ҳаётнинг мураккаб, ечими қийин масалалари устида ўйга толдиради, бугун ва эртанинг ташвишли, суронли воқеалари тўлқинига ташлайди. Шоир назарида энг мўътабар эътиқод охир бориб рўёга айланганда, катта шов-шувли воқеалар тиниб, босилганда ҳам мангаликнинг, ҳақиқатнинг ҳамма замонлар, иқлиmlар учун ягона, оддий, бирдан-бир инсоний тимсоли бўлиб, башариятнинг истиқбол умиди, таянчи бўлиб Ленин қолади!.. Шеърда илгари сурилган даъволар, келтирилган муқояса ва далиллар чуқур халқчил манбалар билан туташади, бу – шоир сатрларига теранлик, бадиий-мантиқий куч бағишлайди. Адабиётимизда Лениннинг яна бир поэтик сиймоси, қайтарилемас образи майдонга келади. Мухими, китобдан ўрин олган “Ленин”, “Авлодларга мактуб”, “Бахор”, “Вулқон”, “Курашади икки тўлқин”, “Нутқ”, “Ўйқу”, “Созим”, “Арманистон”, “Ўйларим” каби шеърларида, шоир таъбири билан айтганда, буюк замонанинг оташин зарбини ҳис этамиз. Шуниси қувонарлики, шоирнинг табиати ҳар турли майда, мўъжаз резаворликни, вазни енгил, маъноси саёз бўлгани ҳолда, авжи зўрма-зўр баланд олинган, тез бўлар шеърларни

хушламайди. Бу – бежиз эмас, Абдулла Орипов катта устозлардан биридаёқ Владимир Маяковскийнинг муҳлиси эканини айтганидан хабаримиз бор. Ёш шоир шеъриятимизнинг Fafur Fu'lom, Ma'qsid Shajhzo'da singari darfalarini kutarilgan fo'oviy joksaklikni kuzlab boraётgani, ularning sheъriy maslagi va matlabinini uzining birdan-bir yўli, azmi-qarori, ijodiy shiori deb kabul qilganligi "Onajon"dagi bakuvvat sheъrlardan seziliib turadi.

Fafur Fu'lom tiirkilikni istasasi qakcha,  
Biz ham unga ushanchaliq qilgaimiz havas.

Шоирнинг Fafur Fu'lom хакоси олдида буюк эҳтиром сақлаб, катта устозига, ҳамиша баланд руҳли, ҳамиша тетик, ўқтам кайфиятли бир санъаткорга муносиб шогирд бўлишни ўзи учун беназир баҳт, шараф деб билганлиги унинг шеърларининг fo'oviy замини мустаҳкамлигидан бир далолат эмасми?

Абдулла Орипов деярли ҳар бир шеърида ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш учун унинг ўзига монанд меъёрини қидириб топишга, маромини билишга, аниқлашга интилаётгани кўзга ташланади. Масалан, пахтакор элнинг ҳаёти, иш-амали қандай кечишини, меҳнат дурдоналари қандай кечишини кўнгилдан ҳис этган, унинг мислсиз ҳикмат ва шиҷоатидан тўлқинланган, ўз ҳаётини, тақдирини у билан боғлаган шоиргина саратон ҳақида fo'yat ҳаққоний таъсирли гап айта олади:

Ҳали тонг ғунчаси очмасидан лаб,  
Наҳор фароғатин тақир,—  
Кимсасиз далага кўзни уқалаб,  
Чиқиб кетганингни кўрдим-ку, ахир...  
Кўрдим-ку, манглайинг тер билан қотиб,  
Бераҳм оташга берганингни тоб.  
Кўрдим-ку, тепангда ўзин йўқотиб  
Ҳайратда лол қотиб қолганин офтоб.

Бу чуқур руҳий эҳтирос билан яратилган мисралар республикамиз, мамлакатимиз борингки, арзу заминimizning қайси иқлими, қайси бир пучмоғида бўлмасин, ўзбек пахтакори singari марданa ишлаб, жон олиб – жон бераётган, элга наф етказишни тиirkilik маъноси, инсонлик бурчи деб билган барча меҳнат аҳлини шараflайди, меҳнатни ҳалолликни ардоқлайди.

“Онажон”даги кўпчилик шеърлар адабий зарурат, поэтик зарурат самараси, узок жиддий изланишлар маҳсули сифатида яратилганини сезиш қийин эмас. Сиз шоирнинг яхши манзумаларини (масалан, “Ленин”, “Баҳор” каби) ўқув қанчалик таъсирланманг, унинг бемалол, эркин, камоли ишонч билан сўзлаши фавқулодда ҳол бўлмай, балки шу куннинг талабига мослигини, ўз иқтидори, имкониятлари даражасида эканлигини билиб турасиз. Устозлар билан, эҳтиросли қаламкаш дўстлар билан руҳий яқинлик ёш шоирнинг зарур, замоннавоз гапларни айтишга ўзида журъат, шижаат топиши қонуний ҳол эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бугунги ёшлар дунёси бениҳоя бой, кўп қиррали мушоҳадали бир дунё, воқеа-ҳодисаларга жиддий назар, мустақил ва танқидий фикр ўз кучи ва имкониятларига ишонч бу даражада бўлганини тарих билмаса керак. У баъзан ўткинчи майлларга (аксари формал изланишларга, янги андозаларга) ўч бўлиши, санъатни, нафосатни тушунишда адашиши мумкин. Лекин даврнинг бош масалаларида – тинчлик, эрк, ҳақиқат, баҳт ва келажак учун курашда ҳамиша ҳушёр ва событ, ҳамиша сафарбар ва шай... Абдулла Орипов кўпчилик шеърларида ўз тенгдошлари – бугунги ёшлар кайфиятини, руҳиятини, муҳаббат ва нафрат туйғуларини ифодалар экан, уларни даврнинг етакчи руҳи – кураш ғояси теварагида умумлаштиришга интилади:

Митти фарзанд бўлиб, бир дилбанд бўлиб,

Асрим, сени баҳтда кўрмоқ истайман.

Ва лекин баъзида уйқуга чўмиб

Сендан кўзларимни юммоқ истайман.

Аммо борми имкон бундай уйқуга?

Курашга яралган жафокаш инсон.

Ҳар қандай кураш ҳам ҳайтдир унга,

Ҳар қандай уйқу ҳам –ўлим ҳар қачон.

Абдулла Орипов бир қатор шеърларида мана шундай “курашга яралган инсон” образини бутун бир халқ тимсолида беради. ўзбек халқи Россияга, Ленинга миннатдорлик туйғусини, ўзининг интернационаллик бурчига содиқлиги мисолини бутун инсоният олдида маълум қилаётганини, “йўғи бор, бори мўл бўлган” (Миртемир) ўлканинг бугунги сахий, жавоҳирларга тўла бағрини, элининг беназир ғайрат ва ҳимматини – замонамизнинг мана шу катта ҳақиқатини барала айтиш учун шоирда дадиллик бўлиши керак. Албатта, жасорат ўз-ўзидан келмайди. Бор мақтанса ўзади, йўқ мақтанса тузади, дейди халқ ҳикмати. Ғурури, ишончи бор, орқа пушти қалин ва бут

кишигина шижаат билан гапиради, овози кучли, салобатли чиқади. Эҳтиросли шоир ҳаётий манбалар билан она замин билан маҳкам боғланганини замоннинг ҳаракат, ўзгариш ритмига ҳамовоз бўлгани учун шундай фахрия айта олади.

Бахтимни бус-бутун топгунимча то,  
Не-не балоларни кшрган ўзбекман.  
Меҳмон жон сўраса аямай ҳатто,—  
Унга жонини ҳам берган ўзбекман...  
Мен бугун Россия ёнида туриб  
Сени улуғлайман, эй она халқим...

Бу сатрлар китобхонда, шубҳасиз, ифтихор туйғуларини уйғотади, унга руҳий фароғат бағищлайди. Лекин бу юксак ҳис шеър давомида ҳоким бўлиб, сақланиб қоладими? Шуниси қизиқки, баъзан яхши шеърлар ҳам зиддиятли ўйларни туғдирап экан. Масалан, ўзининг мўъжизакор моддий ва маънавий дурдоналари билан етти иқлим тилларида зикр этиладиган она тупроқ – Ўзбекистонда фарзандлик меҳри мавжланиб турган, қалб ҳарорати билан ёзилган “Совға” шеърини ўқиб, унда шахсан мен маълум даражада бир ёқламаликни, нимадир етишмаётганини ҳам ҳис қилдим. Албатта, шоирона жасорат унинг кўпчилик шеърларида чуқур эътиқод, чуқур ишонч, юксак, олижаноб туйғулар манбаидан сув ичади, буни юқорида алоҳида қайд этганимиз. Лекин, менимча, ёшлиқ қайноқлиги баъзи-баъзида ўзининг ижтимоий, ҳаётий заминидан маълум даражада узоқлашган ёки меъёридан ошган майлларни тугдиради, буни таъкидлаб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Тўғри, шоирнинг ижодий юксакликни мақсад қилиши, шу заминда кўпроқ нарсани кўришга, дадил фикрлар айтишга интилийи кишини, ҳар қалай, ҳаяжонлантиради. Шоирона ҳис-ҳаяжон эса, субъектив хусусиятга эгадир. Бундан кўринадики, ёшлиқ эмоциялари қанчалик самимий бўлмасин, ундан айрим янгиш нукталарни мустасно тутиш қийин. Шунинг учун шоир айтилган фикрларини қайта-қайта текшириб қўриши лозим бўлади.

“Онажон”да ёшлиқ жўшқинлиги, курашчанлик руҳи билан унинг тез ва қаттиқ таъсирланувчи табиати қўшилиб, бундан кўпинча ўйчан, ҳатто ҳазин оҳанглар тарагани сезилиб туради. Бинобарин, Абдулла Ориповнинг кўпчилик шеърларини ўқиб, ҳаёт, инсон тақдери, унинг руҳий дунёси, одамлар билан турли хил муносабати биз ўйлагандан кўра мураккаброқ, зиддиятироқ, гўзалроқ ёки фожиалироқ эканига амин бўламиз. Шоир озод, музaffer ҳаётнинг ажойиб мукофотлари учун шаънига тўла мамнуният билан фахрия айтади.

Айни пайтда курраи заминимиз устидаги турли ташвишлар замон зайди, вақт ҳукми билан чаппа айлангани, рўё бўлиб чиқсан ўй-орзулар, айрим кишилар бошига тушган баҳтсизлик, ногаҳоний йўқотишлар, алданишлар ва шунинг сингари руҳий зарбалар шоир кайфиятига таъсир этганини, инсон тақдирини улуғлайдиган, ҳар қандай қора кучларга, тубанликка қарши курашга чорлайдиган, ҳаётнинг ўлимдан кучли меҳру-оташини, инсоннинг мислсиз саботини тараннум этадиган оғир фожиавий мотивлари шеъриятимиздан узоқ эмас. Унинг ўлим, оғир йўқотиш ҳақида ёзганлари асли ўлимга қарши тўхтатиб бўлмас ҳаётий кучнинг, юксак бир имон-ишончнинг исёни, ҳамласи, наъраси эмасми?! Музика шинавандаларига гоҳи шўх, гоҳи оғир куйлар ором бағишилагандай, китобхонни ҳам турмушнинг бутун қувончли ва аламли томонлари қизиқтиради ҳақиқатни, баъзан одамнинг боши не-не қийин савдоларни кечиришини, лекин унинг қалбида туганмас бир куч, туганмас меҳр ўти-отashi жойланганини шеърият омиллари билан очиб, кўрсатиб бериши лозим-ку, ахир. Ғафур Ғулом хотираси, Шайхзода хотираси Абдулла Ориповнинг оташин мисраларида ўзининг ифодасини топди. Бу – ҳаётний зарурат, поэтик зарурат эди. Жафокаш она руҳига бағишиланган ёки баҳтсиз, васлсиз севги таърифидаги лирик лавҳаларда ҳам қучли дардни, ҳаётбахш трагизмни ҳис этамиз. Бундай шеърлар китобхонга катта маънавий мадад, руҳий мадор бўлганидан, унинг учун зарур асарлардур. Ахир, оддий китобхон ҳаётини ҳам фақат шодлик ва табассумдан иборат, деб бўлмайди-ку. Ғамсиз-ташвишсиз, курашсиз, баъзан умрни қандай ном билан аташ мумкин? Инсон қонида, руҳиятида тириклик ўти тинимсиз мавжланиб турганидан, шу буюк куч, туганмас меҳр-оташ туфайли у тўғри келиб қолса, ўлим билан юзма-юз олишади, ҳаёт завқи, лаззати деб аччиқ аламларга, оғир синовларга бардош беради. Турмушнинг, инсон руҳий дунёсининг мана шу томонларини ўз кучи, имкониятлари даражасида бадиий ифодалаган ижодкоргина китобхон кўнглига, халқ кўнглига йўл топиши, унда ўрнашиб қолиши мумкин. Агар шоир китобхоннинг баланд руҳли, баҳтиёр дамлари, қувончлари билан баробар, дардларини ҳам чукур ҳис этиб, унинг қалбига йўл топган тақдирда даврнинг катта ҳақиқатлари – “қайлардадир инсоният фарзандларини дорга тортаётган” машъум ҳодисалар, умуминсоний ташвишлар ҳам ўзининг муносиб таъсир кучига эга бўлади. Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг ҳар қандай тубанликдан, ёвузликдан ғазабнок қиёфага кириши, инсоният душманларига нисбатан кўнглида муқаддас нафрат сақлаши шоир ҳазинлигининг асл маъносини англаш олишимизга ёрдам беради. муҳими, Абдулла Орипов кўпчиликни безовта қилган ҳаётий ўй-ташвишларни шахсий изтироблар тарзида ёниб, руҳан қийналиб, тўлғаниб ифодалайди.

Лекин шоир адашмайди, гўзаллик низоми, шахсий ва ижтимоий туйғулар меъёри сира бузилмайди, деб ким айта оларди? Абдулла Орипов интим мавзудаги айрим шеърларда маҳзун танҳоликка асир бўлади, анчайин эзилган, анчайин шикаста ҳол қиёфада кўринади. Шубҳасиз, бебаҳт севгидан етган руҳий зарбани – тошбағирлик ё хиёнат балосини бировга билдиришни ҳамма нарсадан оғир биладиган, киши ўз бошига келганини ёлғиз ўзи тортадиган дамлар бўлади. Аммо бари бир, ижодкор қандай вазиятда, нима туғдира ёзмасин, китобхон, халқ замон мужассами бўлган, қолаверса, унинг ўз қалби, имони тимсолидаги қудратли бир ҳакам уни кузатади, шоир буни доим ҳис этиб туради...

Юқорида талқин этилган мисоллардан кўринадики, шоир кўпчилик шеърларида деярли ҳар бир сатрга мумкин қадар каттароқ маъно юклаш, фикрни мумкин қадар кучли, жозибали воситаларда ифодалашни кўзда тутади. Лекин қизиғи шундаки, буни алоҳида, синчилаб қарагандагина сезиб оламиз, аслида фикру-хаёлимиз шеърнинг руҳида – мазмунида бўлади, унинг жисмини – шаклини гўё, “унутиб” ўқиймиз. Бу ҳам маҳорат сирларидан биридир. Энг муҳими, тўпламдаги бирор шеърни қайнок, дардли-оташли кайфиятлардан холи, шунчаки лоқайд кузатиш, ўйлаб топиш натижасида ёзилган, деб айтолмаймиз. Шубҳасиз, айрим бадиий камчиликлар топилиши мумкин, лекин эҳтироси сўни, зўраки шеър Абдулла Орипов табиати учун бегона. Буни “Бир тола соч”, “Онам вафотига” сингари қатламларида ҳам, “Чувалади ўйлардик...”, “Севги ўлими”, “Нечун тим қорадир арман кўзлари”, “Чексизлик”, “Севан кўли”, “Кўнгил у кунларни”, “Она”, “Рухим” каби миниатюраларида ҳам, ниҳоят, мазмунан салмоқдор йирик шеърларида ҳам ҳис этиш мумкин.

Абдулла Орипов образлиликни турли белги-аломатлар, мажозлар товланишида, ташқи рангдорликда, деб билмайди. Шоир сўзнинг сифатловчилик, изоҳловчилик, изоҳловчилик хусусиятларидан кўра, кўпроқ ва асосан, унинг асл маъносига биринчи қиммат беради, ёрдамчи-ташбеҳловчи сўзларга катта бир зарурат сезилгандагина мурожаат қиласи, натижада айрим бир сўз ёки қатор сўзларнинг мантиқий бадиий бирикмаси ҳам ғоя, ҳам образ учун хизмат қиласи, яъни ҳар бир асосий сўз образли даражасига кўтарилади.

Ниҳоят, шуни айтиш лозимки, ҳар қалай биз “Онажон”да нисбатан маъно тоши енгил баъзи бир шеърларга, нисбатан оддий, ҳали умумлашма даражасига кўтарилмаган сатрларга, у қадарли аниқ, ўткир бўлмаган поэтик муқоясаларга (чунончи, “Илк севги” шеърида), айрим такрорий образларга (масалан, “Севги ўлим”да) дуч келамиз.

Ҳаёт, шеърият эҳтиросига тўла, курашchan ёшлик қуйчиси Абдулла Орипов тинимсиз изланиб, юксакликларни кўзлаб бормоқда. Эришганидан қониқмаслик ҳисси, кечаги кунга танқидий назар ташлай олиш салоҳияти, том маънодаги поэтик янгиликлар яратиш туйғуси унга янги ижодий самаралар, янги қувончлар келтиришига шубҳа қилмаса бўлади.

## ТАБИАТ РАНГЛАРИДАН ЛИРИК ОБРАЗЛАРГА

Алишер Навоий ғазалларини чуқур назар солиб, уқиб ўқиганимиз сайин улардаги чуқур фикрлар, яширин гўзалликлар бир-бир очила боради. Бу бизни такрор ўқишига, ҳар бир байт, балки мисра замирида ётган шоирона муддао, турли фикр-қарашларни синчковлик билан англаб, илғаб олишга ва муҳокама қилиб кўришига ундейди. Газалиёт даргоҳига олиб кирувчи дастлабки қизғин тассурот, умуман, Навоий ижодига, жумладан, унинг лирикасига хос икки муҳим хусусиятни аниқлаб беради; 1. Шоир лирик қаҳрамоннинг ўй ва ҳислари мавжи, тинимсизлиги; 2. Шеърий безакларнинг ранггинлиги, серқирра, сержило лирик образлар. Биринчи ҳолат – эмоционаллик, табиий равишда, ғазал сатрларига жон, рух, ҳарорат бағишлийди, шоирнинг том маънода ҳассослигини кўрсатиб туради. Кейингиси – шарқ поэтикаси принципларига асосланган образлилик Навоий тасарруф этган битмас-туганмас сўз, ифода имкониятларини, шоир лафзининг нафис ва латиф жиҳатларини очиб беради.

Аслида шоирона тасвири билан шеърий безакларни, муқоясаларни бир-биридан ажратиб текшириш қийин. Бир қарашда шоирнинг лирик қаҳрамони –ошиқ (баъзан мутафаккир) кечинмаларида ҳиссиёт кучи ортиқдек туюлади. Маъшуқа қиёфасини чизишида эса, туман хил шеърий бўёқлар қўлланганини, кўз қамашадиган тасвирни, сеҳрли суратларни билан пайваста эмасми? Шу нарса эътиборни тортадики, Навоийнинг ўзи шеърдаги эҳтирос кучига - !дард ила сўз! (ўт)га биринчи чиммат беради:

Эй Навоий, сену Хисрав била Жомий таври,  
Санъату рангин кўй, сўзда керак дард ила сўз.

Биз Навоий лирик қаҳрамонининг шу “дард” билан ёниши –қалб түғёни, шунингдек, унинг ифода йўллари, воситалари ҳақида, ҳиссиёт билан гўзал хаёлот, фикр билан образ бирлиги хусусида сўз юритамиз. Навоий ғазалиётининг тасвир миқёсига, сўз бойликлари ҳисобига етиш қийин. Биз уларнинг бир жиҳати – шоирнинг табиий борлиқ жисмлари ва ҳодисаларидан шеърий ташбих сифатида фойдаланиши, азалий ранглардан лирик образлар яратиш санъати устида тўхталамиз. Навоийнинг санъаткорлик даҳоси шундаки, аксари ниҳоятда сиқиқ – лаконик образларда, миниатюр тасвирда

шоирнинг катта ўй-муддаоси, фалсафаси, нозик ишораси, кинояси яширин, мажозий маънолар заҳар этади; баъзан маълум фикр ўзининг тармоқларга, демак, ифода шохобчалариға эга бўлади. Шунинг учун ҳам Навоий ғазалларини, ундаги қатор байтларни, бизнинг назаримизда, аник, чукур, деталлашган таҳлил билангина тадқиқ қилиш мумкин. Бу, шубҳасиз, гениал шоир маҳоратининг турли қирралари, сирлари, унинг ижодий изланишлари хақида янги тасаввур беради.

Шоирлар ўз туйғулари ва таассуротларини ифодалаш учун аксари табиатдан нисбат қидирдилар. Бунинг боиси нимада? Беихтиёр улуг мутафаккир В. Г. Белинскийнинг муҳим бир фикри эсга тушади:“Табиат яратган ҳар бир нарсада, унинг энг қуи жисми бўлган маъдандан тортиб то энг юқори жисми бўлган инсонгача – ҳаммаси мукаммал бўлиб, етишмайдиган ва ортиқчалик қиласидиган ҳеч бир нарса йўқдир; балки ҳар бир мучга, ҳар бир томир, ҳатто оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган қилдан нарса ҳам зарур бўлиб, жой-жойида туради”.

Алишер Навоий табиатдаги мана шу такомилни шеъриятга кўчириш, “азал мусаввири” – табиат рассоми чизган нафосатни назм санъатига татбиқ қилиш учун тинимсиз изланганини шоир ғазалларидан сезиб олиш мумкин. Шеърий нисбатлар табиат бўёқларидан нозик дид билан сайлаб, саралаб олинади, ҳатто ёввойи жонзотлар, совуқ жисмлар, ғайри инсоний ҳодисалар латофат рамзига, кўнгилга марҳам, уни илитувчи, тўлқинлантирувчи жозиба манбаига айланади,. Шоирнинг лирик қаҳрамони – табиат ошиғи, унинг ўз ажойиботлари ва зиддиятлари билан ақлни шоштирадиган бағридан беҳад завқ олади, гаштига тўймайди, ҳайратланади, рашқ қиласди...

Маълумки, Навоий зоҳид уйдирмаларга қарши бориб, у билан ошкора мунозараға киришар экан, заррадан қуёшгача, лоладан инсонгача туман хил тусга кириб товланган олам шоирнинг кўз ўнгига туради. Хуллас, Навоийнинг тасвирий безаклар, шеърий бўёқлар учун табиатнинг бой ва сахий бағрига қайта-қайта мурожаат этиши тасодифий бир ҳол эмасдир.

Чаман саҳифасида сабза демаким гардун

Тараб сўзини яшил хат била савод этадур.

(Ш том, 148-саҳифа.)

Лирик қаҳрамон – ринд табъ ошиқ (ё мутафаккир) учун оддий кўклам яшиллиги ҳам руҳий оромгоҳ. Навоий талқинида жамъи нафосат олами инсон учун хизмат қиласди; табиат сабзаларни ҳам маъносиз яратмаган... Майсаларнинг саҳифадаги хатларга, ҳарфларга нисбат берилиши, бу – шоирнинг ҳаётбахш ниятини ифода этиши лирик ҳарорат билан ҳарир тасвирийликнинг уйғуналигини кўрсатади.

Шуни айтиш керакки, Навоий қанчалик табиат ошиғи бўлиб, боқий гўзалликни қадрламасин, унда натуралистик майл йўқ. Табиий бўёқлар энг қуюқ берилган сатрларда ҳам шоирнинг инсоний идеали аён сезилиб турди.

Гул қизил, сориф эмас, гулшанда мен кўрган замон,  
Оқ гул эрдиким, неча ранг ўлди ул юз рашкидин.

(II том, 503-саҳифа.)

Гар гули раъно қизил, сориф кўринур, важхи бор,  
Ҳар дам айлар они чеҳранг инфйоли ўзгача.

(II том, 311-саҳифа).

Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур коним,  
Будур комимки, шояд учрагай сарви гуландомим.

(IV том, 540-саҳифа.)

Табиат мўъжизаларини, масалан, гулларни инсон идрок қилмаганида уларнинг сехрли гўзаллигига, неча хил тус билан товланишида нима маъноду қандай қиммат бўлар эди? Лирик қаҳрамон – ошиқ ўзининг одамий диди билан ижтимоий ҳаётнинг турли ақида ва низомларидан юқори кўтарила олади. Унга кўнгил хушлаган сайгоҳда бирга кезиш, нафосат ва хушнудлик жомини сипқориш учун инсон наслидан, мардум миллати ва мазҳабидан бир гулрў, ҳамдам бўлса бас:

Умрдин бир субҳ олғин баҳраким фасли баҳор,  
Лола ҳам жомин тутубдур нарғиси жоду била.  
Настаран ё сунбул оллида бўлунг хушҳол икав,  
Гар хитойи бирласен, саргарму гар ҳинду била.

(IV том, 540-саҳифа.)

Шоир табиатининг турли сўлим кўринишларидан лаззатлангани каби турк (ўзбек) йигити – мусулмон билан ҳинд ё хитой қизи – буддийнинг кўнгил майлини, эзгулик ва гўзаллик туйғусини баробар билади.

Навоий шеърий безак учун самовот жисмларига тез-тез мурожаат этади. Чунончи, қуёш билан ой нисбатини мутаносиблиқда берар экан, у ўз даврининг астрономия мактаби таълимотига суюнади, илмий тушунчага бадиий-фалсафий тус киритади:

Қамар даврида ёруғлиқ изини кўрмагай кимса,

Күёш рухсориға гар тушса холи тийра шомимдин.

(IV том, 465-саҳифа.)

Ажойиб хаёл: ошиқнинг ҳажр шоми шунчалар қораки, ундан юздаги хол қадарли соя тушгудай бўлса, қуёш тутилиши, ойдин кечалар (“қамар даври”) бирдан қоронғиланиши мумкин. Қамар, қуёш, ёруғлик ва тийра шом – табиатдан олинган бу анъанавий ташбиҳлар орқали фурқатдаги ошиқ кайфиятини, руҳий исёнини очиб берувчи лирик манзара чизилади.

Навоий табиий тус ва ранглардан оддий, лекин қайтарилемас ташбиҳлар топади. Гарчанд шоир хаёл, тасаввур доирасида шеърий сувратлар яратса ҳам, унинг лирик қаҳрамони – ошиқ Навоий кечинмалари реал ҳаётга яқин.

Шамъсиз тун бўлса, яъни соя доги бўлмаса,

Гар Навоий бўлса бир дам дилситони ёнида.

(I том, 584-саҳифа.)

Висол дақиқаларида кўнгилнинг мутлақ хилватгоҳни исташи, ўзида йўқ майли, таърифан ташқари кайфияти қанчалик табиий ифодаланади! Қийинчилик билан эришилган мулоқот баҳтига бирор жонзотгина эмас, ошиқ-маъшуқларнинг ўз соялари ҳам халал бермаса, жонбахш ором бузилмаса... Севишганлар учун ойгача яширган, бирон бир шарпа сезилмаган, кўнгиллар зарбини баъзур туйиш мумкин бўлган афсонавий сокин кечаги “шамъсиз”, “соясиз” нисбатларида бериш лирик образ яратишнинг ноёб намунасидир. Шоир ғазалиётда анъана бўлган тушунчаларнинг бирини – фараҳбахш ойдин тунни кутилмагандан манфий талқин қиласи ва, аксинча, одатда мушкул, фоже маънода қўлланадиган қоронги кечага мусбат таъриф бериб, уни ишқий мулоқотлар учун тенги йўқ фурсат, деб билади.

Шоир табиат ҳодисаларини бадиий нисбатга айлантиришда чекланмаган имкониятларга, фақат ўзи қобил бўлган имтиёзларга эга. Кўпинча манфий маънода қўлланадиган тун рамзига мусбат хусусият берилган сингари субҳ рамзи ошиқнинг хушнуд кайфиятини кўрсатиш билан кифояланмайди:

Жон топай деса субҳидин вале ғофилки, субҳ

Чок этиб кўнглак, сенинг ҳолингга тутмиштур азо.

(IV том, 24-саҳифа.)

Тонг палласининг беназир гўзаллиги ҳам ошиқ дардига малҳам бўйлмаслиги, шарқ осмони касб этган гулгул манзара кези келганда мотамсаролик тимсолига айланиши таажжуб ҳодиса эмас. Ҳаёт шундайки, табиатнинг сўлим бафри жабрдийда кишини баъзан овутиши ё, аксинча, оғусига оғу қўшиши мумкин. Даврнинг ғаддорлиги, кетма-кет келтирган совуқ хабарлари тасаввур қилганда, субҳидам латофатининг нега ошиқ ҳолига “аза тутиш” нисбатига айланганини англаб олиш қийин бўлмайди.

Одатда ижобий маъноларда, нафосат тимсоли бўлиб келадиган табиат ҳодисалари, самовий жисмлар шоир кайфиятининг танқидий асноларида ўз хусусиятини ўзгартади. Шафақ, тунги осмон, юлдузлар ва бошқа маънолардаги ташbihлардан (ҳатто энг интим маънодаги гул, булбул, ҳилол рамзларидан) бевосита XV аср воқелиги тасвирланади - қир-ин урушлари, бегуноҳ қатллар, ахли дониш, фақиру фуқаро бошидаги тўзимсиз шўру ғавғоларнинг шеърий акси яратилади:

Вафо ахлинини кўп қилур гардун,  
Шафақму эркин ё қўлу қонму эркин?

(II том, 502-саҳифа.)

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қилғон заҳр пинҳон хотаме

(II том, 327-саҳифа.)

Самовий жисмлар, ҳодисалар шеърий нисбат сифатида шоир лирик қаҳрамонининг аламли, изтиробли кайфиятини ҳам, руҳий енгиллигини, сафобахш туйғуларини ҳам ифодалаши мумкин. Мана осмон, шафақ образларида айни бир мазмун англашилган икки байт:

Ложувардий чарх жомида шафақдин қуиди май,  
Куй шафақгун бода сен ҳам ложувардий жом аро.

(IV том, 12-саҳифа.)

Тутти кўк ферузаранг жомини шингарфи булат,  
Соқиё, нилуфарий жом ичра гулгул бода тут.

(III том, 42-саҳифа.)

Шоирнинг сўз танлаш, ундан фойдаланиш маҳоратига разм солайлик: жомни осмон, майни шафақ рангидага тасвир қилишнинг ўзиёқ диққатни тортади. Биринчи байтда табиат манзараси учун ҳам, лирик қаҳрамон – ошиқ кайфиятини ифодалашга ҳам “ложувардий”, “шафақгун” сифатлари тақрор

қўлланади. Лекин мазмунан айнан ўхшаш бўлган иккинчи байт ўз безаклари билан ажралиб туради. Унда табиий кўриниш тасвирини чизувчи “нилуфарий”, “гулгул” ташбеҳлари билан алмашади. Шундай қилиб, шоир кузатган ягона ният – ҳаёт, хушнудлик ғояси аслида бир хил рангларда (кўк, қирмизи), лекин ҳар гал оригиналликни сақлаган бир неча образда берилади: ложувардий, шафақгун, ферузагун, шингарфи, нилуфарий, гулгул.бинобарин, ҳақиқий образ, лирик сурат анъанавий умумиятдан, ўхшаш хусусиятлардан қатъии назар, ҳар бир конкрет ҳолда фақат ўз ўрни ва жтлосига, ўз тузи ва оҳангига эга бўлади. Бу – унинг қиммати, янгилиги ўлчовидир.

Демак, шоирнинг санъаткорлиги адабий истеъмолдаги ташбиҳларга муносабатида, уларга янги кирита билишида ҳам кўзга ташланади. Ҳаётда муҳаббат азалдан то абад мавжуд бўлганидек, чунончи, чаманда гал ва булбулнинг яшами табиийдир. Шунинг учун шеъриятда гуд ва булбул ҳақидаги қўшиқ асрлар давомида эскирмайди, қадри кетмайди. Бунинг сабаби маълум: ҳар бир ўзига “мустақил даҳо” (Лессинг) саналган санъаткор анъанавийобразларга ижодий ёндашади, қалб кўри, ўз идроки, диди билан бошқалар талқинига янгилик киритади. Ҳаётда доимий шеърий мавзу бўлиб қоладиган гўзалликлар, мўъжизалар мавжуд, уларни ифодалаш воситалари битмас-туганмасдир. Бу ҳақиқатни дохиёна ҳис этган Навоий гул ва булбул образига мурожаат қилганида ҳар гал уларга ўз табъининг янги жилвасини бағишлиади:

Не учун киймиш қизил тўн даҳр бўстонида гул.

Гар оқизмоқ истамас ошуфта булбул қонини.

(I том, 400-саҳифа.)

Қилса кул жисмини ўртаб оташин ораз гули.

Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбуле.

(I том, 420-саҳифа.)

Гулнинг сифати шоҳлар ҳарбга кирганда киядиган қизил либосга рамз қилиниб, бу ранг булбул қонига мутаносибликда берилади. Бу мажозий манзарада Навоийнинг талончилик, босқинчилик урушларига ишораси ётади. Демак, анъанавий образлар санъаткорнинг юксак шеърий дидини, ошиқона хаёлнинг чиройли бир жилвасини, айни пайтда унинг ўз замонига муносабатини аниқ қўрсатиб бериши эътибори билан янги бадиий қиммат қасб этади.

Иккинчи байт ҳақида. Гул маҳбуба юзидан бир тимсол сифатида муҳаббат лирикаси билан teng умрга эга. “Рухсори оташ” бўлиши – офтобдай

куйдириши такорий нисбат. Қизиги шундаки, Навоий ўтнинг куйдириш хусусиятига гулнинг товланишини мувофиқ келтиради. Иккинчи мисрада оташ – гул билан бадиий-мантикий бутунликни ташкил этган бир неча булбул ҳақидаги фалсафа ўртага ташланади – ошиқ ўз жисмининг куйиб кулга айланишидан ҳадик қилмайди! Негаки, ишқ чаманининг булбули асли куйиб битса ҳам изсиз йўқолмаслигини билади, унинг ҳар сиқим хокидан ҳаёт бўстони учун бир булбул бино бўлади. Файлласуф шоир қадимги Юнондан, Ҳиндан ўтиб, Ўрта Осиёда ривожлантирилган диалектик таълимотга содик қолади: ҳамма нарса ҳаракатда, ўзгаришда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда, ўлишда ва туғилишда давом этади – бор нарса йўқолмайди (Навоийнинг аввалги бир талқинимизда келтирилган “тухм ерга кириб чечак бўлди, курт жондин кечиб ипак бўлди” фалсафий сатрлариниэслайлик). Байт таҳлили айтиб турибдики, санъаткор шоир ҳатто энг оммалашган анъанавий образларни ҳам ижодий ишлаб, сайқаллаб, уларга янги умр бағишлиши мумкин.

Даҳр бўстонида буқим, чок гул кўнглаки,

Булбул аҳволига гўёким азосидур анинг

(Штом, 197-саҳифа.)

Бу сафар поэтик тимсол учун гулнинг пора-пора, қат-қат тузилиши олинади, бироқ маҳбубанинг мусибатли, мотамсаро бир қиёфада тасвиrlаниши оригинал ҳодисадир. Замирида ошиқ-маъшуқларнинг фоже қисмати ётган гул – булбул рамзлари ўртасидаги ажиб мутаносиблик эътиборни тортади: табиатдаги зиддиятни қарангки, туни билан фифон қилган булбул ғунчанинг очилишини – васл тонгини кўролмай ҳалок бўлгану, гул ҳам очилган, бу энди гулнинг ўз “ёқасини чок этгани”, яъни азасидир. Шоир маҳбубанинг одат бўлмаган баҳтсиз ҳолини кўрсатиш билан аслида идеал ёр образи яратиш принципидан ихтиёrsиз чекингандай бўлади. Тўғрироғи, унинг реал ҳаётдаги ошиқ-маъшуқларнинг аччиқ қисматидан таъсирлангани сезилиб туради.

Бошқа бир байтда юқоридаги каби ҳолни – хаёлдаги “маҳваш”нинг кутилмаганда ҳаётий чизилган сувратини ҳилол тимсолида учратамиз:

Күёшнинг қурбидин ойким, ҳилол ўлғай эрур андоқ –

Ки бир маҳваш санга етгач, ер ўпмакликка бўлгай хам.

(II том, 237-саҳифа.)

Асли турмуш муҳтожлиги, йўқсиллик оқибатида фақир, бечораҳол кишилар бошига тушадиган хоксорлик ифодаси бўлган “ер ўпмоқ”, “боши ҳам бўлмоқ” ибораларини шоир ижодий ишлайди, яъни бу гал маъшуқа

ҳолатининг тасвири учун хизмат қилдиради. Таъсири жойи шундаки, бундан маъшуқанинг гоятда жонли суврати, классик шеъриятда кам учрайдиган чиройли “таслими” – васл айёмида қадди таъзимга келган қиёфаси намоён бўлади.

Навоий сатрларининг жозиба сири ундаги бадиий безакларнинг ҳар гал янги тафсилот ҳисобига ранггин берилишидагина эмас. Мазмундор ранггинлик билан мусиқийлик кўшилиб, мукаммал шеърий образ яратилади. Образлилик замирида теран фикрлар, лирик қаҳрамоннинг нотинч кечинмалари, қайноқ руҳий олами зухур этиб туради:

Ерга томғоч ашқи ҳайвон чашмаси бўлмоқ не тонг,  
Қайси кўз ичраки ер тутса аёғинг туфроғи.

(II том, 331-саҳифа.)

Байтдаги тасвирийлик билан эҳтирос кучига эҳтибор қиласлий: халқда энг азиз, севимли кишининг хоки пойи кўзга суртилиши ҳақида камоли ихлос билан гапирилади. Навоий мана шу таъсири нақлдан фойдаланиб, лирик манзара чизади: маъшуқанинг оёқ излари гардида мўъжиза бор, ошиқ муборак билиб кўзига суртадиган шу гард туфайли унинг кўз ёшлари оби ҳаётга айланади – қатраси томган жойда тириклик чашмаси пайдо бўлади. Табиатдаги сув билан тупроқ кўз ёши ва оёқ гарди тушунчаларига нақадар ҳамжинс олинади! Бу муҳаббат туйғусини қанчалар эъзозлайди, улуғлайди!..

Навоий ғазалиётида ошиқнинг кўз ёши қатралари кўпинча гавҳарга ташbihҳ этилади. Бироқ бу ҳол янги-янги шеърий лавҳалар яратиш учун монелик қилмайди:

Бироқ баҳона бирла руҳсорига еткайманму деб,  
Риштан жоним аро тортилди ашким гавҳари.

(II том, 333-саҳифа.)

Ҳажрнинг узундан-узун туюлган бедор кечаларида захмли жону кўнгилдан сирқиб чиққан кўз ёши қатралари ипга чизилган дурларга нисбат берилади! Бу анъанавий ташбеҳлашдан мақсад ошиқ руҳий ҳолатининг янги тасвирини чизиши: у маъшуқаа висолидан умид узган экан, лоақал қатра-қатра ёшлари гавҳарга айланиб (“жон риштасига” терилиб), маъшуқа эътиборини тортса, унинг руҳсорига яқинроқ борса!.. Разм солинг-а: ошиқнинг ўзи эмас, фироқ ёшлари ёр васлига етса! Бундан сеҳрли тасвир бўладими!..

Қуйидаги байтда ўша дур ташбиҳи бошқа тусда товланади:

Тонг эмастур ҳар бири гар бўлса дурри шабчароғ,

Оразинг ҳажрида тўқса ашкидин ҳар дона шамъ.

(III том, 82-саҳифа.)

Ёш қатрасида қуёшнинг миннатдор акси тинимсиз қўриниб туриши мумкинми? Навоий барча ушшоқ аҳлидан кўра, кўп ёш тўккан, бундан бутун бир денгиз пайдо бўлган экан, ҳар тонгда ошиқ қўзида ёхуд “денгиз”да қуёш акси жилваланишига ажабланмаса ҳам бўлади. Завқли жойи шундаки, “ҳар қачон қуёш акси”нинг бўлишидан –сўнгсиз йифидан мажруҳ дил ноласи англашилмайди, аксинча, ўз эътиқодидан қайтмас кўнгил эгасининг қиёфаси гавдаланади.

Навоий ҳар замонда табиатнинг ғоят кичик, нуқра, мўъжизакор қўринишлари – офтобдагина кўзга илинувчи заррадан ёки шабам қатрасидан шеърий ташбех яратади. Шоир зарранинг коинотимиз жисмлари ичida буюк бўлган қуёшга нисбатан энг қуий ҳолатини назарда тутади (уни қуёшни ўзида акс эттириши сифати билан қатра маъносида ҳам ишлатади).

Куёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,

Манга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

(IV том, 37-саҳифа.)

Навоий дафъатан табиатнинг ўзидаги ҳолни – қуёш эндиғина тиф урган палладаги сехрли манзарани нозик ҳис қиласи. Бирор нарса устида ё ҳавода бекарор турган зарранинг қуёш нурида жило бериши (айни шу пайтда гул япроғидаги шудрингнинг офтобда ярқираши) худди “титрагандай” қўринмайдими? Бу энг кичик юлдуз бир-икки сония ичida сўниши табиий. Демак, зарра (ё қатра) қуёш қаршисида “изтироб айлаши” бежиз эмас экан. Бу сирли манзаранинг маъшуқа ва ошиқ ҳолатларига нисбати ўқувчини таъсиrlантиради. Шоир маҳбубани қандай юксакликка, мислсиз қудрат аршига кўтаради-ю ошиқни не алфозга солади!

Навоий ғазалларида қуёш – зарра нисбатидан чиройли муболаға ва тафрит (литота – ўта кичрайтириш) ишланган талай байтлар учрайди, мана улардан бири:

Мен онинг хуснини кўрсам юз қуёш микдорича,

Заррадин мен оллида юз қатла бемиқдорроқ.

(III том, 237-саҳифа.)

Ошиқ хоксорлиги-ю маъшуқанинг буюклигини ифодалаш учун шеърий нисбат бундан зиёдроқ жило бериши қийин. Гарчанд Навоий шоирона фантазия – хаёл имкониятларидан фойдаланиб, маълум шеърий

усулга суянаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу чиройли тасвир замирида коинот ўзида бир қанча қуёшга teng жисмларни жойлай олиши ёки зарранинг яна парчаланиши мумкинлиги ҳақидаги фараз яширинмаганмикин, деган бир хаёлга ҳам боради киши. Эҳтимол, бу, умуман, жоиз эмасдир. Лекин ҳар қандай фантазияга ҳам реал борлиқ замин беради-ку! Навоийдек мутафаккир шоир анъанавий-романтик принципларда олам жисмлари ва ҳодисаларидан бадиий ташбих сифатида фойдаланаар экан, хаёл билан мантиқ доирасини, шубҳасиз, нозик фаҳимлаган: демак, зарур бўлганда ўз даврининг илмий манбаларига суюнган бўлиши ҳеч ажаб эмас. Бу фаразни бошқа мисоллар ҳам қувватлагандай бўлади:

Май ич даҳр ичраким, иш сирридин англай десанг рамзе,  
Эрур ҳар зарранинг моҳияти хуршиддин мубҳам.

(II том, 237-саҳифа.)

Шоир одатдагидай ўзининг лирик қаҳрамони зарра қадарли кўримсизлиги учун унуглигани, меҳрға зор эканини айтиб нола қиласди. Бироқ бу анъанавий нисбатлаш замирида нозик нуқта бор: гарчи қуёшнинг марҳаматсиз ошкор бўлмаса, англашилмаса ҳам, ҳар зарра ўз моҳиятига эга, ўз сири ва дарди бор. Шунинг учун файласуф шоирнинг “зарранинг моҳияти” ҳақида гапириши, ҳар ҳолда, бежиз бўлмаслиги керак.

Табиат бўёқларидан лирик сувратлар, шеърий нақшлар ишлашда Навоий қаламининг қудратига тасанно демай илож йўқ. Бунга юқоридаги намуналарданоқ амин бўлиш мумкин. Лекин шоир бадиият меъёрига, ҳаёт ва мантиқ мезонига шикасталик билан бўйсунади. Тасвир нечоғлик ранггин бўлмасин, муаллифнинг асл ва комил муддаолари, инсоний қарашлари, лирик қаҳрамоннинг ошиқона ёки файласуфона туйғулари кўриниб, сезилиб туради.

Сўз санъати, шеърият азалдан инсоннинг руҳий оламини, эзгу умидларини, нотинч, поёни йўқ ҳаёл ва ўйларини, ҳаётдан олинган гоҳ лазиз, гоҳ аччиқ таассуротларни туман хил ранг ва оҳангларда ифодалашга даъват этилган. Бу юксак талабга Навоий ғазалиёти ўзининг мукаммал ва нодир намуналари билан жавоб беради. Умуман, Алишер Навоий тасарруф этган бадиий имкониятлар ўз тафсилоти билан, характерли деталларда тадқиқ қилингани сайин унинг сўз лавҳасига, мисралар лавҳасига катта, теран маъноларни битиш, нақшлаш сирлари бир-бир очила беради.

## ШЕЪРИЯТИМИЗДА КЎТАРИНКИЛИК ТУЙГУСИ

Мунозарада қатнашган ўртоқлар ҳозирги адабиётимиз, унинг қаҳрамони билан боғлиқ қатор муаммолар устида фикр юритадилар. Инсоннинг маслак ва матлаби, фазлу камоли, унинг сурати ва сийратидаги ҳаётй белгилар ҳамиша санъаткор дикқат-эътиборини тортиб келади. Лекин типидаги коммунист образини яратиш муҳим муаммо. Бу – ҳаётдаги каби адабиётимиздаги ўзгаришлар, тараққиётнинг тақозоси. Кучли характер, реалистик образ яратиш кўп жиҳатдан қаҳрамоннинг инсон сифатидаги табиий белгиларини ундаги гражданлик салоҳияти билан мутаносибликда бериш боғлиқ. Норбой Худойберганов кўтартган бу масала шу куннинг талаблари билан янги аҳамият касб этади.

Шеъриятимизнинг ўз олами, ўз муаммолари бор. 60-йиллар шеъриятининг хусусиятлари, дафъатан, ҳаёт янгиликлари, кишилардаги ўсиш, ўзгариш билан боғлиқ. Шу куннинг маънавий-эстетик талаблари шеъриятга янги уфқлар ва теранликлар бериб, янги меъёрлар белгиламоқда. Ҳар қачонгидан кўра эътиқоди маҳкам, ҳофизаси кенг, маданияти, диди юқори, зийрак ва ҳушёр китобхонга нисбатан ишонч, ҳурмат ошиб бормоқда. Шу куннинг туман хил қувончли воқеалари, уларнинг тез ўсиб, улғайиб бориши – ҳаммаси ўз гўзаллигига эга. Буни ҳар бир ижодкор ўзининг характери, поэтик усуллари ва имкониятларига қараб турли томондан очади. Шоир мушоҳада, муҳокама қилган ҳаёт ҳақиқати ва гўзалликлари ғоҳ чукур, миқёсли таҳлил қилинади, ғоҳ фалсафий умумлашмага айланади, баъзан тўғридан-тўғри тасвирлаб, шарҳлаб ҳам берилади. Ҳа, мароқ билан ўқиладиган яхши тавсифий шеърлар бор, уларни бемалол угунги катта шеъриятимиз ютуқлари сирасига киритиш мумкин. Бу ўринда шоирона эҳтирос ҳақида алоҳида гапириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак, илҳомсиз ҳаётдаги табиий гўзаллик, инсон руҳий дунёсидаги шеърият мавҳумлигича қолган бўлур эди... Тавсифий шеърлар ҳамхида маълум ҳақиқатларнинг шарҳи бўлмай, балки шоир ҳис қилган, қайта яратган туйғуларнинг шеърий акси, поэтик ифодасидир.

Ижодий жараён денгиз каби бетиним. Бу тўхтовсиз ҳаракат ғоҳ тезлашади, ғоҳ секинлайди, дам шарпасиз, довруқсиз бўлади, дам гулдурос солади. 60-йиллар шеъриятида одатдаги олҳом самараси бўлган шеърлар ичида ногихона, шоир қалби кучли бир түғёнга келганда – муҳаббат ё нафрат алангасида туғилган, адабий жамоатчиликни ўзига қараганлари ҳам борлиги кувонарли ҳол.

Поэзия – умуман поёнига етиб бўлмайдиган, мисли йўқ бир олам. Бир қарасангиз, қўшиқдай таниш, оддий, равшан, дилга маҳрам” яна бир қарасангиз-чи, уммон қадар бир кенг, кўз гавҳаридай теран, кўнгилдай пинҳон, сеҳр-жодули... Ҳар ҳолда, шеърият дунёсини маълум ва номаълум жиҳатлари билан фақат шоиргина яхши билиши, унга аниқ тўғри баҳо бериши мумкин. Биз шоирнинг тайёр асарлари орқали фикр қиласиз, у бўлса яратилажак сатрлари ичидаги яшайди, демак, гўзалликни биратўла тасарруф этади.

Сени танидиму қалбда сеҳрли ганж.

Оlam гўзаллиги – қалбимнинг мулки.

Одам гўзаллиги – қалбимнинг мулки.

(Асқад Мухтор)

Биз учун шоир ҳадя қилган гўзалликлар – унинг шеърлари орқали олинган қувонч ўзи бир жаҳон. Қатрада қуёш акс этганидек, шеърларда шоир қалби, унга “ижозатсиз кириб чиқадиган” дунёнинг бутун севинчи, дарди, кудрати, латофати аёндир. Шоирона қалб – “дарчалари” дунёга очилган нафосат устахонаси, мисли йўқ санъатхона. Қалам номаълум, сирли ё ибтидоий гўзалликларга янги маъно, янги сифат бериб, одамларга тақдим этишга даъват қилинган экан, бу жиҳатдан шоир сахийлигига тараф топилмаса керак.

Шоир қалбини дарчаларидан

Талай товуш келиб киради.

Худди борлиқ парчаларидан

Яратилар дунё сурати.

(М.Шайхзода).

Эрка, қайноқ, асов ҳисларнинг тубсиз, уфқиз ўй-хаёлларнинг шеър сатрларига, мисралар тўқимасига айланиши кишини ҳайратга солмай иложи йўқ. Шеърий санъат, дастлаб инсон ҳислари ва ўйларининг ажойиб пайвандида, бутунлигига кўринади. Шу асосда сўз мулки тасарруф этган зоҳирий ва пинҳоний маънолар, неча хил товланишлар, неча оҳанглар воситасида гўзаллик яратилади.

“Литературная газета”да, марказий адабий журналларда қатор таниқли шоирлар, танқидчилар юритган эркин, мазмундор, аксар ўйлантирувчи баҳсларда турлича қарашларга дуч келамиз. Бундай ҳол ўзбек адабий танқидида ҳам мавжуд. Баъзан шеърий эҳтиросли интеллектдан айриб,

бирига алоҳида урғу бериб, бошқасини камситишга мойиллик ҳам сезилади. Албатта, ҳиссиёт ва фикрлаш нисбати турли шоирларда турлича бўлади. Лекин, бизнингча, шеъриятни бу нисбат билан эмас, балки даставвал, шеъриятни мазмун кўламига, салмоғига қараб фрқлаш, турга ажратиш мумкин. Бир лаҳзада, оний илҳом билан ёзилган шеърлар бор. Кишида маълум истак, хошиш, нимагадир қизиқиши, майл, берилиш бўлмаса, уни ҳис, эмоция замирида инсоний мазмун бор, шоир эса бунга аниқлик киритади. Айни замонда шундай шеърлар ҳам учрайдики, улар кўпдан шоирга тинчлик бермаган ғоя, гўзал, катта бир мақсад, кўнглига яқин мавзу устида юритилган мушоҳадалар, изланишлар, муҳокамалар, ниҳоят уларни умумлаштиришга туртки берган ҳис, кучли бир таассуротнинг натижаси бўлиб майдонга келади. Бундай шеърларда шоирнинг ўйлаб юрганлари, тажрибаси илҳом, эҳтирос амрига беихтиёр бўйсунади, шунинг учун уларда зоҳирлан фалсафий ўйлар кўзга ташланиб туради. Одатда фалсафий лирикатўғрисида гап кетгандификрга алоҳида урғу берамиз. Бу шу маънода тўғрики, **фалсафий лирикада шоирона таассуротлар, эҳтирослар муҳим катта фикрлар тарзида ифодаланади**. Туйғулар лирикаси деб аталган шеърлар эса, юқорида қайд қилганимиздек, бир неча нафаслик илҳом маҳсули; демак, катта фикрлар айтиш, чукур, кўламдор поэтик таҳлил ёки умумлашмалар бундай шеърларнинг характерига хос эмас. Уларга ғойибона, сирли, учқур ҳислар замирида, ҳиссиёт тилида фақат нозик фикрлар, ингичка маънолар, тутқич бермас ўйлар зухур этади. Ҳар ҳолда, лаҳзалик ҳислар лирикасида ҳам фикр бор, чунки фикрсиз, умуман, шеърият йўқ.

Узоқ изланишлар, беҳаловат ўйлар маҳсули бўлган катта фикрлар поэзияси замон руҳини, нафасини, унинг муаммоларини, тарих сирлари ва сабоқларини, ўчмас хотиралар ва келажак хаёлларини бадиий-фалсафий таҳлил қилувчи шеърлардир. (Бунга Мақсуд Шайхзоданинг “Хиёбон” шеъри яхши мисол бўла олади). Янги турдаги кўлами кенг шеъриятнинг фалсафасидан ёки публицистикадан фарқи ҳам унинг бадиий-поэтик хусусиятида. Бунда шоирнинг чексиз фантазияси оламнинг меъёрга айланади. Бинобарин, шоирдан бошқа ҳеч ким инсон тафаккурининг номаълум, фавқулодда нозик томонларига, хаёлий кенгликларга дадил, эркин, санъаткорона экспурс қилолмайди. У фанга номаълум ҳақиқатларни қидиравчи, тадқиқ этувчи файласуф олимдан фарқли ўлароқ, фалсафий фикр юритганда ҳам шоирлигича қолади; оламга, воқеа ва ҳодисаларга қанчалик реал ёндашмасин, ўзининг шоирона таассуротлари, қайноқ кечинмалари билан яшайди. Демак, дунёни чукур, миқёсли мушоҳада ва муҳокама қилувчи интеллектуал шеърият фаннинг меъёrlарига сиғдириб бўлмайдиган оламни ёки фан учун одди, умумий бўлган ҳақиқатларда яшириниб ётган гўзалликларни кашф этади. Фалсафий лирикада ҳаёт, замон муаммолари,

“инсоншунослик” масалалари бизнинг шууримизга, қалбимизга “ўрганиш”, “мутолаа” йўли билан эмас, беихтиёр таъсирланиш, эҳтирос орқали ўтади. Хуллас, фалсафий лириканинг “фикр эссенцияси”ни шоирона хисдан, кечинмадан, таассуротдан зинҳор ажратиб бўлмайди.

Фалсафий лирикада шоирнинг ҳаётий тажрибаси ва билими, илмий иқтидори катта аҳамиятга эга. Бу дунёни анализатор ҳис қилишга, шаклларда кўришга ўргатади. Fafur Fулом, Шайхзода сингари ўзбек шеърияти гигантлари турли фанларни, айниқса ижтимоий тарихни, адабиёт, санъат, фалсафа тарихини билиш билан кифояланмай, ҳали бу соҳада кўрчиликка номаълум сирлардан, қўллэзма ҳолидаги нодир ёдгорликлардан, халқнинг олим донишманд кексалари хотиротидан ҳам хабардор бўлган қомусий билимга эга эдилар. Бу уларнинг бадиий қувватига катта таъсир кўрсатди. Умуман, шоир бошқалардан яхшироқ билгани, яхшироқ ҳис этгани ҳақида гапиради. Шоир сўзининг кучи шундаки, у одамлардаги турли ҳис, турли ўй-фикрларни энг муҳим, қимматли нуқта, юксак ният, катта ғоялар теварагига тўплаш, умумлаштириш, китобхоннинг ҳаёт, инсон гўзалликлари ҳақидаги тасаввурини бойитиш, уни руҳан яна бир даражада ўстиришга хизмат қиласиди.

Бугунги фалсафий лирикамизда чукур ўйлар, фикрлар тасвири, бизни ҳам ўйлантирувчи салмоқдор мисралар тобора кўпайиб бормоқда. Уларда ҳаётнинг азалий зиддиятлари мустақил мушоҳада маҳсули тарзида янги бўёқларда берилади. Мана Шайхзода лирик қаҳрамонини безовта қилган ўйлар:

Ҳа, бетинч дунёда, ҳар сонияда  
Ғам билан хурсандлик панжалашмоқда.  
Ҳатто тафаккурда, ҳатто мияда  
Оқ билан қора ранг жой талашмоқда.

(“Ҳар сонияда...”).

Мухтасар ишланган бу лирик лавҳада биз бўлиб турган хилма-хил ҳодисалар дунёси, унинг улуғворлиги ва даҳшатлари бор маъноси моҳияти билан умумлаштириллади. Шоирнинг узок ўйлари, оғир, жиддий кечинмалари маҳсули бир неча сўз лавҳасига жойланади, шеърий нутқ оҳангига сингдириллади.

Фалсафий лирикада баъзан ҳаётнинг бир тафсилоти, унинг кўзга ташланмаган кичик нуқтаси – маълум тушунча доирасига беркинган катта

ҳақиқат, гўзаллик олами тадқиқ этилиб, кенг таҳлил қилиб берилиши ҳам мумкин. Асқад Мухторнинг қатор миниатюралари шундай ишланган. Шайхзода кўпинча ҳаёт воқелиги, давр ҳодисалари ҳақидаги таассуротларни шоирона меъёрлар билан саралаб, бир неча сўз образида жамлайди, фикрлар қаймоғи тарзида ифодалайди.

Туғилиш ва тўйлар, меҳнат ва ўтим  
Одамзод умрининг пояларидир.  
Хасталик ва соғлиқ, хато ва билим  
Борлиқнинг нури ва сояларидир.  
Азалий орзуладар яшар қалбимда,  
Тинчлик қўшиқлари ўйнар лабимда....  
Истайман: инсоннинг ҳарр бир лаҳзаси  
Ўтсин ўз инсоний силсиласида,  
Ҳаёт қонунлари қақшаб кетмасин  
Мудҳиш урушларнинг зилзиласида.

(“Ҳар сонияда...”).

Шу ўринда бир ўзгачаликни қайд этиш лозим: Шайхзода шеърлари кучли ҳиссиёт, ички тўлқин билан ёзилгани, унинг чуқур фалсафий мушоҳада ва муҳокамалари шеър сатрларига шиддат ва зарб билан қуилиб келгани учун одатда уларни ўқишида алоҳида уқув, маълум меҳнат, малака талаб қилинади. Бу, асосан, бугунги китобхон савиясига, фикрлаш иқтидорига шоирнинг ишониб қарагани билан боғлиқ.

Шоирона эҳтироснинг кучи катта, муҳим муаммолар билан белгиланишини Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев, Шукрулло, С. Зуннунова, Ж. Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърлари ҳам аён кўрсатиб туради.

Фалсафий лирикага томон катта куч билан ёппасига интилиш сезилиши ҳамма вақт бирдай кутилган натижага олиб келмас экан. Шу муносабат билан кўпроқ ёшларга даҳлдор баъзи танқидий мулоҳазаларни айтишга зарурат сезилади. Кўпчилик ёшлар шеъриятида (афсуски, баъзи бир “катта”ларда ҳам) юксаклик туйғусининг етишмаслиги, шоирона ниятнинг етилмагани оқибатида салмоқли фикр айтиш, асосий, зарур талабга жавоб қилиш ўрни майда, унчалик муҳим бўлмаган, умуман маълум гаплар билан тўлади. Кўпчилик ўртамиёна шеърлар шундан туғилади. Бу ҳақда

“Литературная газета” ҳам ташвишланиб ёзди (1968 йил 13 март). Ҳақиқатан, шеъриятнинг юксак, шарафли миссияни ўташга даъват этилган гўзаллик устахонасини айрим шоирлар майда, реза буюмлар хўжалигига айлантириб юборишганларига бефарқ қараб бўладими? Назмимиз дурданаларигина эмас, унинг доимий яхши намуналарининг ҳам ҳеч қачон қадри камаймаган. Яхши шеър ҳамиша, ҳамма ерда керак. Ўртамиёначилик, шеъриятдаги “резаворлик” биланкелишувчилик фақат бундай шеърларнинг кўпайишига эмас, янада кўнгилсизроқ оқибатларга олиб бориши мумкин. Қатор эҳтиrossиз, авжи суст манзумаларга разм солсак, шундай хулосага келамизки, уларда шоирона мақсад ўрни қўпинча шеърий воситага бўшатиб берилгани маълум бўлади. Яхши миниатюралардан шаклан андоза олиб ёзилган кўпчилик кичик шеърлар, рубоий номи билан эълон қилинган тўртликлар асосида ё муваффақиятли топилган битта ташбих, муқоясанисбат ётади, шеър асли шу ташбихдан мароқланиб, фақат уни шарҳлаб бериш учун ёзилганга ўхшайди. Ёки ҳаётдаги кичик-кичик фактлар, тафсилотлар, маълум ҳақиқатлар шеърият ўлчовлари, ҳатто анча тараашланган сўзлар билан қайд қилинади-да, шеър хуқуқини олади. Ваҳолангки, бу маълум даражада диққатни тортадиган тафсилот фақат тасвирий ҳалқа лирик манзара учун бўёқ, бирор янги фикрни айтиш учун восита-ташбих (эҳтимол, насрой асарда, масалан, ҳикояда бир кичик деталь) бўлиши мумкин. Ҳаёт тафсилотларига шунчаки шеърий тус киритиш шеъриятнинг мақсади эмас-ку! Ваҳолангки, фактлардаги бирор гўзалликни очиб, таҳлил қилиб бериш, ундан поэтик умумлашма ясаш – фақат шахсан илғанган ҳақиқатгина шоир мақсадига айланиши мумкин. Аскад Мухторнинг кўпчилик миниатюраларида ҳам шеърий муқояса-нисбатлар бор. Шоир биз аввал сезмаган ёки сезганда дурустроқ разм солмаган қизиқ фактларни ҳам восита, шеърий ниятнинг бир далолати сифатида келтиради-да, улар орқали каттагина фикрга, фалсафага ишора қиласди – янги гўзаллик яратади. Бизда ўзимизга руҳан “таниш”, тушунарли бўлган ҳис, фикр шоир ёрдамида бутун ёрқинлиги билан уйғонади.

Ортиқча шарҳ талаб қилмайдиган ҳақиқатларнинг шеърга кириб келиши, бу бир қанча тўпламлари билан истеъодини кўрсатган анчагина ёшларда содир бўлаётгани китобхонни афсуслантиради. Ҳатто баъзи таниқли шоирлар ҳам шеърий эҳтироснинг, шоирона мушоҳада ва муҳокаманинг кучига эътиборсизлик билан қарайдилар, аслида бугунги китобхоннинг кучига ишончсизлик кўрсатадилар. Даилислиз даъводан ёмони йўқ. Мана, кўплаб келтириш мумкин бўлган мисоллардан иккитаси:

Муҳаббат сўрамас ижозат,

Аммо кўп бу йўлда риёзат,

Ким бардош беролса, шубҳасиз,  
Бахтлидир ва руҳан бадавлат.  
Ҳар бир йилнинг баҳори бор, ёзи бор,  
Ҳар кўнгилнинг севгиси бор, рози бор.  
Ҳар нарсада ўзига хос бир хислат,  
Шоирнинг-чи, юраги бор, сози бор.

(Рамз Бобожон).

“Адабий мавзу”ларда ёзиш қанчалик масъулиятли. Лекин бу тўртликларни замирида аввал айтилмаган бирон-бир сўз, маъно, ишора яширинмаганмикин, деган умидингиз бари бир оқланмайди.

Баъзида анчайин ҳангома бўладиган, лекин ҳаётда истаганча учраб, қулоққа чалиниб турадиган “қизиқроқ” гаплар, ҳодисалар тасвири, жўнгина таассуротлар, енгил, баъзан эса чала – мавҳум кечинмалар шарҳи ёки классикларни такрорлашдан нарига ўтолмаган шеърлар шоирнинг ютуқлари деб эълон қилинади. Истеъдодли шоир, шеърият ҳақида дуруст мулоҳазалар билдирган Жуманиёз Жабборов Рамз Бобожоннинг ўртacha савиядаги “Севги сирлари” китобини, хусусан, муҳаббат мавзуидаги шеърлар ва тўртликлар жой олган бўлимларни шундай ошириб баҳолайди” умуман, рубоийга ҳақли талаб қўятириб, кўпчилиги оригинал бўлмаган тўртликлар тўғрисида индамай ўтади. Бизнингча, шоирга, унинг асарларига аслида йўқ фазилатларни тақиши унга асоссиз, сохта айбларни тўнкашдан кам зарар етказмаса керак.

Замона нидосига акс-садо бериш шеъриятнинг азалий ва асосий хусусиятларидандир. Бу 60-йилларнинг жаҳоншумул воқеаларига лозим даражада шеърий жавоб қилиш деган сўз. Замондошимиз асрлар орзуси, аждодлар хаёли бориб етмаган мэрраларни эгаллаётган, сайёрамиз устида “оёқларини кериб турган” (Межелайтис), катта ҳарф билан ёзиладиган улуғвор Инсондир Тўғри, 60-йилларнинг тинч қурилиш, ижодкорлик ритми инқилобий авлод яшаган, шиддатли кураш билан ўтган йиллар суронидан, сафарбарлик руҳидан фарқланади. Лекин бугунги қаҳрамон – давр фарзанди, ҳозирги илфор, баркамол авлод вакили. Унинг гўзаллик туйғуси жуда ўсган таъби жуда нозик, шу билан баробар у замон ва замон аҳлининг тақдири, ташвиши билан яшайди. Давр муаммолари шундай миқёсли ва улуғворки, тинчлик шароитига, ҳаёт осойишталигига қарамай, қаҳрамон руҳиятида хотиржамлик бўлиши мумкин эмас. Аввалги жанговар, муросасиз курашчанлик эндиликда ўйчан, мулоҳазакор курашчанлик билан алмашди, инқилобий кайфият ўрнини беҳаловат изланишлар руҳи, теранликлар руҳи

олди. Замондошимизнинг азмкор қудратини Асқад Мухтор шундай ифодалайди:

Ер хўқиз шохидатуар, деган экан,

Чала туғилиб ўлган бир чўпчак.

Ер инсон кафтида, деган ҳақиқат

Биздан замонларга ёдгор қолажак.

(“Асримизга розилик”).

Шоир давр туйғусига кенг маъно беради. унинг даврони неча ўн асрларнинг ушалган орзу-армони – ҳозирнинг мўъжизалари, эртанинг замини, куртаклари. Кечасиз бутун бўлмаганидек, “бугун ҳар она келгуси шодлик юкини ташийди”. У бугунги “эрклар мавсумида, дунё табассумида, саломлар тухфасида” коммунизмни аён кўради. Замон мазмуни, руҳи шоир қалбига қўшиқ бўлиб қуюлади, улар бир вужудга, гўзаллик яратувчига айланади, бундан шоирнинг лирик қаҳрамони барҳаётлик касб этади.

Асқад Мухтор давр тимсолида меҳнат, кураш ва жанглар билан ўтган ярим асрлик тарихимизнинг шеърий умумлашмасини беради. одам измига, иродасига бўйсундирилмаган вақт маъносизгина эмас, қўрқинчли ҳамдир, у умрни шафқатсизлик билан елга совуриши мумкин. Лекин озод инсон, юқсанғоя ва маслак эгаси – совет кишиси ўзининг мислсиз шиҷоати билан табиатнинг асов вақтни, ойлари ва йилларинибуюк бир даврга айлантиради.

Биз уни

Батамом ҳукмимизга олиб,

Тарашладик шаклу шамойилини

Энг муқаддас ном билан атадик,

Граждан деб билдик ҳар бир йилини.

(“Вақт”).

Шоир давр мазмунида халқ қаҳрамонлигини, у берган қурбонларни, эришган ғалабаларни, партия иродаси ва даҳосини кўради. Биз шоирона эҳтирос ва идрок қувватидан бугунги қаҳрамоннинг замон, тарих, келажак билан чамбарчас боғлиқ бўлган тақдири, руҳий олами ҳақида катта таассурот оламиз.

Асқад Мухтор лирикасидаги давр руҳи шоирнинг ўзига хос тасвирий усулида ҳам кўзга ташланади. Авторнинг ўзи қайд этганидек, у кўпчилик шеърларида замондаши – китобхон билан бевосита сухбат қуради, бугунги

китобхон қарашлари ва талабларидан узоқлашмасликка интилади, уни қийнаган саволларга лозим даражада жавоб айтишни, очик фикрлашишни, дардлашишни, мавриди келса мунозара қилишни истайди. Бу шоир сатрларига ўзига хос тароват бағишлийди. Асқад Мухторнинг айрим шеърлари **мунозаралари томонлари билан ҳам жозибалидир**. Фикримизнинг далили учун сарлавҳасиз бир шеърни кўздан кечирамиз. Магазин-салондаги қишлоқ кўриниши акс этган сурат ўзининг бадиий кучи билан сурат ўзининг бадиий кучи билан болалиқдан таниш, ғоят қўнгилли манзарани жонлантиради. Шоир лирик қаҳрамонини эгаллаб олган дилдор туғридан китобхон дахлсиз қололмайди. Айниқса, табиатнинг шу асл кучогида ўсган, уни анча вақт кўрмай соғинган киши шоирдай ширин хотиротга берилади. Бундай вақтда ҳар бир шеърнинг барчага бирдай таъсир қилиши шарт эмас, деган ўйга ҳам борамиз. Ҳар ҳолда, Асқад Мухтор ками билан ўз мухлиси, ўз китобхони бўлган шоирлардан. Шундай мухлислар қўнгилдагини топиб айтганини қуидаги манзара намунасида қўриш мумкин:

Кўзга иссиқ бўғотдаги чумчук уясигача  
Лолазор том, онам товуши, қўштегирмон кўприги.  
Гузардаги ғужум сада, азизларим, сизмисиз?  
Наҳот сизни яна топдим? Намланади кипригим.

Шеър бизнинг азиз туйғумиз, эзгу истагимизга бағишлигандай туюлади. Бундан кейинги сатрлар бўлмаса (ёки шеър шу руҳда ривожланса), ўша расмдан жонланган қадрдон манзарага тикилган шоир сингари лол ва беҳол қолиб ҳузур қилсак майли эди... Балки бу шахсий кайфиятдир, лекин шеърнинг охирги тўрт йўли бизнинг айни тотли, жўшқин завқимиз, фароғатимиз устига бамисоли совуқ сув қуйгандай бўлади:

Шеърнинг бирдан ўзгарган оҳангни ва бўёқлари харидор билан бечора кассирни кўзимизга совуқ қилиб қўрсатади. Гўзалликка салбий муносабатда, ё бошқа бирон масалада уларни айблашга асос борми? Шоирда ҳам бундай ният йўқдир. Хўш, бўлмаса у нима демоқчи? Ҳар ҳолда, аввалги ширин кайфият билан аслида ҳажвий тусга кириб қолган бу сатрларни ўқиш малол келади, алам қиласи кишига. Бу алам заҳри ўша харидор аёл ромга қўл чўзиб шоир дилини оғритганига ўхшаб кетади. Эҳтимол, шу охирги тўрт йўл ёзилмаса, шеър ҳам яратилмаган бўларди, унинг бутун кучи, жозиба сири шу “алам қиласи жойи”дадир. Шеъриятда ҳаётдаги каби турли муқобил тушунчалардан образлар яратиш ҳодисаси кўп учрайди. Шеърият ҳислар, фикрлар кураши, улар тўқнашувидан учқун, ўт, жозиба ҳосил бўлади. Шу жиҳатдан расм жонлангандаги тотли кайфият, “киприклар намланган” юксак туйғу ва бу билан ёнма-ён шоир “ёшлигини қўлтиғига қисиб кетиш”, “туфлаб

пул санаш” тасвирлашини ҳам унчалик ажабланарли эмас. Турмушда айни вақтнинг ичида кўнгилли ва кўнгилсиз ҳоллар учраб туради. Лекин, бизнингча, бундай пайтда шеър бўёқларига фақат шоирнинг ўзи кирита оладиган қандайдир тузатишга, нимадир аниқланишига, шу тарзда шеър оҳангидага тугал мутаносиблик тикланишига, агар икки ҳис тўқнашадиган бўлса, уларни шоир бунга мантиқан етарли тайёрлашига эҳтиёж сезилади...

60-йиллар шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири замонамизни улуғ аждодлар тарихи деб билган, зулм ва жаҳолат булути ичида ақл, даҳо чақмоқлари қудратини сақлаган кечмиш билан боғлаб тасвирлашдан иборат. Шеъриятда бугунги ўтган қунлар билан муқояса этиш янги усул эмас, лекин бу кўпинча бир ёқлама бўлар, фақат зулм, жаҳолат тантанаси, унинг сўнгизи даҳшатлари тилга олинарди. Аслида зўрлик хурофот салтанати бошқа буюк кучдан-инсон ақли, закоси, унинг эрк, ҳақиқат ва гўзалликка чанқоқлигидан, исёнкор ва курашchan табиатидан доимий таҳлика қилиш, хавфсираш оқибати эмасми? Нега эркин фикрли шоир, олим “жоҳу мол аҳли”ни, шайху зоҳид тоифасини даҳшатга соларди? Ўтмишимизнинг асрлар тумани остидаги зиёларини, ошкор ва пинҳоний даҳоларини, фидойи кишиларини, уларнинг муборак хотиротини қанчалик ҳурматлаб ёд этса оз. Ҳар бир катта ё кичик ҳалқ ўзининг миллий ифтихори, кечмиш жароҳатлари ва улуғворлигининг аччиқ, айни вақтда тотли ҳисси билан яшайди... Faфур Fулом, Шайхзода, Миртемир шеърларидаги теранлик, замон образини аждодлар меҳнати, удуми, орзу-армонлари билан боғлаб яратиш айрим истеъдодли ёшлар ижодига ҳам хос хусусият. Уларнинг давр садосига янгроқ овоз билан жавоб берган энг яхши шеърларида яқин ва узоқ тарих жонланади. Шуниси яхшики, ёш шоирлар ўтмиш мавзуига, экспурсга ортиқ берилиб кетмайдилар. Масалан, Абдулла Орипов даврнинг ҳаққоний, улуғвор образини яратишга мурожаат этади: ўз замондошини фаолликка, ғайрат ва шиҷоатга даъват қилиб, буни асослаш учун ота-боболар йўлига, фидойилигига лозим эҳтиром билан фахрия айтади:

Кўзларингни очгин, қара дунёга,  
Дўстим, ҳақиқатни ҳис эт бир замон.  
Сен учун, мен учун жангда мардона  
Миллион-миллион одам тўккан эди қон.  
Тарих бизлар учун жангга кирганда  
Нима керак яшаш ўргимчак мисол...

(“Альбомга”).

Шоирнинг бугунги кун мавзуида ёзилган, хусусан, ўзига тенгдош замондошларнинг қайноқ дунёсини образли тилда умумлаштиrolган “Авлодларга мактуб”, “Ўйларим”, “Баҳор” каби салмоқли шеърларида ҳам тарихийлик руҳи бор. Шеърий эҳтирос қанчалик ҳаққоний, шоирона ўйлар нечоғлик етилган, теран бўлса, табиийки, шеърда тасвиirlанган бугунги ҳаёт тарихий мазмун касб этади.

Хоҳ кечмишга бориб туташувчи, хоҳ ўз кучи, салмоғи билан бугунги куннинг “шеърий тарихи” бўлиб қолувчи ўй ва кечинмалар Шайхзода шеърларида (“Хиёбон” китобида) ажralиб туради. У, одатдагидай қаҳрамон дунёсини тутилмаган, оригинал образларда очади. Чунончи, хиёбон образи орқали шеърият оламининг поёнсизлиги ифодаланади; бу, даставвал, шоир кезиб ўтган унинг таржимаи ҳолига айланган жонли тарих, тақдир йўлидир.

Неча ларzon сояларда излар қолдиридим.

Неча ёзу, неча созу сўзлар қолдиридим.

Хиёбонлар яшар эди хотиротимда,

Балки ҳар бир қўшиғимда, нақоратимда.

(“Хиёбон”).

Шоир яна кезди, кезганда ҳам ҳеч вақт сезмаган эркинлик, чанқоқлик билан кезди. Бу ажиб йўлчи – сайёҳнинг завқ-шавқига, илҳомига, иштиёқига ҳудуд йўқ эди. У энди кўз етмас Ватанини, қардошлар диёринигина эмас, бутун оламни айлади, билмаган, кутмаган йўлларни босди, ўзи янги йўллар солиб ўтди, жисман, амалда кезди, руҳан, хаёлда кезди. Юрған сайин дунё гўзаллиги ортиб борди. Табиий, унинг қалби, эзгу умидлари ҳаммадан кўра она юрт йўллари билан боғлиқ бўлди:

Чиқиб қолдим Ватанинг кенг хиёбонига,

Хиёбонки, элтар ёруғ нур давронига.

(“Хиёбон”).

Йўлчи – шоир юрган йўлини шеъриятнинг катта йўлига, туганмас, пурфайз хиёбонига айлантирди.

Шоир дунёси, унинг лирик қаҳрамони дунёси деярли ҳар қаҳрамони дунёси деярли ҳар бир шеърда ўзгариб, кенгайиб боради. Чунончи, беморхонада хасталик дардидан ҳам кўра оламни шоирона ҳис қилиб бедор ўтган туннинг ўй-хаёллари табиийлиги, самимияти билан ўзига тортади. Шоирнинг ҳофизаси мунчалар кенг, қалби шу қадар туйғуни, безовта: ёз туни, табиатнинг уйқу билмас бедорлиги, ундаги “ётқизадиган докторлари”

йўқ чигирткалар, синчаларлар, бошқа неча турли жонзотнинг чарчамасдан нағмасозлик қилишидан сойнинг шиғиллаб келаётган овозигача, ошик-маъшуқларга уйқу бермаган қайси бир қўшиқ навосидан қоровулнинг чўзиқ унигача –

ҳар товушнинг бор ҳикмати  
ва ўз сабаби,  
борлиқдаги ҳар бир ҳодиса каби.

(“Товушлар”).

Шоир кечинмаларидан тунги оламнинг фалсафий образи туғилади. Қулоқ билан эшитилган, қалб билан туйилган ҳаёт, ундаги тинимсизлик олдида хасталик маҳрумликлари чекинади. Ниҳоят, меҳнат, ижод билан бошланадиган янги тонг даракчиси – илк субҳидам ели эсиб, унинг майин, сирли товуши – “ипак хиромонлиги” шоирга буюк умид, ишонч ваъда қиласиди. Унинг борлиғи гўё дунёнинг доимий тинимсизлиги билан бир вужудга айланади.

Товушлар бор, демак, ҳаёт бор.  
Товушлар бор, демак, ўлим йўқ.  
Товушлар бор юртнинг тунида,  
демак, жон бор унинг танида,  
демак, биз ҳаммамиз тирикмиз.  
Тириклиқда эса тиним йўқ.  
Умидворман, умидворман, муқаррар:  
хеч қеерда, хеч қачон  
яхши инсон ўлмайди,  
унутилмайди.

(“Товушлар”).

Қанот пайдо қилувчи бу умид, бу баланд рух, бу ўтли нафас шоир сатрларига, қаҳрамон дунёсига қанчалик теранлик беради!

Абадийлик рамзига айланган товушларни шоирона ҳис этиш қаҳрамон руҳиятидаги олийжаноб хислатни уйғотади – инсоннинг осойишталиги ва баҳти йўлида фидойилик кўрсатиш, давр жароҳатларига бирдам малҳам бўлиш ҳисси уни яна безовта қиласиди:

Шунча мадор, севинч ва ишонч  
қўйиларки, менинг хаста танимга –  
розман бутун куррамиз учун  
бир карра мен тортсам барча дардларни.

(“Товушлар”).

Ҳассос шоирнинг табиат тинимсизлиги билан рақобат қилувчи безовта хаётида ана шундай бурчдорлик туйғуси ҳоким, у бундан ўзига жон, рух олади. Зотан, ҳар бир шоирнинг доимий “дард” билан ўтказган умри асли унинг ҳузур-ҳаловати эмасми!

Табиатнинг азалий товушлари янглиғ шоирнинг такрорланмас ва унутилмас овози ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Лирик қаҳрамон нутқи, монологи деб юритиладиган таъбир Шайхзода, унинг қаҳрамони характерига айниқса мос тушади. Шоир ўзининг саноқсиз мухлислари олдида салобат билан пайдо бўлиб, гўё шеъриятнинг улкан саҳнасидан монолог айтади; ўқиганда сўзнинг шеърга кўчган мўъжизакор қудратини, маъно гўзаллик сирларини, ифода, жозиба усуllibарини тўла эгаллаган саҳна устаси – санъаткор виқори билан гавдаланади. Унинг ларзакор, зарбдор овози, донишманд-улуғвор оҳанганинига эмас, сехрли акс-садосини яширин маъно бойликлари, мусиқаси, хаётий кучи бир-бир аён бўлади.

Мана файласуф шоир соҳилда. У ўз мухлислари, барча азиз одамлар билан хаёлан сухбат қуради, бамисоли ўз таассуротларидан “монолог” айтади... Рига кўрфазининг сокин суви гўё ўзининг охири йўқ мовий уфқига тортиб, бошлаб кетади, яъни бундаги сувнинг бутун денгизлар, океанлар, турли иқлим сувлари билан чегарасиз, тўсиқсиз, бирга яшаши шоирни ҳаяжонлантиради. Унинг ўйлари, ҳислари денгиз суви тимсолида **жаҳоний мазмун, жаҳоний умумият** касб этади.

Худди шундай: шоирнинг юраги ҳам  
узоқ-яқин  
башар зотига ҳамдам.

Худди шундай: шоирнинг байтлари ҳам  
дунёning дардлари ва ташвишига,  
зафари, кураши, интилишига,  
ҳар жой, ҳар рангдаги истакларига,  
ростига, тушига, эртакларига

очиб кенг бағир

меъёр-ку ахир!

(“Соҳилда ўйланишлар”).

Бу байтлар шеъриятнинг нимага даъват қилингани ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Бугина эмас, унинг Шайхзода зоҳиран кўрсатмаган яна бошқа сифатлари тўғрисида ўйлаймиз. Шеърият – курашлар, ўзгаришлар, қарашлар ва ғояяларнинг нафис, образли, ҳиссий тарихи. Шунинг учун ҳам шоир ҳаёти, қаҳрамон дунёси миллий ва географик сарҳадларни босиб ўтган умумбашарий миқёсга, мазмунга эга. Курашчан ва олийжаноб қалбигина ижодкорга бундай миқёс беради. унинг кўнгли ҳамма вақт, ҳар қаерда ҳақиқат ва гўзаллик қидиради, шу тилак, матлаб йўлида оғир, аламли ҳиссиётларни ҳам кечиради. Қаҳрамон ўй ва ҳисларининг жаҳоний миқёси, улуғворлиги қатор шеърларда коммунист тимсолида ифодаланади.

Кишиликни бир бутун оила билмоқ  
ва ташимоқ уйқу билмас ҳассос юрақда  
куррамизнинг нашъалар ва дардлар юкин.  
...Дунёмизнинг шу эски хонадонини  
ранг-баранг инсон билан безатмоқ лозим.

(“Партбилет”).

Коммунист – қаҳрамоннинг бу ўй-ниятли асли шоирлик табиатига хос. Шоир учун ўз ва бегона ташвиш бўлиши мумкин эмас. У ташвиш бўлиши мумкин эмас. У севса, инсон зотини бирдай севади, ғазабнок бўлса, ҳеч кимни аямайди. Лекин санъаткор, дафъатан, ўз она ҳалқнинг фарзанди. Унинг бурчи фақат жаҳоний муаммолар ҳақида ёзиш билан белгиланмайди.. шоир ҳиммати – аввало, унинг ўз эли, ҳамюрларининг ҳаёти, касб-кори билан қанчалик ошнолигида; чунончи, унинг пахта усталарига, она тупроқ бағридан бошқа неча хил нозу немъат олувчи бобо дехқонга, боғбонга, ёғочдан, лойдан, ганчдан мўъжизалар яратувчи устага, шохи-атлас тўқувчиларга, севган иши – “ота касби” саналган бошқа соҳиби ҳунарларга, кенг феъл донишманд отахонларимизга, меҳри офтоб, кўнгли дарё онахонларимизга атаган шоирона сўзи, улар дилага мос байтлари бўлади. Ҳамма катта, ҳассос шоирларимизда бу яхши хислатни кўрамиз. Масалан, Миртемир қишлоқ аҳлининг фахри, обрў-эътибори бўлган “белида тўрт белбоғ”, “ақли луқмонлардан тўлиқ ва расо” бир нуроний чол ҳақида ёзаркан,

кўз олдимизда бобо дехқоннинг миллий қиёфаси – ўзбек қиёфаси гавдаланади.

Кўчалардан ўтар секин, салмоқдор,  
Ҳар одими ерга титроқ солгудай,  
Ернинг танобини торта олгудай.  
Ошкор бир савлат, ботирлик ошкор.  
...Меҳнаткаш инсонга хос кўрк ва савлат,  
Табиатдай барҳақ, барҳаёт, эзгу,  
Ҳа, пири бадавлат деганлари шу,  
Юз бир шоҳдан ортиқ пири бадвлат.

(“Оқсоқол”).

Халқ меҳнатнинг хосиятини, шарофатини ҳамма ерда бирдай улуғлайди. Лекин меҳнат ва меҳнат аҳлининг гўзаллиги маълум касб билан боғлиқ муҳим, характерли нуқталарда, турли зиддиятларда, хатто миллий аломатларда “яширинган” бўлади. Миртемир меҳнатни унинг бир ветерани – мўйсафид дехқон тимсолида мадҳ этади, қишлоқ ҳаётининг ҳали шеъриятда тутилмаган тафсилотлари орқали аниқ, тиниқ лирик лавҳа чизади. Шайхзоданинг ўзбек дехқони шаънига айтган сўзи ҳикмат тусини олади:

Сен пахтанинг шоири,  
мен шеърнинг дехқони.

Асл дехқон билан асл шоирнинг қадри, назат-эътибори бири бириникидан қолишадими? Лекин бу икки сатр орқали шоир дехқонни, унинг азалий муборак касбини алоҳида шарафлайди. “Пахтанинг шоири” – дехқон ижодкорлиги тимсоли; шоир ўзини “шеърнинг дехқони” дейиш билан яна она табиат – ернинг ўз эгаси дехқонга бўлган меҳр-муҳаббатини билдиради. Ҳамма ҳунарлар ҳам, уларнинг нафис, баркамол даражаси, ижодий босқичи саналган санъат турлари ҳам табиатдан андоза, меъёр, ранг, тус олади, усул ўрганади. Табиийлик санъатнинг, шеъриятнинг ўлмаслигидир. Дехқон эса ўз касби билан табиатга ҳаммадан кўра яқинроқ туради; у билан бевосита алоқа боғлаб, teng ҳаракат қиласи. Бас, уларнинг ишини, самарини бир-биридан ажратиб бўладими? Шоир “мен шеърнинг дехқони” дейиш билан, бобо дехқоннинг мана шу табиий хислати, азалий

одатига таъзим бажо этади. Шайхзода ўзининг пахтакор эли билан ҳамкор, сардош, тақдирдош эканини бошқа бир шеърда ҳам чиройли ифодалайди.

Чигит билан бошлаб шеърим таржимаи ҳолини,

Ғўза тенги ёзниң олтин ҳавосини ютганман.

“Қаерликсан?” деб сўрсалар мен кезган шаҳарларда

Пиёлада ғўза нақшин манжат қилиб тутганман.

(“**Пахта ғазали**”).

Халқчил адабиёт, халқчил шеърият шоир ўзи кўпроқ, яхшироқ билган кишилар характерини, уларнинг турмуши ва одатларини бадиий таҳлил қилишдан бошлади. Ўз теварак-атрофини қозонмай туриб, дунёни билиб, дунёга танилиб бўладими? Ижодкор, аввало, ўзининг ғоят меҳнаткашлиги, олий ҳиммат, бағри кенг ва дўстпарварлиги туфайли мамлакатларни, иқлиmlарни қойил қолдираётган жондош халқининг миллий ифтихори билан яшайди. Бинобарин, **халқчил шоир ҳеч замон миллий ифтихорни интернационализм туйғуларидан айирмайди**, аксинча, ўз халқининг энг яхши одатларида, ўйи ва амалида, фикри зикрида, ваъдаси ва вафосида умуминсоний, бошқа халқларга манзур белгиларни кўради. **Интернационализмнинг моҳияти ҳам шунда, унинг илдизлари энг яхши соғлом миллий манбалардан қувват олади.** Нимаики соф, эзгу ниятда, пешана тер тўкиб, қалб қўри, кўз нури билан яратилган бўлса, умумбинсоний мазмун касб этади, ҳамма жойда қадрланади. Бу мавзуда улкан устозлар изидан бораётган истеъдодли ёшлар ҳам дадил қалам сурмоқда. Абдулла Орипов Ўзбекистон кузи тимсолида она халқнинг жаҳоний ҳимматига эҳтиросли мадхия айтади.

Эй қадим ҳалол,

Ризқи она ерга сепилган халқим.

Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол.

Миллион эгатларга эгилган халқим!

Бир нафас бошингни кўтаргину, боқ

Ер юзида ажиб викор ва нуфуз.

Сенинг ўзинг каби ўйchan ва қувноқ

Хушфеъл бўлиб келмиш тупроғингга куз...

(“**Ўзбекистон куз**”).

Ўлкамизнинг сахий далалари, сахий дехқонлари кўз олдимизда беихтиёр жонланади. Бу оддий факт, ҳаёт ҳақиқати шоирона ҳис этилган учун бизда кучли таассурот қўзғатади. Оламнинг қувончи ва дехқоннинг катта ҳиссаси бўлганидек, дехқон қиёфасида ҳам олам мазмуни, акси тажассум қиласди.

Ўлкамиз тупроғини, она ҳалқимизнинг кенг бағри, баланд ҳимматини тараннум этувчи яхши-яхши шеърларни ўқиб, асл маънодаги миллийлик ҳалқчилликда деган фикрга яна бир карра амин бўламиз. Ҳалқчиллик биринчи навбатда, шоир тилидан сезилади. Иттифоқ китобхони билан тез-тез мулоқот қилиб турувчи Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев шеърларида тоғликлар муҳити, тафаккури туғдирган сўзлаш усули, ўткир поэтик тил ҳатто таржимада ҳам аён билнади. Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Миртемир каби шоирларнинг поэтик тили (албатта, ҳар қайсиси ўз йўлида, ўз имкониятлари даражасида) тарашланган, ҳикмат ва таъбирларга бой ҳалқ нутқини эслатиб турмайдими? Талаффуз тили бойликларида ҳалқ характери, унинг дахоси зухур этади. Шунинг учун ҳам бундаги соддалик ибтидоий бўлмасдан, аксинча, инсон тафаккури тарихидаги турли “мураккабликлар”ни босиб ўтган комил, нафис, пурмаъно соддаликдир. Умуман, тилда ҳалқчилликка эришиш, кенг китобхонлар оммасини назарда тутиб ёзиш ҳар жиҳатдан хосиятли. Аскад Мухтор “Вопросы литературы” журнали саволларига берган жавобида қишлоқ аҳли алоҳида шеърларни талаб қилиш ҳақида муҳим гапни ўртага ташлайди. Шу муносабат билан шеърнинг китобхонга етиб боришида шаклнинг ролини қайд этиб ўтиш лозим. Қишлоқ аҳлига эмас, шаҳарликлар орасида ҳам шеърнинг кўпдан элга манзур бўлган, унинг ўз “миллий шеъри” ҳисобланган, поэтика тартибларига қатъий амал қиласидан ҳалқ вазнини ёки анъанавий – классик шаклларини севгучилар озми? Бу гап сарбаст вазн муҳлисларини ранжитмаслиги керак, албатта. Лекин, ҳар ҳолда қишлоқ ва шаҳар аҳли, ҳам ёшлар, ҳам ёши улуғ шеърхонлар эҳтиёжига пешвоз чиқиб, бой классик ва ҳалқ музикамизга хос равонликка, ўйноқиликка, мутаносибликка эришиш шеъриятимизга яна зиёдроқ муҳлислар келтиришига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Кўпчиликка, ҳалқа ёққан нарса узоқларга ҳам тез тарқалади. Ёшлардан айниқса Эркин Воҳидовнинг бармоқ ҳамда аруздаги шеърлари ҳалқчил соддаликнинг сирларини, ҳикматларини ўргатишга ва ўзлаштиришга шоирда кучли майл борлигини кўрсатиб турибди.

60-йиллар шеъриятининг қаҳрамонида замон ва замон аҳлига ҳар қачонгидан яқин, рўйрост, сидқидил муносабатни кўрамиз. Бу, асосан, инсон тақдирни билан доимо ошнолик, унинг дардига ошкор ҳамдардлик, олижаноблик ва фидойилик туйғуларида ифодаланади.

Ҳаёт изтироблари шоирона мушоҳада қилинмаса, яъни ҳақиқат ва гўзаллик мақсадларига бўйсундирилмаса, ўқувчини ҳаяжонга солиш ўрнига ғашини келтириши мумкин. Аввало, шоир алам-изтиробни ҳар қандай ҳолда ҳам унинг йўлдошидан – **ҳаётнинг доимий, нурли томонларидан** ажратиб олмайди, балки ҳаётни чукур, атрофлича ҳис этади, фикрлайди; изтироб қайноқ бир кечинма, ёрқин картина воситасида кўрсатилади. Энг яхши шеърларда лирик қаҳрамон бастакорга хос туйғун қалб, рассомларда бўладиган тез илғаб олувчи назар билан гавдаланади. Мана Шайхзода лирик қаҳрамони баҳаво Болтиқ соҳилларида кезган пайтларида кечган бир ҳолат, шеърий хотира:

Бу қумларнинг устида босилган муҳр каби  
одамларнинг оёғидан нақшлар.

Одамлар... Одамлар  
из қолдириб, сўз қолдириб  
ҳамиша қадам ташлар.

(“Иzlар...”).

Шоир асосий муддаони айтмасдан, катта умумлашмага ўтмасданоқ ҳар бир тафсилотга файласуфона назар ташлаб боради. Митти гўдак изидан бир оёқ ва қўлтиқ таёкли уруш мажруҳининг изларигача қанча-қанча одам қумда қолдирган “нақшлар”, уларнинг турлича тақдири шоирни ҳаяжон ва ўйга солади, бу кайфият бизга ҳам ўтади. Ниҳоят, шеърнинг охирги сатрларини ўқиимиз.

Аммо қумлар кўчади,  
қумда излар ўчади.  
  
Лекин бўлак излар борки, яшар умрбод:  
яхшилик ва ёмонлик,  
маърифат ва нодонлик,  
қўрқоқлик ва қаҳрамонлик,  
таҳлика ва омонлик,  
юракдаги қувончли хотиралар  
ёки битмас яралар...  
  
Мана булар,  
Дунёмиз уммонининг

Соҳилдан кўчмайди.

(“Излар...”).

Бир неча лаҳза ўйга толамиз: наҳот шоир айтган манфий нарсалар ҳам доим яшаса? Ахир биз ёмонлик, қўрқоқлик, таҳлика изларини, қай даражада бўлмасин, “умрбод” деб санашга одатланмаганмиз. Лекин такрор ўқиб, мухокама қилиб шу хulosага келамизки, бу – қаҳрамонона кечган умрнинг, омонлик ва яхшилик йўлида ёмонлик ва жоҳиллик билан юзма-юз олишагн, ўз қувончлари ва қўргиликлари бўлган авлоднинг нидоси... Уларнинг алами, нафрати шу авлод тарихида “из” бўлиб қолади. Бугина эмас, худди шу асрда қора кучлар, уларнинг ёвуз, тажовузкор ворисларини дунёнинг турли томонида ҳали ер кўтараётган экан, асрдошлар қайғуси билан ёнган шоир янада ҳақ бўлиб чиқади. Унинг кўпни кўриб, кечиргани, дунё ишларини, ташвишларини бошқалардан кўра ҳушёрроқ, чукурроқ идрок қилиши, тириклар олдида турган тирик муаммолар ҳақида ўйлаши бизга кучли таъсир этади, ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни анча тўлдирди, бойитади. Бу катта шеърият, катта шоиргина уддалайдиган ишдир.

Шайхзоданинг 60-йилларда яратган кўпчилик шеърларида юқоридаги каби “кувончли хотиралар” билан ёнма-ён “битмас яралар” тасвири қўзга ташланади. Бу бежиз эмас, албатта. Умум ишига, эл-юрт нафига даъват этилган қалб, шоир шахсияти бўхтонга, унинг оқибатида тортилган хўрликка қарши ғалаён қиласи. Аслида кишининг имон-эътиқоди бутун бўлмаса, улуғ гояларга ўзини бахшида этмаса, қалбда “битмас яралар” захри қоладими? Шайхзода сатрлари шундай ҳаётий мазмунга эга: ҳалқ куйчисига қачон, қайси шароитда бўхтон, ифво, таҳқир уюштирилган бўлмасин, бунинг оқибати, охир шармандалиkdir. **Бизнинг объектив ҳақиқатимиз, улуғ идеалларимиз тақозоси шу.** Партиямиз томонидан қатъиян қораланган, бизнинг юксак гоявий принципларимизга ёт бўлган, шоир алам билан тилга олган “ёмонлик излари” ижтимоий маъно касб этиши мумкин эмас. Лекин, афсуски, шу ижтимоий кучни ташкил қилган бир маслақдаги софдил, ҳалол, фидокор миллионлар орасида ёмонлигини мунофиқона яширишга уринган, ҳатто “яхши”, мўмин-қобил кўринган, асли қора ният, нопок, ножинс кимсалар ҳам яшаб юрипти. Уларнинг ниқобини йиртиб ташлаган шоирдан ҳалқ, жамоатчилик фақат миннатдор бўлади. Шунинг учун Шайхзоданинг қуидаги сатрларини тўла хайриҳоҳлик ва мамнуният билан ўқиймиз:

Бир нафар чилангар кўз юмса агар

Ўрнига туғилар учта чилангар.

Ёки ўлиб кетса битта муаллим

Ўрнига туғилар донишманд олим.

Аммо ўлган икки абллаҳга эваз

Бири ҳам туғилмоқ асли шарт эмас.

Бу сатрларда лирик қаҳрамон кечинмалари изтиробга, изтироблари тубанлик ва қабоҳатга нисбатан нафратга айланади.

Аlam va изтироблар ҳамма вақт ҳам ғазабнок кайфият туғдирмайди. Шеъриятда кўпинча қаҳрамоннинг хушнуд ҳолати билан баробар оғир, ғамандуҳли дамлари бўлиши табиий. Гап шундаки, ҳаётимизнинг ижтимоий асослари, моҳияти алам, изтиробларга имкон бўлган қадар ижобий, адолатли, умидли жавоб айтишни, кишининг қўнгил дардига малҳам, даво топишни, ташвишнинг охири хайрли кечишини тақозо этади. Шунинг учун ҳатто “адабий ҳижронга” ташланган шоира Зулфия лирик қаҳрамонининг қўз ёшлари бизга ҳаёт, муҳаббат, баҳт қадрини ччандон билдириб, бизни ларзага солади-ю шу билан баробар, ёш ўрнида яна баҳтиёр ҳаёт зиёси, табассум жилоланади. Лекин шоира талқинидаги баҳт ғоят қийин баҳт, ҳаёт табассуми ҳам ўйлантирувчи табассумдир...

Улкан қалб ва истеъод соҳиби Александр Довженко 1954 йилдаёқ (Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездида) рицарлик жасорати билан бадиий асарларимизда алам, мусибатнинг мантиқий ўрни бўлиши, ҳатто келажак коммунизм кишиси ҳам кимнидир, ниманидир йўқотган тақдирда изтироб чекиши, қўз ёши тўкиши мумкинлиги ҳақида айтган эди. Севинч ва изтироблар, баҳт ва жудоликлар билан ўтган улуғ кураш йўлимиздаги баъзи аччиқ ҳақиқатлар тўгрисида атоқли совет шоирларидан Александр Твардовский “Йироқлардан йироқларга” поэмаси, Расул Ҳамзатов (бир қанча шеърлари ва “Дофистоним” насрый поэмаси) дадил, одилона туриб, “бу ўз нуқсонимиз”, “ўз дардимиз” деб рўй рост айтдилар. Улар дард ва мусибатлар хусусида ёзганларида буюк эътиқодга эга бўлган руҳнинг аламнок кучи, аламнок гўзаллиги, ҳаётбахш кўтаринкилиги сезилиб туради. Михаил Светлов изтиробларни ифодалашда йиғлоқилик белгиси эмаслиги ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Бахтсизлик қанчалик пинҳоний тутилса, шунчалик фожеъ тус олади. Йиғлаб турган она кўп ўтмасдан хотирамиздан кўтарилиши мумкин, сукут сақлаган она-чи? – сўнмас образдир” (“Булут ичидаги қуёш” деб номланган қайдлар).

Зулфиянинг абадий, “висолсиз ҳижрон” мавзуидаги шеърларининг жозиба куни шундаки, уларда инсон бошига тушган ғам, кулфат унинг баҳти, севинчи сингари ҳаётининг ажralmas бўлаги сифатида талқин этилади. Мусибат, йўқотиш шунинг учун ҳам оғир, аччиқки, ҳаётнинг буюк отashi, баҳтнинг бутун маъно ва қиммати билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам ўлган васл умидлари тирик қўшиқдай, фожеъ кечинмалар тасвири бокий муҳаббат таронасидай янграйди.

Асқад Мухторнинг характерли бир шеъри бор. Ҳар тонгда бир йигит соҳилга чиқиб, сувга узоқ тикилиб қолади, қайта топилмас мұхаббатига тикилади. Унинг изтироблари сувнинг оқими каби чексиз.

Күёши бор, ойи бору  
Күнглига қил сиғмайди.  
Үз уйида ёқилмаган  
Чироғига йиғлайди.

(“Тонг олдидан бир йигит...”).

Эл фарзанди, мамлакат граждани, меҳнаткаш инсон учун шахсий баҳт, оила ҳаловати нақадар зарур!.. Шу маънода севиб баҳтиёр бўлиш ёки муҳаббат давлатини бой бериб қўйиш, ундан бебаҳралик дарди бизнинг янги инсоний муносабатлар шароитимизда фақат бир кишининг “шахсий” иши бўлиб қолмайди. Шоир сатрларининг бизга таъсири этиш боиси ҳам шунда.

Шеъриятнинг ҳазин, “аламли” элементи турли шаклларда учрайди. Ҳаёт ҳақиқатини фалсафий мушоҳада қилган шоир буни биз хаёлимизга келтирмаган, зоҳиран ҳаётнинг “аҷчиқ маъноси” кўринмаган бир парча қофоз тимсолида беради.

Менга қолса,  
Энг оғири  
Бир нарса холос:  
Қофоз оғир ҳаммасидан.  
Бир парча қофоз!  
Шу сўради билдирамасдан  
Кучни, дармонни.  
Шу совутар аста  
Баданда қонни.

(“Темир оғир дерлар...”).

Турмушнинг, айниқса, доғ-ҳасратли томонларини тасвирлаш шоирдан катта масъулият ва санъатни талаб қилади. Негаки, шоир ҳалқ номидан, эзгулик номидан гапиради, киши дардини билишда ва унга ҳамдард бўлишда юксак гуманизм нуқтаи назарида туради. Қийин дақиқаларда қалби буюрганича иш тутади. Ҳаётда севинч ва аламлар йўлдош экан, асли бу зиддиятда катта ҳаракатлантирувчи куч бор. Аламлар кўпинча қувончга

айланади, уларнинг заминида эрталик кун ташвишлари туғилади. Ҳаётнинг бу доимий ҳодисаси олдида мусибатлар, баҳтсиз тасодифлар, йўқотишлар нисбий ҳоллар дейиши мумкин. Шоир қанчалик ҳақиқатпарвар бўлса, шунчалик гўзаллик шайдоси. Одамларга яхшилик, қувонч ҳадя этишда унинг ҳиммати баланд. Шунинг учун ҳам у севинч ва аламлар ўртасидаги нозик нисбатни бошқалардан яхшироқ ва руҳан юксакроқда туриб англайди, яъни зиддиятларни, асосан, унинг кишини қувонтирадиган самараларида, лаҳза сайин туғилиб турувчи янгиликлари ва гўзалликларида кўради. Ҳаёт мантиқи ўзи зиддиятлар курашнинг аксари ҳолларда “баҳт ва шодлик” ғалабасига олиб келишини тақозо қилмайдими? Афсуски, баъзи шоирлар, биринчи галда, ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ идрок этиб кўрмаганлари сезилади.

Юрак, юрак, тентаккинам, шошмай тур бир оз,

Бу дунёда шириклиқдан аччиқлик кўпроқ.

Бу дунёда аччик кўпроқ, аммо яхши кун

Ёмон кундан кўпроқ бўлур, ишонмоқ керак.

(Азиз Абдураззок).

Бу сатрлар лоақал юқорида қайд қилганимиз ҳаётнинг ўзидаги “аччик ва ширин маъно”лар нисбатини тўғри талқин этиб беролмайди, ваҳоланки, шоир ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш билан кифояланмай, унга **буғунги, шеъриятимизнинг юксак талаблари даражасида туриб, баланд руҳ бағишлиши керак**. Албатта, шоир шахсан ўзи кечирган ёки дўстлари, замондошлари бошига тушган бирор баҳтсизлик, ранж ҳақида нимадай туролмайди. Лекин ёзганда Зулфия, Шайхзода сингари шоирларда бўлган собит маслак, ниятнинг аниқлиги, олижаноблиги, ўткир мушоҳада билан ёзмоқ лозим. Такрор айтамиз, шоир аччиқ-алам сабабларини, маъносини таҳлил қилиш билан чекланмайди, балки китобхон учун манффаатдор, унинг эътиқод ва эътиқодини янада қучайтирувчи, таъбини эркалаб, дидини ардокловчи энг зарур фикрни илгари суради.

Зулфиянинг:

Бирга қолиш учун сен билан

Куяману бўлмайман адо...

Мени шодлик, баҳт бошлаб юрар,

Мен – қалб аталган дардни...

Ёки Шайхзоданинг:

Ўлганга юз соат йиғлаб турғандан

Уни тиригидә бир соат йўқланг! –

каби ҳаёт тўла, сермазмун, ўтли-оташли, айни вақтда бениҳоя аламнок сатрлари бизнинг яшаш ва курашимиз учун озмунча руҳий қувват, мадад берадими! Бу хил сатрлардаги афғон бизга ўзгалар ғамидан изтироб чекишни ўргатади, инсонни, дўстни, баҳтни қадрлашни ўргатади.

Шоирнинг қизғин, самарали ижоди – бу **шеъриятга кўчган ҳаётдир**. Бу – интилиш, яратиш нашъаси, доимий тетиклик, тўсиб, тўхтатиб бўлмас бир куч-қувват, ҳаёт чашмасининг уйқу билмаслиги... Бошқача айтганда, инсон қалбида содир бўладиган турли-туман қайфиятлар ҳам – бари ҳаётнинг ҳаракат, жозиба, гўзаллик қонунига, унинг меҳр-оташига, истиқболига хизмат қиласди.

Шоир ҳаётини, қаҳрамон дунёсини ҳам шундай англаймиз.